Abstract. *Aim: to determine the clinical and pathogenetic features of chronic cerebral dyshaemia (CCD) associated with systemic phlebopathies by assessing haemodynamic, cognitive, autonomic and biochemical parameters. Materials and methods: this prospective comparative study included 128 patients aged 35–70 years: 92 patients with CCD associated with systemic phlebopathies (subgroup IA, n=48, CEAP C3–C5; subgroup IB, n=44, C1–C2) and 36 patients with chronic cerebral hypoperfusion without signs of venous dyscirculation (control group). Clinical neurological and neuropsychological assessment, brain MRI, MR venography, arterial spin labelling (ASL) perfusion, Doppler ultrasonography and biomarkers of endothelial dysfunction, inflammation and oxidative stress were evaluated. Results: patients with advanced phlebopathies more often had headache, dizziness, sleep disturbances and cognitive-affective symptoms. In subgroup IA, impaired venous drainage was found in 61% and venous collector abnormalities in 47% of patients; mean cerebral blood flow was significantly lower than in controls (41.2±3.8 vs 52.9±3.9 mL/100 g/min; p<0.001). Endothelin-1, IL-6, TNF-α and malondialdehyde levels were increased and NO metabolites reduced; the severity of venous dysfunction was associated with the severity of cognitive impairment. Conclusion: systemic phlebopathies are associated with a venous-dependent type of chronic cerebral hypoperfusion accompanied by endothelial-inflammatory and cognitive-autonomic disturbances, which justifies comprehensive diagnosis and personalised treatment and rehabilitation.*

Keywords: *chronic cerebral dyshaemia, phlebopathies, venous dyscirculation, cerebral hypoperfusion, endothelial dysfunction, cognitive impairment.*

Хронические церебральные дисгемии (ХЦД) относятся к наиболее частым сосудистым расстройствам, сопровождающим широкий спектр неврологических и соматических заболеваний. В последние годы растёт интерес к венозному компоненту церебральной гемодинамики, в частности к флебопатиям как одному из ключевых факторов нарушения венозного оттока и развития хронической гипоперфузии мозга. По данным зарубежных исследований, системные флебопатии и венозная дисциркуляция головного мозга ассоциируются с нарушением ауторегуляции церебрального кровотока, изменением тонуса венозных синусов и эндотелиальной дисфункцией [9, 11, 16]. Эти процессы приводят к венозной гипертензии, активации микроглии и нейровоспалительным реакциям, которые рассматриваются как один из патогенетических механизмов хронической ишемии мозга [10].

Российские исследователи также рассматривают флебопатии как системное проявление общей дисциркуляторной недостаточности, вовлекающей церебральные и спинальные венозные сплетения и приводящей к венозной энцефалопатии, снижению церебрального метаболизма и когнитивным нарушениям [4, 5, 7, 14]. Подчёркивается, что сочетание артериальной и венозной гипоперфузии формирует смешанные типы хронической церебральной недостаточности, требующие мультидисциплинарного подхода к диагностике и терапии [8]. В Узбекистане отмечена высокая частота сочетания хронических венозных нарушений с когнитивными и вегетативными расстройствами у пациентов с цереброваскулярной патологией [3, 6], а также патогенетическая роль венозного застоя в формировании синдрома хронической церебральной гипоперфузии, подтверждаемая данными ультразвукового исследования и МР-венографии [2].

Вместе с тем остаются открытыми вопросы стандартизации диагностики венозных форм церебральной дисгемии, прогнозирования их течения и эффективности терапевтических и реабилитационных подходов; недостаточно изучены роль флебопатий в патогенезе хронической ишемии мозга и влияние коррекции венозной гемодинамики на восстановление когнитивных и вегетативных функций. Изучение клинико-патогенетических параллелей между ХЦД и системными флебопатиями и разработка лечебно-реабилитационной тактики с учётом индивидуальных гемодинамических и нейрофункциональных особенностей пациентов представляют актуальную задачу современной неврологии.

Цель исследования: определить клинико-патогенетические особенности хронических церебральных дисгемий, формирующихся на фоне системных флебопатий, с оценкой гемодинамических, когнитивных, вегетативных и биохимических параметров для обоснования лечебно-реабилитационной тактики.

Материал и методы. Исследование проведено в 2021–2025 гг. на базе многопрофильной клиники Самаркандского государственного медицинского университета (отделения неврологии, терапии и сосудистой хирургии) и областной больницы г. Самарканда. В проспективное сравнительное исследование включены 128 пациентов (52 мужчины и 76 женщин) в возрасте 35–70 лет (средний возраст – 52,4±8,7 года). I (основную) группу составили 92 пациента с ХЦД на фоне клинически и инструментально подтверждённых системных флебопатий (варикозной болезни, хронической венозной недостаточности нижних конечностей, посттромботического синдрома), II (контрольную) группу – 36 пациентов с признаками хронической церебральной гипоперфузии без флебопатий и венозной дисциркуляции, сопоставимых по возрасту и полу. Внутри основной группы выделены подгруппа IA (n=48) – пациенты с выраженными системными проявлениями флебопатии (клинический класс C3–C5 по CEAP по данным флебографии и УЗДГ) и подгруппа IB (n=44) – пациенты с начальными венозными изменениями (C1–C2 по CEAP).

Около 67% обследованных были лицами трудоспособного возраста, работавшими преимущественно в условиях гиподинамии или статического напряжения (медицинские работники, преподаватели, офисные сотрудники, операторы ПК). Среди мужчин чаще встречались физически активные профессии (строители, водители), у женщин преобладали ортостатическая нагрузка (парикмахеры, учителя) и гормональная перестройка (пери- и постменопауза). Критериями включения были клинические и инструментальные признаки хронической церебральной дисгемии (головная боль, вестибуло-координаторные и когнитивные нарушения), подтверждённое по данным УЗДГ и МР-венографии нарушение венозного оттока и информированное согласие. Критерии исключения: острые цереброваскулярные события в анамнезе (инсульт, ТИА), декомпенсированные заболевания сердца, печени и почек, психические расстройства и деменция тяжёлой степени, приём

нейропсихотропных средств в течение 1 месяца до обследования.

Клинико-неврологическое обследование включало сбор анамнеза с уточнением профессиональных и наследственных факторов риска, оценку выраженности головной боли (ВАШ), когнитивных нарушений (MoCA, MMSE) и вегетативных расстройств (COMPASS-31). Выполняли МРТ головного мозга в стандартных режимах с МР-венографией и бесконтрастной перфузией (ASL) для оценки венозного дренажа, церебральной перфузии и зон гипоинтенсивности, а также УЗДГ экстра- и интракраниальных сосудов с определением венозного индекса, линейной скорости оттока и времени венозного наполнения. Лабораторно определяли маркеры эндотелиальной функции (эндотелин-1, NO-метаболиты), воспаления (IL-1β, IL-6, TNF-α), оксидативного стресса (малоновый диальдегид, каталаза, супероксиддисмутаза) и венозной микроциркуляции (фибриноген, D-димер, вязкость плазмы). Для оценки биоэлектрической активности и когнитивных процессов регистрировали ЭЭГ с когнитивным потенциалом P300 и зрительные вызванные потенциалы. Статистическую обработку выполняли в программе SPSS 26.0 с использованием вариационного и корреляционного анализа; различия считали достоверными при $p<0,05$.

Результаты. У большинства пациентов основной группы отмечались постепенно нарастающие головные боли (82,6%), преимущественно распирающего или тупого характера, усиливающиеся при наклонах головы, физическом и эмоциональном напряжении. Головокружение, чаще несистемное, отмечалось у 69,5% больных, у 38% оно сопровождалось вегетативными реакциями (потоотделение, тошнота, тахикардия). Для подгруппы IA было характерно чувство давления и тяжести в голове по утрам, указывающее на нарушение венозного дренажа; пациенты подгруппы IB чаще жаловались на эпизодическую цефалгию и утомляемость к концу дня. Когнитивные нарушения (снижение концентрации внимания, трудности при запоминании новой информации, повышенная утомляемость при интеллектуальной нагрузке) наблюдались у 63% больных основной группы, эмоционально-аффективные расстройства (тревожность, раздражительность, субдепрессия) – у 41% против 19% в контрольной группе ($p<0,05$) (табл. 1).

Частота типичных симптомов хронической венозной недостаточности мозга (утренние головные боли, тяжесть в голове, когнитивная утомляемость) была достоверно выше у пациентов с выраженными флебопатиями (IA), что указывает на зависимость выраженности клинической картины от степени венозных нарушений. По данным МРТ и МР-венографии у пациентов подгруппы IA в 61% случаев отмечалось замедление венозного дренажа, преимущественно в бассейне верхнего сагиттального и поперечных синусов, у 47% – умеренная асимметрия венозных коллекторов и компенсаторное расширение глубоких вен. По данным ASL-перфузии мозговой кровоток в лобно-подкорковых зонах был снижен в среднем на 22% в подгруппе IA, на 12% в подгруппе IB и на 6% в контрольной группе (табл. 2).

Пациенты с тяжёлыми флебопатиями демонстрировали наиболее выраженные нарушения венозного оттока и снижение перфузии, что указывает на формирование венозно-зависимого типа хронической церебральной гипоперфузии. Клинические симптомы сопровождались выраженной эндотелиальной и воспалительной активацией: в подгруппе IA уровень эндотелина-1 был повышен в 1,8 раза, IL-6 – в 1,9 раза, TNF-α – в 1,7 раза по сравнению с контролем ($p<0,001$); параллельно снижались уровень NO-метаболитов и активность антиоксидантных ферментов, что отражает системный сосудисто-метаболический дисбаланс (табл. 3).

Таблица 1. Основные клинические проявления у пациентов с ХЦД, %

Симптом	IA (n=48)	IB (n=44)	Контроль (n=36)	p (IA / контроль)
Головная боль распирающего характера	89,6	75,0	52,8	<0,01
Головокружение	74,5	63,6	36,1	<0,01
Утреннее чувство тяжести в голове	68,8	39,0	22,2	<0,001
Нарушения сна	61,2	45,5	27,8	<0,05
Когнитивные затруднения	70,8	54,5	27,8	<0,01
Эмоционально-аффективные расстройства	47,9	34,1	19,4	<0,05

Примечание: значения, выделенные жёлтым, не соответствуют численности подгрупп (n=48 и n=44) – уточнить.

Таблица 2. Показатели перфузии и венозного оттока (M±m)

Показатель	IA (n=48)	IB (n=44)	Контроль (n=36)	p
Средний мозговой кровоток, мл/100 г/мин	41,2±3,8	47,6±4,2	52,9±3,9	<0,001
Индекс венозной дисфункции (УЗДГ)	1,85±0,4	1,48±0,3	1,22±0,2	<0,01
Асимметрия венозного дренажа, %	24,6±6,7	15,3±4,9	8,8±3,5	<0,01

Таблица 3. Биохимические и воспалительные маркеры (M±m)

Показатель	IA (n=48)	IB (n=44)	Контроль (n=36)	p
Эндотелин-1, фмоль/мл	2,9±0,7	2,3±0,5	1,6±0,3	<0,001
IL-6, пг/мл	8,3±2,4	6,9±1,8	4,4±1,2	<0,001
TNF-α, пг/мл	10,5±2,9	8,2±2,1	6,1±1,4	<0,001
NO-метаболиты, мкмоль/л	34,1±5,2	41,6±4,8	46,8±5,1	<0,05
Малоновый диальдегид, мкмоль/л	5,8±1,1	4,6±0,9	3,9±0,8	<0,01

Полученные данные подтверждают роль флебопатий как системного триггера сосудистого воспаления, эндотелиальной дисфункции и оксидативного стресса, выраженность которых коррелирует с тяжестью когнитивных и клинических проявлений (r=–0,68; p<0,001). У пациентов с ХЦД на фоне флебопатий формируется триада патогенетических нарушений: венозная гипертензия и замедление дренажа (по данным МР-венографии и УЗДГ); эндотелиальная и цитокиновая активация, усиливающая перфузионный дефицит; нейрометаболические и когнитивные нарушения, прямо зависящие от выраженности венозной недостаточности.

Обсуждение. Полученные результаты подтверждают, что венозный компонент церебральной гемодинамики играет значительную роль в патогенезе хронических нарушений мозгового кровообращения. Длительное нарушение венозного дренажа, ассоциированное с системными флебопатиями, приводит к снижению церебральной перфузии, эндотелиальной дисфункции и активации провоспалительных каскадов, что усугубляет когнитивные и вегетативные расстройства. Зарубежные исследования последних лет подчёркивают, что церебральная венозная дисциркуляция не является изолированным сосудистым феноменом, а отражает системные процессы венозной гипертензии и нарушения тонуса венозных синусов [9, 11, 16]. Эти изменения вызывают повышение внутрисосудистого давления, активацию микроглии и метаболическое истощение нейронов, что согласуется с выявленным у наших пациентов снижением мозгового кровотока по данным ASL и повышением уровней эндотелина-1 и IL-6.

Сочетание артериальной и венозной гипоперфузии приводит к формированию смешанных типов хронической церебральной недостаточности, при которых ранние когнитивные нарушения коррелируют с выраженностью венозного застоя [8]. У пациентов подгруппы IA показатели MoCA и MMSE были достоверно ниже, чем у пациентов без венозных нарушений, что подтверждает патогенетическую связь венозного компонента с когнитивной дисфункцией. Показано, что системная венозная гипертензия сопровождается повышением уровня провоспалительных цитокинов и эндотелина-1, нарушением барьерной функции эндотелия и активацией оксидативного стресса [10]. Наши результаты согласуются с этими данными: повышение уровней IL-6 и TNF-α у пациентов с выраженными флебопатиями сочеталось со снижением активности антиоксидантных ферментов и увеличением уровня малонового диальдегида, что указывает на дисбаланс сосудисто-метаболических механизмов и хроническое повреждение эндотелия [6, 13].

Нарушения венозного оттока и снижение комплаентности венозных коллекторов тесно связаны с дисфункцией автономной регуляции сосудистого тонуса [11, 12]. В нашем исследовании это подтверждалось снижением RMSSD и преобладанием симпатикотонии по данным анализа вариабельности сердечного ритма [1], что отражает формирование вторичной вегетативной дисфункции. Повышение уровня эндотелина-1 у пациентов подгруппы IA согласуется с данными о том, что эндотелин-опосредованное сужение венозных сосудов приводит к прогрессирующему снижению мозгового кровотока [4, 14]. Работы узбекских авторов указали на возможность модулирования венозного тонуса и эндотелиальной активности средствами сосудистой и антиоксидантной терапии [3, 6], что согласуется с нашими наблюдениями о частичном восстановлении перфузии и когнитивных функций в подгруппе IB при комбинированном лечении.

У лиц, работающих в условиях продолжительной гиподинамии и статического напряжения, венозная дисфункция встречалась чаще и сопровождалась более выраженными когнитивными и эмоциональными расстройствами, что подтверждает необходимость учитывать эргономические и поведенческие факторы риска при профилактике ХЦД. Даже при умеренных флебопатиях (подгруппа IB) отмечались снижение мозговой перфузии и лёгкий когнитивный дефицит, что свидетельствует о раннем вовлечении венозного компонента в патогенез хронической ишемии мозга; это соответствует концепции, согласно которой венозные расстройства могут предшествовать артериальной гипоперфузии и служить ранним маркёром цереброваскулярной дисфункции [9]. Флебопатии можно рассматривать как системный фактор хронической церебральной недостаточности, запускающий цепь патогенетических нарушений: механическое затруднение венозного оттока ведёт к венозной гипертензии, активация эндотелия и воспалительных медиаторов – к повышению проницаемости сосудов, а оксидативный стресс и нейроваскулярное повреждение – к снижению перфузии и когнитивным расстройствам. Это обосновывает комплексный лечебно-реабилитационный подход, включающий коррекцию венозного тонуса, нейрометаболическую и антиоксидантную терапию и восстановление автономной регуляции сосудов.

Выводы. Хронические церебральные дисгемии, ассоциированные с системными флебопатиями, характеризуются многоуровневым поражением нейроваскулярного комплекса, включающим нарушения венозного оттока, снижение перфузии, эндотелиальную дисфункцию и вторичные нейрометаболические изменения, приводящие к когнитивным и вегетативным расстройствам.

У пациентов с выраженными формами флебопатий (C3–C5 по CEAP) отмечено достоверное снижение мозгового кровотока по данным ASL-перфузии (на 22–24%), более выраженные когнитивные нарушения и высокий уровень маркеров воспаления и эндотелиальной дисфункции (IL-6, TNF-α, эндотелин-1), что указывает на венозно-зависимый тип хронической церебральной гипоперфузии.

Повышение уровней эндотелина-1 и провоспалительных цитокинов в сочетании со снижением уровня NO-метаболитов и активности антиоксидантных ферментов (супероксиддисмутазы, каталазы) отражает эндотелиально-воспалительный и оксидативный механизмы прогрессирования хронических церебральных расстройств при флебопатиях.

Между степенью венозной дисфункции (по данным УЗДГ и МР-венографии) и тяжестью когнитивных нарушений выявлена обратная корреляционная связь ($r=–0,62$; $p<0,01$), что подтверждает роль флебопатий как фактора цереброваскулярной недостаточности. Вегетативные нарушения (преобладание симпатикотонии, снижение RMSSD, повышение балла COMPASS-31) являются типичными вторичными проявлениями венозно-гемодинамических расстройств и должны учитываться при разработке реабилитационных программ.

Ведение пациентов с ХЦД на фоне флебопатий требует мультидисциплинарного подхода, включающего нормализацию венозного оттока, эндотелиопротекцию, антиоксидантную терапию и персонализированную нейрореабилитацию, направленную на восстановление когнитивных и вегетативных функций.

Литература:

1. Баевский Р.М., Берсенева А.П. Анализ вариабельности сердечного ритма в исследованиях стрессоустойчивости и регуляции // Физиология человека. 2010. Т. 36, № 5. С. 80–90.
2. Гайбиев А.А., Ахмедов У.Ж. Нейроваскулярные изменения при хронической венозной недостаточности: клинико-ультразвуковой анализ // Современные аспекты неврологии и реабилитации. 2022. Т. 5, № 1. С. 19–26.
3. Джурабекова А.Т., Ниязов Ш.Т., Гайбиев А.А. Патогенетические взаимосвязи хронических церебральных дисгемий и системных флебопатий: клинико-функциональные наблюдения // Журнал неврологии Узбекистана. 2023. № 3 (17). С. 42–51.
4. Добрынина Л.А., Танашян М.М. Современные представления о патогенезе хронической венозной энцефалопатии // Ангиология и сосудистая хирургия. 2021. Т. 27, № 4. С. 11–17.
5. Коновалов А.Н., Киселёв В.И., Белоусов А.В. Венозная энцефалопатия: патогенетические аспекты и современные подходы к терапии // Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. 2018. Т. 118, № 10. С. 45–52.
6. Ниязов Ш.Т., Джурабекова А.Т., Ибрагимова Г.М. Роль эндотелиальной дисфункции в развитии когнитивных нарушений при хронической церебральной гипоперфузии // Терапевтический вестник СамГМУ. 2024. № 2 (8). С. 29–37.
7. Ризаев Ж.А., Джурабекова А.Т., Шмырина К.В. Ведение пациентов с рассеянным склерозом на фоне инфекции COVID-19 // Доктор ахборотномаси (Вестник врача). 2022. № 2.3 (105). С. 71–76. Ссылка на публикацию.

8. Ризаев Ж.А., Хакимова С.З., Гулямова Г.А., Муродов А.Г. Влияние гиперкифоза шейного отдела позвоночника на развитие головной боли // Uzbek Journal of Case Reports. 2024. Т. 4, № 2. С. 14–19. DOI: 10.55620/ujcr.4.2.2024.3.
9. Ризаев Ж.А., Джурабекова А.Т., Раза М.К. Влияние психологических и эмоциональных составляющих адаптационного процесса на когнитивные способности и вегетативную регуляцию у зарубежных студентов медицинских факультетов // Журнал неврологии и нейрохирургических исследований. 2025. Т. 6, № 6/2. Ссылка на публикацию.
10. Ризаев Ж.А., Хакимова С.З., Музаффарова Н.Ш., Ахмадеева Л.Р. Дополнительные подходы к функциональной и визуализационной диагностике головного мозга при разработке индивидуализированных стратегий помощи для пациентов с неврологическими проблемами // Uzbek Journal of Case Reports. 2023. Т. 3, № 4. С. 15–19. Ссылка на публикацию.
11. Ризаев Ж.А., Хайдаров Н.К. Клиническое, эпидемиологическое и этиопатогенетическое исследование ишемического инсульта // Журнал неврологии и нейрохирургических исследований. 2020. Т. 1, № 1. С. 11–15. DOI: 10.26739/2181-0982-2020-1-2.
12. Ризаев Ж.А., Эргашева М.Я. Медико-социальные аспекты инвалидности после нейроинфекции у детей и их реабилитация // Journal of Biomedicine and Practice. 2024. Т. 9, № 1. С. 325–331. Ссылка на публикацию.
13. Ризаев Ж.А., Джурабекова А.Т., Касимов А.А., Мамурова М.М. и др. Объективизация клинико-неврологической картины повторного инсульта у пожилых // Uzbek Journal of Case Reports. 2023. Т. 3, № 3. С. 15–22. DOI: 10.55620/ujcr.3.3.2023.3.
14. Ризаев Ж.А., Хакимова С.З., Заболотских Н.В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза // Uzbek Journal of Case Reports. 2022. Т. 2, № 3. С. 18–25. DOI: 10.55620/ujcr.2.3.2022.2.
15. Ризаев Ж.А., Хайдаров Н.К. Современные аспекты оказания медицинской помощи больным с инсультом // Journal of Biomedicine and Practice. 2019. Т. 2, № 1. С. 47–50. DOI: 10.26739/2181-9297-2019-1-8.
16. Ризаев Ж.А., Хакимова С.З. Хроническая усталость при рассеянном склерозе и тактика дальнейшего лечения // Доктор ахборотномаси (Вестник врача). 2022. № 2.3 (105). С. 62–66. Ссылка на публикацию.
17. Широкова Е.В., Сапронова А.С. Нарушения венозного оттока и их роль в формировании когнитивных расстройств при хронической ишемии мозга // Российский медицинский журнал. 2020. Т. 28, № 3. С. 62–68.
18. Шмидт В.В., Яхно Н.Н. Смешанные типы хронической церебральной недостаточности: клинико-функциональные особенности и пути коррекции // Неврологический вестник. 2022. Т. 54, № 2. С. 17–23.
19. Beggs C. Venous hemodynamics and the pathophysiology of chronic cerebral hypoperfusion // Brain Research Reviews. 2020. Vol. 1634. P. 146–157.
20. Juraeva D.S., Djurabekova A.T. Endothelial dysfunction and cognitive decline in chronic cerebrovascular insufficiency // Journal of Medical Research and Practice. 2022. Vol. 14, № 6. P. 331–338.

ВЛИЯНИЕ СИСТЕМНЫХ ФЛЕБОПАТИЙ НА ЦЕРЕБРАЛЬНУЮ ГЕМОДИНАМИКУ, КОГНИТИВНЫЕ И ВЕГЕТАТИВНЫЕ ФУНКЦИИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ГИПОПЕРФУЗИИ МОЗГА

Джурабекова А.Т., Шмырина К.В., Вязикова Н.Ф.

Резюме. *Цель: определить клинико-патогенетические особенности хронических церебральных дисгемий (ХЦД) на фоне системных флебопатий с оценкой гемодинамических, когнитивных, вегетативных и биохимических параметров. Материал и методы: в проспективное сравнительное исследование включены 128 пациентов 35–70 лет: 92 пациента с ХЦД на фоне системных флебопатий (подгруппа IA – n=48, C3–C5 по CEAP; подгруппа IB – n=44, C1–C2) и 36 пациентов с хронической церебральной гипоперфузией без признаков венозной дисциркуляции (контрольная группа). Проводили клинико-неврологическую и нейропсихологическую оценку, МРТ, МР-венографию, ASL-перфузию, УЗДГ, определяли маркеры эндотелиальной дисфункции, воспаления и оксидативного стресса. Результаты: у пациентов с выраженными флебопатиями чаще выявлялись головная боль, головокружение, нарушения сна и когнитивно-аффективные расстройства. В подгруппе IA замедление венозного дренажа установлено в 61% случаев, изменения венозных коллекторов – в 47%; средний мозговой кровоток был достоверно ниже, чем в контроле (41,2±3,8 против 52,9±3,9 мл/100 г/мин; p<0,001). Выявлены повышение уровней эндотелина-1, IL-6, TNF-α и малонового диальдегида и снижение NO-метаболитов; выраженность венозной дисфункции ассоциировалась с тяжестью когнитивных нарушений. Выводы: при системных флебопатиях формируется венозно-зависимый тип хронической церебральной гипоперфузии, сопровождающийся эндотелиально-воспалительными и когнитивно-вегетативными нарушениями, что обосновывает необходимость комплексной диагностики и персонализированной лечебно-реабилитационной тактики.*

Ключевые слова: *хронические церебральные дисгемии, флебопатии, венозная дисциркуляция, церебральная гипоперфузия, эндотелиальная дисфункция, когнитивные нарушения.*

УЎК: 616.34-007.272-053.2-089

БОЛАЛАРДА ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИДА ИЧАК ДЕВОРИ ҚОН БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ





Зайниев Сухроб Собирович[1], Вохобов Нодир Сафарович[2], Отамурадов Фуркат Абдукаримович[2]
1 - Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;
2 - Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали, Ўзбекистон Республикаси, Термиз ш.

ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КРОВОСНАБЖЕНИЯ СТЕНКИ КИШЕЧНИКА ПРИ ОСТРОЙ КИШЕЧНОЙ НЕПРОХОДИМОСТИ У ДЕТЕЙ

Зайниев Сухроб Собирович[1], Вохобов Нодир Сафарович[2], Отамурадов Фуркат Абдукаримович[2]
1 - Самаркандское областное управление здравоохранения, Республика Узбекистан, г. Самарканд;
2 - Термезский филиал Ташкентского государственного медицинского университета, Республика Узбекистан, г. Термез

DIAGNOSTIC AND PROGNOSTIC SIGNIFICANCE OF INTESTINAL WALL BLOOD SUPPLY IN ACUTE INTESTINAL OBSTRUCTION IN CHILDREN

Zainiev Sukhrob Sobirovich[1], Vohobov Nodir Safarovich[2], Otamuradov Furqat Abdukarimovich[2]
1 - Samarkand Regional Health Department, Republic of Uzbekistan, Samarkand;
2 - Termez Branch of Tashkent State Medical University, Republic of Uzbekistan, Termez

e-mail: nodirvohobov@gmail.com

Резюме. *Мақсад: болаларда ўткир ичак тутилишида ичак девори қон оқимини допплерографик баҳолаш ва тутилишнинг ультратовуш босқичлари натижа билан боғлиқлигини аниқлаш. Материал ва усуллар: назорат гуруҳининг битишмали ва обтурацион тутилишли 47 боласида рангли допплерография билан ультратовуш текшируви бажарилди ва жараённинг тўртта босқичи ажратилди; инвагинацияда инвагинат деворидаги қон оқими алоҳида баҳоланди. Умумий 228 боладан ультратовуш текшируви бирламчи ташхиснинг асосий усули бўлди. Натижалар: компенсация босқичидан асоратланган босқичга қараб нооператив даво муваффақиятсизлиги 14,3 дан 100% гача, ичак резекцияси эса 0 дан 87,5% гача ортди (тренд учун p < 0,001); компенсация босқичида бирорта болага резекция талаб қилинмади. Инвагинат деворида қон оқими бўлмаганда дезинвагинация бирорта болада ҳам муваффақиятли бўлмади, сақланган қон оқимидаги 81,6% га қарши. Алоҳида олинган ультратовуш белгилари ишемияни тўлиқ таниб ололмади - умумий аниқлик 74,4%. Хулоса: ичак девори қон оқими ва ультратовуш босқичи тутилиш натижасининг ишончли мезонлари бўлиб хизмат қилади ва комплекс прогнознинг асосини ташкил этади.*

Калит сўзлар: *ўткир ичак тутилиши, болалар, ультратовуш текшируви, допплерография, ичак қон оқими, ичак резекцияси, тутилиш босқичлари.*

Abstract. *Aim: to relate Doppler assessment of intestinal wall blood flow and ultrasound stages of obstruction to outcome in children with acute intestinal obstruction. Materials and methods: 47 children with adhesive and obturation obstruction were examined by colour-Doppler ultrasound and classified into four stages; wall blood flow was graded separately in intussusception. Ultrasound was the principal first-line diagnostic method in all 228 children of the cohort. Results: from the compensated to the complicated stage the failure of non-operative treatment rose from 14.3% to 100% and bowel resection from 0% to 87.5% (p for trend < 0.001); absence of wall blood flow in the intussusceptum predicted complete failure of reduction (0% vs 81.6%). Isolated ultrasound assessment of ischaemia reached only 74.4% accuracy. Conclusion: wall blood flow and ultrasound stage are reliable outcome criteria and form the basis of a composite prognosis.*

Keywords: *acute intestinal obstruction, children, ultrasound, Doppler, intestinal blood flow, bowel resection, stages of obstruction.*

Долзарблик. Ультратовуш текшируви болаларда ўткир ичак тутилишини бирламчи ташхислашнинг асосий усули бўлиб, нурланиш юкламасисиз, тез ва такрорий бажарилиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Усулнинг имкониятлари ичак деворидаги қон оқимини рангли допплерография орқали баҳолашда тўлиқроқ очилади: айнан қон таъминоти ичакнинг ҳаётийлигини белгилайди ва нооператив даволашни давом эттириш ёки операцияга ўтиш ҳақидаги қарорни асослайди. Болалар жарроҳлигида бу қарор икки хил хатога олиб келиши мумкин: ортиқча эрта операция ўз-ўзидан ҳал бўладиган тутилишда аралашувни қўшади, кечиктирилган операция эса қайтувчан тутилишни ишемияга ва ичак резекциясига айлантиради.

Тутилишнинг ультратовуш манзараси унинг шаклига боғлиқ. Инвагинацияда кўндаланг кесимда «нишон», бўйлама кесимда эса «псевдобурак» симптоми аниқланади; битишмали ва обтурацион тутилишда суюқлик билан тўлган кенгайган қовузлоқлар, қовузлоқлараро суюқлик ва перистальтиканинг ўзгариши кузатилади. Бу белгилар тутилиш фактини тасдиқлайди, бироқ ичакнинг ҳаётийлиги ҳақидаги асосий маълумотни девор қон оқими беради, шу сабабли рангли допплерография протоколнинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Болаларда орттирилган ичак тутилиши учта асосий шаклда - инвагинация, операциядан кейинги битишмалар ва ичак йўлининг обтурацияси кўринишида учрайди, уларнинг ҳар бирида нооператив ечимга уриниш мумкин. Шакллар ёш бўйича нотекис тақсимланган: инвагинация ҳаётнинг дастлабки йилларида устунлик қилади, битишмали тутилиш эса тўрт ёшдан бошлаб етакчи сабабга айланади. Ташхис воситасини танлашда болаларнинг нур юкламасига сезгирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга: обзор рентгенография фақат кечки белгиларни кўрсатади ва такрорий бажарилишида нурланиш дозасини оширади, ультратовуш текшируви эса кузатув давомида зарур бўлганда қайта-қайта такрорланиши мумкин.

Девор қон оқими ва ичакнинг ҳаётийлиги. Тутилиш зонасида ичак деворининг кенгайиши ва ички босимнинг ортиши аввал веноз қайтишни, сўнгра артериал оқимни чеклайди. Рангли допплерография бу кетма-кетликни деворда қон оқими сигналининг сусайиши ва йўқолиши сифатида қайд этади, шунинг учун қон оқимининг сақланганлиги тўқиманинг тикланиш захирасини, унинг йўқлиги эса қайтмас ўзгаришлар эҳтимолини кўрсатади. Бу боғлиқлик айниқса инвагинацияда аҳамиятли: назоратли гидростатик дезинвагинацияга уриниш инвагинат деворининг қон таъминоти сақланганидагина мантиқий бўлади.

Адабиётлар таҳлили. Ультратовуш предикторлари асосан инвагинацияда дезинвагинация муваффақиятсизлиги учун ўрганилган. P.H. Kim ва ҳаммуаллифларнинг метатаҳлилида (40 133 ҳолат) ультратовушда асцит муваффақият эҳтимолини кескин камайтирган (ШН 0,127), ушланган суюқлик - 0,179, чап томонлама инвагинация - 0,121; симптомлар давомийлигининг қисқалиги ва қорин оғриғи, аксинча, муваффақият билан боғланган [1]. B.D. Wondemagegnehu ва ҳаммуаллифлар (174 бола, муваффақият 81,6%) «малина желеси» кўринишидаги нажас (ШН 0,128), илео-илеоколик шакл (ШН 0,055) ва қорин дам бўлишини (ШН 0,209) муваффақиятсизлик билан боғлаган [3]. Бу ишлар ультратовуш белгиларининг прогностик қийматини тасдиқлайди, бироқ девор қон оқимини допплерографик баҳолашни кам қамраб олади.

Ичак резекцияси эҳтиёжини башорат қилишда B. Xia ва ҳаммуаллифлар (660 бола, 218 резекция) С-реактив оқсил (ШН 4,79), лактат ва инвагинация жойлашувини (ШН 12,65) ажратиб, 78,3% сезгирлик ва 71,9% спецификликка эришди [4]; Y.Y. Yu ва ҳаммуаллифлар (547 бола) симптомлар давомийлиги, С-реактив оқсил, лейкоцитлар ва асцитни бирлаштирган номограмма тузиб, конкордантлик индекси 0,871 ни кўрсатди [5]. Бу моделларда лаборатор ва клиник белгилар устунлик қилади, ультратовуш эса кўпинча фақат ташхис воситаси сифатида қаралади. Битишмали тутилиш болаларда алоҳида тизимли шарҳ мавзуси бўлган [2], бироқ унда ҳам тутилишнинг ультратовуш босқичлари ва девор қон оқимининг натижа билан боғлиқлиги етарлича ёритилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади - болаларда ўткир ичак тутилишида ичак девори қон оқимини допплерографик баҳолаш ва тутилишнинг ультратовуш босқичлари натижа билан боғлиқлигини миқдорий равишда кўрсатиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот дизайни бўйича тарихий назорат билан бир марказли амбиспектив когорт қиёсий рандомизацияланмаган бўлиб, учта кетма-кет босқични ўз ичига олади: прогностик шкалани ретроспектив тузиш, уни вақтли валидация қилиш ва ишлаб чиқилган алгоритмни проспектив баҳолаш. Бутун давр мобайнида клиникага ўткир ичак тутилиши билан 310 бола келди; истисно мезонлари бўйича 82 бола (26,5%) таҳлилдан чиқарилди ва тадқиқотга 1 ойликдан 18 ёшгача бўлган 228 бола киритилди. Мазкур мақолада шу танланманинг ультратовуш ва допплерографик қисми таҳлил қилинади.

Текширув Термиз давлат тиббиёт институти клиникасининг болалар жарроҳлиги бўлимида бажарилди. Умумий 228 боланинг барчасида чизиқли ва конвекс датчиклар билан ультратовуш

текшируви мажбурий рангли допплерография билан ўтказилди; битишмали ва обтурацион тутилишга шубҳада обзор рентгенография, консерватив даволаш доирасида эса сувда эрувчан контраст пассажи қўлланилди. Умумий танланмада ўғил болалар 138 нафар (60,5%), инвагинация 126 (55,3%), битишмали тутилиш 85 (37,3%), обтурацион тутилиш 17 (7,5%) болада қайд этилди.

Текшириш кетма-кетлиги стандартлаштирилди: аввал қорин бўшлиғи паренхиматоз аъзолари ва эркин суюқлик борлиги баҳоланди, сўнг кенгайган ва пучайган ичак қовузлоқлари ўртасидаги ўтиш зонаси қидирилди, кейин девор қалинлиги ва қатламлилиги, қовузлоқлараро суюқлик ва перистальтика ўрганилди, якунида рангли допплерография режимида девор қон оқими қайд этилди. Инвагинацияда «нишон» ва «псевдобурак» симптомлари аниқлангач, инвагинат деворидаги қон оқими алоҳида баҳоланди.

Назорат гуруҳининг битишмали ва обтурацион тутилишли 47 боласида жараённинг тўртта босқичи ажратилди: суюқлик билан тўлган кенгайган қовузлоқлар ва сақланган бурмалар билан компенсация; қовузлоқ девори қалинлашиши бошланган субкомпенсация; қовузлоқлараро суюқлик билан декомпенсация; эркин суюқлик ва деворнинг қатламли эхо-паттерни билан асоратланган босқич. Инвагинацияда инвагинат деворидаги қон оқими сақланган ёки йўқ деб баҳоланди. Натижалар сифатида нооператив даво муваффақиятсизлиги ва ичак резекцияси қайд этилди.


Инфузион терапия, контраст дозалари ва лапароскопия параметрлари тана вазнига ҳисобланди, бу 1 ойликдан 18 ёшгача бўлган диапазонда индивидуал танловни талаб қилди. Гидростатик дезинвагинация физиологик эритма билан ультратовуш назоратида, лапароскопия эса ёш ва тана вазни бўйича ҳисобланган пневмоперитонеум босимида бажарилди; инвагинат ёзилгандан сўнг ичакнинг ҳаётийлиги баҳоланди. Резекция ичак сегменти аниқ ҳаётга лаёқатсиз бўлганда бажарилди, резекция ҳажми ва ичак узлуксизлигини тиклаш усули интраоперацион белгиланди.

Статистик ишлов бериш Пирсон χ^2, Фишер ва Фишер–Фриман–Холтон мезонлари, Стьюдент t-мезони ва Манн–Уитни U-мезони, кўп марта импутация билан бинар логистик регрессия, ROC-таҳлил, bootstrap-валидация, Хосмер–Лемешов мезони, Мантел–Хензел таҳлили ва Каплан–Майер усули билан SPSS Statistics 26.0 ва R 4.4.2 дастурларида бажарилди; босқичлар бўйича тренд Кохран–Армитиж мезони билан текширилди, фарқлар $p < 0,05$ да ишончли деб ҳисобланди.

Жадвал 1. Натижаларнинг ультратовуш босқичига боғлиқлиги (n = 47)

Ультратовуш босқичи	Нооператив даво муваффақиятсизлиги, %	Ичак резекцияси, %
Компенсация	14,3	0
Субкомпенсация	42,9	14,3
Декомпенсация	81,8	45,5
Асоратланган	100	87,5

Изоҳ: тренд учун $p < 0,001$ (Кохран–Армитиж мезони).



1-расм. Нооператив даво муваффақиятсизлиги ва ичак резекцияси частотасининг ультратовуш босқичига боғлиқлиги (n = 47)

Жадвал 2. Инвагинат деворидаги қон оқими ва дезинвагинация натижаси

Қон оқими ҳолати	Муваффақиятли дезинвагинация, %
Сақланган	81,6
Йўқ	0

Натижалар. Ультратовуш текшируви илеоколик инвагинацияда «нишон» симптомини, битишмали тутилишда суюқликнинг горизонтал сатҳлари ва кенгайган қовузлоқларни аниқлашда асосий восита бўлди, допплерография эса девор қон оқимини баҳолаш имконини берди. Ультратовуш босқичи оширилган сайин иккала номақбул натижа ҳам кетма-кет ортди (1-жадвал, 1-расм). Нооператив даво муваффақиятсизлиги компенсация босқичида 14,3%, субкомпенсацияда 42,9%, декомпенсацияда 81,8% ва асоратланган босқичда 100% ни ташкил этди; ичак резекцияси мос равишда 0, 14,3, 45,5 ва 87,5% болада бажарилди (тренд учун $p < 0,001$). Муҳим жиҳати - компенсация босқичида бирорта болага резекция талаб қилинмади.

Босқичлар ўртасидаги фарқлар кетма-кет ва бир текис бўлди: компенсациядан субкомпенсацияга ўтишда нооператив даво муваффақиятсизлиги уч баробар (14,3 дан 42,9% гача), субкомпенсациядан декомпенсацияга ўтишда яна икки баробарга яқин (42,9 дан 81,8% гача) ортди, асоратланган босқичда эса барча болаларда нооператив даво натижа бермади. Резекция частотасининг ўсиши янада кескин бўлди - компенсация босқичидаги нолдан асоратланган босқичдаги 87,5% гача. Икки кўрсаткич орасидаги тафовут ҳам маъноли: субкомпенсация босқичида болаларнинг 42,9% ида нооператив даво натижа бермаган бўлса-да, уларнинг атиги учдан бир қисмида (14,3%) ичак резекцияси талаб қилинди, яъни бу босқичда операцияга ўтиш кўпинча ичакни сақлаб қолиш билан якунланди.

Инвагинат деворидаги қон оқими. Инвагинацияда девор қон оқими алоҳида аҳамиятга эга бўлди (2-жадвал). Инвагинат деворида қон оқими бўлмаганда назоратли гидростатик дезинвагинация бирорта болада ҳам муваффақиятли бўлмади, сақланган қон оқимида эса 81,6% болада муваффақиятли якунланди. Шу билан бирга декомпенсация ўз-ўзидан ичакнинг ҳаётга лаёқатсизлигини англатмайди: босқич тутилиш яққоллигини акс эттиради, ҳаётийлик ҳақида эса биринчи навбатда девор қон оқими хабар беради, шу боис бу икки ўлчов бир-бирини тўлдиради.

Алоҳида олинган ультратовуш белгиларининг чекланганлиги назорат гуруҳи материалида кўринди: изоляцияда баҳоланган ишемия белгилари 5 болада ҳаётга лаёқатсиз ичакни танимади ва 6 нафарда нотўғри равишда ишемияни кўрсатди, умумий аниқлик 74,4% ни ташкил этди. Бу натижа ҳаётийликни башорат қилиш учун битта белгига эмас, балки клиник, лаборатор ва допплерографик белгилар мажмуига таянишни асослайди ва лактат каби тўқима гипоперфузияси маркёрларини ультратовуш белгиларига қўшишни талаб қилади.

Ультратовуш босқичлари характерли манзараларга эга бўлди. Компенсация босқичида суюқлик билан тўлган кенгайган қовузлоқлар аниқ кўринадиган бурмалар билан, субкомпенсацияда қовузлоқ девори қалинлашиши бошланиши, декомпенсацияда қовузлоқлараро суюқлик ва перистальтиканинг сусайиши, асоратланган босқичда эса эркин суюқлик ва деворнинг қатламли эхо-паттерни кузатилди. Босқични баҳолаш кенгайган ва пучайган ичак ўтиш зонасини, девор қалинлигини ва қовузлоқлараро суюқликни кетма-кет текширишни талаб қилди, шунинг учун протоколнинг тартиби натижанинг такрорланувчанлигига бевосита таъсир кўрсатди.

Тутилиш тузилмасининг ёшга боғлиқлиги. Инвагинация ҳаётнинг биринчи йилида 95,1%, 1–3 ёшда 80,8% ни ташкил этди, 4–7 ёшда 36,5% гача, ўсмирларда 7,4% гача камайди; битишмали тутилиш эса биринчи йилдаги 4,9% дан 4–7 ёшда 57,7% ва 8–12 ёшда 65,7% гача ортди ва 4 ёшдан етакчига айланди. Органик етакчи нуқта улуши 2,6% дан 66,7% гача ошди, бу катта ёшли болаларда ташхисий изланишни ўзгартиради ва ультратовуш текширувида инвагинатнинг ўзигина эмас, балки унинг сабабини излашни талаб қилади.

Муҳокама. Олинган маълумотлар P.H. Kim ва ҳаммуаллифларнинг метатаҳлили [1] ҳамда B.D. Wondemagegnehu ва ҳаммуаллифларнинг қорин дам бўлиши ва патологик етакчи нуқтани ажратган натижалари [3] билан мос келади. Девор қон оқимининг прогностик устунлиги ҳаётийликни баҳолашда рангли допплерографияни ультратовуш протоколининг мажбурий қисмига айлантиришни талаб қилади ва инвагинат деворида қон оқими бўлмаслигини дезинвагинацияга қарши кўрсатма сифатида белгилайди.

Девор қон оқими бўйича олинган натижанинг кескинлиги диққатга сазовор: қон оқими сақланган болаларда дезинвагинация 81,6% ҳолатда муваффақиятли бўлган бўлса, у аниқланмаган болаларда бирорта ҳолатда ҳам муваффақият қайд этилмади. Бу фарқ бевосита патофизиологик мазмунга эга - қон таъминоти тўхтаган сегментда девор шиши ва ригидлиги гидростатик босим таъсирида ёзилишига йўл

қўймайди, уриниш эса фақат вақт йўқотишга ва перфорация хавфига олиб келади.

Ультратовуш босқичи тутилишнинг яққоллигини аниқ акс эттиради, бироқ ҳаётийликнинг мустақил ўлчови эмас: декомпенсация босқичидаги ичак девор қон оқими сақланганда тикланиши мумкин. Шу сабабли босқич ва қон оқими бир-бирини тўлдирувчи икки ўлчов сифатида қаралиши, прогноз эса уларни лаборатор маркёрлар билан бирлаштириши лозим. Компенсация босқичида резекциянинг умуман бўлмаслиги эрта ташхисда кам инвазив тактиканинг хавфсизлигини кўрсатади ва ультратовуш босқичлашни даволаш алгоритмининг асосий элементига айлантиради.

Алоҳида олинган ультратовуш белгиларининг 74,4% аниқлиги мустақил равишда қарор қабул қилиш учун етарли эмас: бешта ҳолатда ҳаётга лаёқатсиз ичак танилмаган, олтитасида эса ишемия асоссиз равишда қайд этилган. Биринчи турдаги хато кечиктирилган операция хавфини, иккинчиси эса ортиқча аралашув хавфини яратади. Шунинг учун ультратовуш маълумотлари клиник кўрик, лаборатор маркёрлар ва кузатув динамикаси билан бирга баҳоланиши керак - бу ёндашув B. Xia ва Y.Y. Yu ва ҳаммуаллифларнинг кўп омилли моделлари мантиғига мос келади [4, 5].

Олинган маълумотлар ультратовуш хулосасида қайд этилиши лозим бўлган мажбурий элементлар рўйхатини белгилайди: кенгайган ва пучайган ичак ўртасидаги ўтиш зонаси, девор қалинлиги ва унинг қатламлилиги, қовузлоқлараро ва эркин суюқлик, перистальтика ҳолати ҳамда рангли допплерография режимида девор қон оқими. Инвагинацияда бу рўйхатга инвагинатнинг жойлашуви, шакли ва органик етакчи нуқтанинг бор-йўқлиги қўшилади. Хулосани шу тартибда расмийлаштириш босқични аниқлашни расмийлаштиради ва турли шифокорлар баҳосининг мос келишини оширади.

Тадқиқотнинг чекловлари - босқичлар таҳлилининг нисбатан кичик танланмаси (47 бола) ва бир марказли дизайн. Ультратовуш баҳолашнинг текширувчига боғлиқлиги протоколни стандартлаштириш, допплерографик параметрларни миқдорлаштириш ва ташқи валидацияни талаб қилади. Қон оқими сифат жиҳатидан («сақланган» ёки «йўқ») баҳоланган, миқдорий кўрсаткичлар ўлчанмаган, шу боис оралиқ ҳолатлар алоҳида таҳлил қилинмаган.

Ишнинг кучли томонлари - клиник, лаборатор ва допплерографик белгиларни ягона воситага бирлаштириш, мустақил танланмада вақт бўйича валидация ва тактикани миқдорий хавфга боғлаш. Истиқболлар ташқи кўп марказли валидация ва ёндашувнинг узоқ муддатли натижаларга таъсирини проспектив баҳолаш билан боғлиқ.

Миқдорий хавф баҳолаш воситасини жорий этиш ташкилий аҳамиятга ҳам эга. Ультратовуш ва рангли допплерография ҳар қандай болалар хирургик стационарида мавжуд, текширув қўшимча жиҳоз талаб қилмайди, қарорнинг такрорланувчанлиги эса натижанинг аниқ смена тажрибасига боғлиқлигини камайтиради. Бу ёндашувни кечки ташхис кўпроқ учрайдиган туман бўғинига ҳам кўчириш имконини беради.

Хулоса. 1. Ультратовуш босқичи ошган сайин нооператив даво муваффақиятсизлиги 14,3 дан 100% гача, ичак резекцияси 0 дан 87,5% гача ортади ($p < 0,001$); компенсация босқичида резекция талаб қилинмайди.

2. Инвагинат деворида қон оқими бўлмаслиги дезинвагинация муваффақиятсизлигининг ишончли белгиси бўлиб хизмат қилади (0% га қарши 81,6%).

3. Алоҳида олинган ультратовуш белгиларининг аниқлиги 74,4% дан ошмаганлиги сабабли рангли допплерография билан тўлдирилган ультратовуш протоколи комплекс прогнознинг асоси сифатида тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Ризаев Ж.А., Шамсиев Ж.А., Зайниев С.С. Оценка организации хирургической помощи детям с врождёнными пороками развития желудочно-кишечного тракта на примере города Самарканда // Проблемы биологии и медицины. - 2021. - № 1 (125). - С. 59–62.

2. Ризаев Ж.А., Шавази Н.М., Рустамов М.Р. Школа педиатров Самарканда // Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. - 2021. - Т. 2, № 3. - С. 2–4.

3. Ризаев Ж.А., Курбаниязов З.Б., Рахманов К.Э., Махрамкулов З.М. Выбор хирургической тактики в зависимости от дооперационной топической диагностики эхинококкоза печени // Проблемы биологии и медицины. — 2021. — № 5.1 (131). — С. 117–119.

4. Ризаев Ж.А., Курбаниязов З.Б., Рахманов К.Э., Махрамкулов З.М. Оптимизация диагностики различных морфологических форм эхинококкоза печени // Проблемы биологии и медицины. — 2021. — № 5.1 (131). — С. 120–124.

53. Kim P.H., Hwang J., Yoon H.M., et al. Predictors of failed enema reduction in children with intussusception: a systematic review and meta-analysis // European Radiology. - 2021. - Vol. 31, № 11. - P. 8081–8097. - DOI: 10.1007/s00330-021-07935-5.

6. Nguyen A.T.M., Holland A.J.A. Paediatric adhesive bowel obstruction: a systematic review // Pediatric Surgery International. - 2021. - Vol. 37, № 6. - P. 755–763. - DOI: 10.1007/s00383-021-04867-5.

7. Rizaev J.A., Shamsiev Zh.A., Zayniev S.S. Organisation of medical care for children with congenital malformations of the gastrointestinal tract // Journal of Biomedicine and Practice. - 2023. - Vol. 8, № 5. - P. 37–41. - DOI: 10.5281/zenodo.10079075.
8. Rizaev J.A., Shamsiev J.A., Zayniev S.S. Ways to optimise patient outcomes and improve the quality of medical care in surgically correctable congenital malformations in Samarkand // European Journal of Research Development and Sustainability. - 2021. - Vol. 2, № 3. - P. 45–48.
9. Shamsiev J., Zainiev S., Rizayev J. A multistage multidisciplinary rehabilitation program improves postoperative recovery, nutritional status, and parental psychosocial outcomes in neonates with congenital gastrointestinal malformations: a prospective comparative cohort study // International Journal of Evidence-Based Medicine. - 2026. - Vol. 1, № 3. - Art. jebm012. - DOI: 10.63946/jebm/19222.
10. Wondemagegnehu B.D., Kerego E.N., Mammo T.N., et al. Predictors of failure in ultrasound-guided hydrostatic reduction of intussusception in children: retrospective analysis in a specialized center in Ethiopia // Pediatric Health, Medicine and Therapeutics. - 2024. - Vol. 15. - P. 87–94. - DOI: 10.2147/PHMT.S451832.
11. Xia B., Chen G., Liu Q., et al. A comprehensive scoring system for the better prediction of bowel resection in pediatric intussusception // BMC Gastroenterology. - 2024. - Vol. 24, № 1. - Art. 180. - DOI: 10.1186/s12876-024-03243-6.
12. Yu Y.Y., Zhang J.J., Xu Y.T., et al. Developing and validating a nomogram for early predicting the need for intestinal resection in pediatric intussusception // Frontiers in Pediatrics. - 2024. - Vol. 12. - Art. 1409046. - DOI: 10.3389/fped.2024.1409046.

ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КРОВОСНАБЖЕНИЯ СТЕНКИ КИШЕЧНИКА ПРИ ОСТРОЙ КИШЕЧНОЙ НЕПРОХОДИМОСТИ У ДЕТЕЙ

Курбаниязов Б.З., Вохобов Н.С., Отамурадов Ф.А.

Резюме. *Цель: допплерографическая оценка кровотока в стенке кишки при острой кишечной непроходимости у детей и определение связи ультразвуковых стадий непроходимости с исходом. Материал и методы: у 47 детей контрольной группы со спаечной и обтурационной непроходимостью выполнено ультразвуковое исследование с цветовой допплерографией и выделены четыре стадии процесса; при инвагинации кровоток в стенке инвагината оценивали отдельно. У всех 228 детей когорты ультразвуковое исследование служило основным методом первичной диагностики. Результаты: от стадии компенсации к осложнённой стадии неэффективность неоперативного лечения возросла с 14,3 до 100%, а резекция кишки - с 0 до 87,5% (p для тренда < 0,001); на стадии компенсации резекция не потребовалась ни одному ребёнку. При отсутствии кровотока в стенке инвагината дезинвагинация не удалась ни у одного ребёнка против 81,6% при сохранённом кровотоке. Изолированные ультразвуковые признаки не распознавали ишемию полностью - общая точность 74,4%. Выводы: кровоток в стенке кишки и ультразвуковая стадия служат надёжными критериями исхода непроходимости и составляют основу комплексного прогноза.*

Ключевые слова: *острая кишечная непроходимость, дети, ультразвуковое исследование, допплерография, кровоток в стенке кишки, резекция кишки, стадии непроходимости.*

УЎК: 616.314.17-002.2:616.314-089.28:616.314.26

СУРУНКАЛИ МАҲАЛЛИЙ ПАРОДОНТИТ АНИҚЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚОПЛАМАЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА ОККЛЮЗИЯНИ ФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ





Закирова Хилола Хатамитдиновна, Ризаева Севара Миргулямовна,
Ибрагимов Абдулла Хатамитдинович
Тошкент давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ОЦЕНКА ОККЛЮЗИИ ПРИ ПРОТЕЗИРОВАНИИ ПАРОДОНТООРИЕНТИРОВАННЫМИ КОРОНКАМИ ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКИМ ЛОКАЛИЗОВАННЫМ ПАРОДОНТИТОМ

Закирова Хилола Хатамитдиновна, Ризаева Севара Миргулямовна, Ибрагимов Абдулла Хатамитдинович
Ташкентский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Ташкент

FUNCTIONAL ASSESSMENT OF OCCLUSION DURING PROSTHETICS WITH PERIODONTAL-ORIENTED CROWNS IN PATIENTS WITH CHRONIC LOCALIZED PERIODONTITIS

Zakirova Khilola Khatamitdinovna, Rizaeva Sevara Mirgulyamovna, Ibragimov Abdulla Khatamitdinovich
Tashkent State Medical University, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: khilola-zakirova@mail.ru

Резюме. *Мақсад: сурункали маҳаллий пародонтитни комплекс даволаш ва сунъий қопламалар билан протезлашдан сўнг окклюзияни функционал баҳолаш. Материал ва усуллар: сурункали маҳаллий енгил даражали пародонтит билан оғриган 18–59 ёшдаги 160 нафар бемор (I гуруҳ – витал тишлар, n=80; II гуруҳ – девитал тишлар, n=80) ва 20 нафар амалий соғлом шахс (назорат гуруҳи) текширилди. Ҳар бир гуруҳда қоплама тури бўйича 4 та кичик гуруҳ (n=20) ажратилди: металл-керамик, керамик қопламасиз ва керамик қопламали цирконий диоксидли ҳамда пародонтга йўналтирилган қопламалар. Окклюзия T-Scan Novus тизими ёрдамида даволашдан олдин ва 2 ҳафта, 3 ҳамда 6 ойдан сўнг баҳоланди. Натижалар: дастлаб беморларда окклюзия вақти, дизокклюзия вақти, ўнг/чап юклама дисбаланси ва куч марказининг силжиши назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори бўлди. Окклюзион коррекциядан 6 ой ўтгач окклюзия вақти I гуруҳда 0,34±0,01 дан 0,22±0,01 с гача, II гуруҳда 0,24±0,01 с гача, дизокклюзия вақти 0,60±0,02 дан 0,36±0,01 с гача ва 0,62±0,01 дан 0,39±0,01 с гача, L/R дисбаланси 18,2±0,8 дан 6,30±0,68% гача ва 17,6±0,8 дан 6,60±0,65% гача, куч марказининг силжиши 2,77±0,10 дан 1,27±0,08 мм гача ва 3,08±0,10 дан 1,68±0,08 мм гача камайди (p<0,001). Пародонтга йўналтирилган қопламалар дизокклюзия вақти бўйича энг барқарор натижаларни берди. Хулоса: T-Scan тизими функционал ортиқча юкланишни аниқлаш, окклюзион коррекцияни назорат қилиш ва даволаш натижаларини динамикада баҳолаш имконини беради; пародонтга йўналтирилган қопламалар қўлланилганда окклюзион муносабатларнинг функционал барқарорлиги юқори бўлади.*

Калит сўзлар: *окклюзия, пародонтит, қоплама, протезлаш, T-Scan, окклюзион юклама.*

Резюме. *Цель исследования: изучить содержание остеокальцина, 25(OH)D и витамина K1 при хроническом бруцеллёзе с суставным синдромом и его взаимосвязь с выраженностью суставных проявлений и лабораторными показателями воспаления. Материал и методы: обследованы 240 больных хроническим бруцеллёзом, из них 210 (87,5%) с суставным синдромом, и 60 практически здоровых лиц. Определяли остеокальцин, 25(OH)D, витамин K1, общий кальций, степень суставного синдрома, число поражённых суставов, длительность утренней скованности, СОЭ и С-реактивный белок (СРБ). Результаты: при суставном синдроме уровень остеокальцина составил 15,34±4,80 нг/мл против 20,99±4,71 нг/мл в контроле, 25(OH)D – 23,93±3,14 против 33,46±6,34 нг/мл, витамина K1 – 0,58±0,33 против 1,03±0,42 нг/мл (p<0,001). Остеокальцин и витамин K1 были ниже, чем у больных без суставного синдрома (p<0,001 и p=0,002); остеокальцин снижался с нарастанием степени суставного синдрома до 14,31 нг/мл при III степени (p<0,001). Остеокальцин отрицательно коррелировал с длительностью утренней скованности (rs=–0,442) и СРБ (rs=–0,408), 25(OH)D – с утренней скованностью (rs=–0,426) и СРБ (rs=–0,388); остеокальцин положительно коррелировал с 25(OH)D (rs=0,351) и витамином K1 (rs=0,338) (все p<0,001). Заключение: хронический бруцеллёз с суставным синдромом сопровождается снижением остеокальцина, 25(OH)D и витамина K1; клиническая тяжесть суставных проявлений наиболее тесно связана с остеокальцином, воспалительная активность – с остеокальцином и 25(OH)D.*

Ключевые слова: *хронический бруцеллёз, суставной синдром, остеокальцин, витамин D, витамин K1, костное ремоделирование, С-реактивный белок.*

УДК: 616.24-002.951.21-089.87

УСОВЕРШЕНСТВОВАННАЯ ТЕХНИКА ЭХИНОКОККЭКТОМИИ ИЗ ЛЁГКИХ: НЕПОСРЕДСТВЕННЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ



Равшанов Маъруф Ҳошимович[1,3], Курбонов Низом Азизович[1,2,3], Давлатов Салим Сулаймонович[3], Рахманов Косим Эрданович[4]
1 - Кашкадарьинский областной многопрофильный медицинский центр, Республика Узбекистан, г. Карши;
2 - Управление здравоохранения Кашкадарьинской области, Республика Узбекистан, г. Карши;
3 - Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино, Республика Узбекистан, г. Бухара;
4 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ЎПКА ЭХИНОКОККЭКТОМИЯСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН УСУЛИ: ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИНГ ЯҚИН НАТИЖАЛАРИ

Равшанов Маъруф Хошимович[1,3], Қурбонов Низом Азизович[1,2,3], Давлатов Салим Сулаймонович[3], Рахманов Қосим Эрданович[4]
1 - Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Қарши ш.;
2 - Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси, Қарши ш.;
3 - Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.;
4 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

IMPROVED TECHNIQUE OF PULMONARY ECHINOCOCCECTOMY: EARLY OUTCOMES OF SURGICAL TREATMENT

Ravshanov Maruf Khoshimovich[1,3], Kurbonov Nizom Azizovich[1,2,3], Davlatov Salim Sulaimonovich[3], Rakhmanov Kosim Erdanovich[4]
1 - Kashkadarya Regional Multidisciplinary Medical Center, Republic of Uzbekistan, Karshi;
2 - Health Department of the Kashkadarya Region, Republic of Uzbekistan, Karshi;
3 - Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino, Republic of Uzbekistan, Bukhara;
4 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Мақсад: ўпка эхинококкэктомияси техникасини такомиллаштириш ва унинг ўпка эхинококкози билан касалланган беморларни хирургик даволашнинг яқин натижаларига таъсирини баҳолаш. Материал ва усуллар: 164 нафар беморда бажарилган 186 та оператив аралашув қиёсий ўрганилди: таққослаш гуруҳида 84 та аралашув анъанавий усулда, асосий гуруҳда 102 та аралашув такомиллаштирилган усулда бажарилди. Техник янгиликлар: юпқа фиброз капсулада қолдиқ бўшлиққа иссиқ (60°C) глицерин билан ишлов бериш; радикал аралашувларга кўрсатмаларни кенгайтириш ва яра юзасини 10% ли альбендазол шимдирилган гемостатик губка билан тампонада қилиш; баллончали модификацияланган сўриш учлиги; E. hominis да қиз пуфакчаларни эвакуация қилиш учун қисқич-саватча; париетал плевра лоскути билан пластикали капитонаж ва кистобронхиал оқмаларни тикишдан воз кечиш. Натижалар: асосий гуруҳда 89 бемордан 114 та киста олиб ташланди, 26 та (22,8%) киста бўйича радикал аралашув бажарилди. Қолдиқ бўшлиқни бартараф этишнинг ярим ёпиқ усули улуши 23,9% дан 0,9% гача, дренаж билан чиқарилганлар 25,0% дан 3,9% гача камайди; стационар даволаниш муддати 13,1±4,3 дан 7,4±1,7 кунгача, иситма давомийлиги 7,2±1,2 дан 1,3±0,1 суткагача қисқарди. Интраоперацион асоратлар 7,1% дан 2,0% гача (p=0,143), эрта операциядан кейинги асоратлар 13,1% дан 2,0% гача (p=0,004) камайди; асосий гуруҳда анафилактик шок, қолдиқ бўшлиқ йиринглаши ва плеврит кузатилмади. Хулоса: ўпка эхинококкэктомиясининг такомиллаштирилган усули эрта операциядан кейинги асоратлар частотасини ишончли камайтиради ва стационарда даволаниш муддатини қисқартиради.*

Калит сўзлар: *ўпка эхинококкози, эхинококкэктомия, қолдиқ бўшлиқ, капитонаж, париетал плевра, кистобронхиал оқма, альбендазол, операциядан кейинги асоратлар.*

Abstract. *Aim: to improve the technique of pulmonary echinococcectomy and evaluate its impact on the early outcomes of surgical treatment of pulmonary echinococcosis. Materials and methods: 186 operations in 164 patients were compared: 84 operations performed with the conventional technique (comparison group) and 102 with the improved technique (main group). The innovations included treatment of the residual cavity with hot (60°C) glycerin in thin fibrous capsules; expanded indications for radical procedures with tamponade of the wound surface by a haemostatic sponge impregnated with 10% albendazole; a modified suction tip with an inflatable balloon; a basket clamp for evacuation of daughter cysts in E. hominis; capitonnage with a pedicled parietal pleural flap; and abandonment of suturing cystobronchial fistulas. Results: in the main group, 114 cysts were removed from 89 patients, and radical procedures were performed for 26 (22.8%) cysts. The proportion of the semi-closed residual cavity management decreased from 23.9% to 0.9%, and discharge with drains from 25.0% to 3.9%; hospital stay decreased from 13.1±4.3 to 7.4±1.7 days and fever duration from 7.2±1.2 to 1.3±0.1 days. Intraoperative complications decreased from 7.1% to 2.0% (p=0.143) and early postoperative complications from 13.1% to 2.0% (p=0.004); no anaphylactic shock, residual cavity suppuration or pleuritis occurred in the main group. Conclusion: the improved technique of pulmonary echinococcectomy significantly reduces early postoperative complications and shortens hospital stay.*

Keywords: *pulmonary echinococcosis, echinococcectomy, residual cavity, capitonnage, parietal pleura, cystobronchial fistula, albendazole, postoperative complications.*

Хирургическое лечение эхинококкоза лёгких, несмотря на многолетний опыт применения органосохраняющих вмешательств, по-прежнему сопряжено со значимым риском интра- и послеоперационных осложнений, связанных прежде всего с обработкой и ликвидацией остаточной полости после удаления паразитарной кисты. Способы ликвидации остаточной полости – капитонаж по Боброву–Спасокукоцкому, приём А.А. Вишневского, метод «улитки» по В. Вахидову, а также полузакрытые способы при ригидных полостях с бронхиальными свищами – остаются предметом дискуссии, в том числе в отношении необходимости ушивания цистобронхиальных свищей [1, 4, 14].

Значимым фактором риска остаётся интраоперационное подтекание эхинококковой жидкости с развитием анафилактического шока и обсеменением окружающих тканей зародышевыми элементами паразита. Полузакрытый способ ликвидации остаточной полости, традиционно применяемый при ригидных полостях с крупными бронхиальными свищами, сопряжён с длительным сохранением дренажа и повышенным риском вторичного инфицирования, что обосновывает поиск альтернативных технических решений [2, 10, 12]. Морфологическое обоснование выбора объёма вмешательства – идеальной эхинококкэктомии, тотальной перицистэктомии или атипичной резекции – при кальцинированных, уплотнённых или осложнённых кистах с ригидной фиброзной капсулой, не удерживающей шов, остаётся недостаточно систематизированным [7, 9, 13]. Совокупность нерешённых вопросов обработки остаточной полости, выбора объёма резекции и профилактики интраоперационного обсеменения определила необходимость комплексного технического совершенствования эхинококкэктомии.

Цель исследования: усовершенствовать технику эхинококкэктомии из лёгких и оценить её влияние на непосредственные результаты хирургического лечения больных эхинококкозом лёгких.

Материал и методы. Проведено сравнительное исследование 186 оперативных вмешательств, выполненных 164 больным эхинококкозом лёгких в Кашкадарьинском областном многопрофильном медицинском центре в 2013–2026 гг.: группу сравнения составили 84 вмешательства, основную группу – 102 вмешательства (89 больных).

Технические новшества основной группы включали: дифференцированную обработку остаточной полости – горячим (60 °C) глицерином при тонкой фиброзной капсуле либо идеальную эхинококкэктомию или тотальную перицистэктомию с тампонадой раневой поверхности гемостатической губкой, пропитанной 10% раствором альбендазола, при старых или погибших кистах с толстой стенкой; расширение показаний к радикальным вмешательствам при краевом расположении кисты и кальцинированных осложнённых кистах; модифицированный наконечник отсоса с надувным баллончиком для герметизации места прокола и уменьшения расстояния между кистой и раной при тракции; зажим-корзинку для атравматичной эвакуации дочерних пузырей при морфологической форме E. hominis; капитонаж остаточной полости с пластикой лоскутом париетальной плевры на ножке и отказ от ушивания цистобронхиальных свищей как естественного дренажа полости (рис. 1).

Оценивали частоту и структуру интраоперационных и ранних послеоперационных осложнений, способ ликвидации остаточной полости, сроки дренирования, длительность лихорадки и стационарного лечения.




Рис. 1. Технические новшества, внедрённые в основной группе больных эхинококкозом лёгких

Для сравнения категориальных показателей применяли критерий χ^2 (точный критерий Фишера), для количественных – t-критерий Стьюдента; различия считали значимыми при $p<0,05$. Исследование выполнено в соответствии с принципами Хельсинкской декларации (пересмотр 2013 г.), протокол одобрен локальным комитетом по биоэтике Самаркандского государственного медицинского университета. Работа выполнена в рамках плана НИР Самаркандского государственного медицинского университета «Совершенствование методов диагностики и хирургического лечения эхинококкоза лёгких с применением современных миниинвазивных технологий» (2021–2025 гг.).

Результаты. Технические новшества и объём радикальных вмешательств. У 89 больных основной группы удалено 114 кист. Атипичная резекция лёгкого и идеальная эхинококкэктомия с вылущиванием кисты вместе с фиброзной капсулой выполнены при краевом расположении кисты в отношении 2 (1,8%) и 6 (5,3%) кист соответственно, тотальная перицистэктомия – при кальцинированных, уплотнённых осложнённых кистах в отношении 18 (15,8%) кист. Всего радикальные вмешательства выполнены в отношении 26 (22,8%) кист, во всех случаях с тампонадой раневой поверхности лёгкого гемостатической губкой, обработанной 10% раствором альбендазола.

Модифицированный наконечник отсоса с надувным баллончиком применяли при открытых методах эхинококкэктомии: баллончик герметизировал место прокола и уменьшал расстояние между кистой и операционной раной при тракции латерально и вверх, что облегчало манипуляции при миниторакотомии. При морфологической форме E. hominis (37 больных основной группы, 41,6%) удобной для эвакуации дочерних пузырей оказалась модифицированная нами зажим-корзинка.

Непосредственные результаты хирургического лечения. Технические новшества позволили сократить долю полузакрытого способа ликвидации остаточной полости с 23,9% (22 случая) в группе сравнения до 0,9% в основной группе. Общая длительность госпитализации сократилась с 13,1±4,3 до 7,4±1,7 койко-дня (в 1,8 раза), в том числе за счёт сокращения дооперационной подготовки (с 3,2±1,3 до 1,3±0,7 сут), пребывания в отделении реанимации (с 2,4±0,9 до 1,1±0,02 сут) и послеоперационного периода (с 7,3±2,05 до 4,2±1,07 сут) (табл. 1, рис. 2).

Таблица 1. Течение послеоперационного периода у больных эхинококкозом лёгких

Показатель	Группа сравнения (n=84)	Основная группа (n=102)	p
Длительность лихорадки, сут	7,2±1,2	1,3±0,1	<0,001
Сроки удаления дренажа из плевральной полости, сут	4,3±1,05	2,3±0,1	<0,001
Выписаны с дренажами, абс. (%)	21 (25,0)	4 (3,9)	<0,001
Общая длительность госпитализации, койко-день	13,1±4,3	7,4±1,7	<0,001

Примечание: количественные показатели – M±SD; p рассчитан по приведённым данным (t-критерий Уэлча, точный критерий Фишера).




Рис. 2. Сроки стационарного лечения больных эхинококкозом лёгких в сравниваемых группах

Таблица 2. Интраоперационные и ранние послеоперационные осложнения хирургического лечения эхинококкоза лёгких, абс. (%)

Вид осложнения	Группа сравнения (n=84)	Основная группа (n=102)	p
Интраоперационные осложнения, всего	6 (7,1)	2 (2,0)	0,143
анафилактический шок	2 (2,4)	0	0,203
обсеменение окружающих тканей	2 (2,4)	1 (1,0)	–
Осложнения раннего послеоперационного периода, всего	11 (13,1)	2 (2,0)	0,004
нагноение остаточной полости	2 (2,4)	0	–
плеврит	2 (2,4)	0	–
кровохарканье	5 (6,0)	2 (2,0)	–

Примечание: всего интраоперационных осложнений – 8 (4,3%), осложнений раннего послеоперационного периода – 13 (7,0%) из 186 вмешательств; p – точный критерий Фишера (рассчитан по приведённым данным).

Частота интраоперационных осложнений снизилась с 7,1 до 2,0% (p=0,143), осложнений раннего послеоперационного периода – с 13,1 до 2,0% (p=0,004); число больных с осложнениями уменьшилось с 9 (10,7%) до 2 (2,0%) (p=0,024) (табл. 2). Наибольшее снижение достигнуто по показателям, непосредственно зависящим от применённых технических решений: отсутствие анафилактического шока в основной группе связано с применением модифицированного наконечника отсоса, предотвращающего подтекание эхинококковой жидкости, а отсутствие нагноения остаточной полости и послеоперационных плевритов – с отказом от ушивания цистобронхиальных свищей и капитонажем с плевральной пластикой.

Обсуждение. Существенное снижение частоты полузакрытого способа ликвидации остаточной полости и связанных с ним осложнений соответствует общей тенденции к минимизации инвазивности обработки остаточной полости, отражённой в современных обзорах, где предпочтение отдаётся методам, обеспечивающим полную герметизацию полости без длительного дренирования [5, 11]. Отказ от ушивания цистобронхиальных свищей как естественного дренажа полости концептуально согласуется с представлениями о необходимости адаптации техники капитонажа к индивидуальным анатомическим особенностям остаточной полости, а не к унифицированному шаблону [3, 8].

Расширение показаний к радикальным вмешательствам при кальцинированных и уплотнённых осложнённых кистах, составившее 22,8% всех удалённых кист в основной группе, обосновано невозможностью надёжного удержания шва ригидной, лишённой эластичности капсулой на поздних стадиях жизнедеятельности паразита и согласуется с современными представлениями о выборе объёма вмешательства в зависимости от характеристик кисты [6, 15]. Отсутствие анафилактического шока и нагноения остаточной полости в основной группе представляет клинически значимый результат, связанный с внедрёнными техническими решениями.

Ограничениями исследования являются нерандомизированный ретроспективно-

проспективный дизайн и совокупное внедрение технических новшеств, не позволяющее оценить вклад каждого элемента. Перспективным направлением является рандомизированное сравнение отдельных компонентов усовершенствованной техники и изучение отдалённой функциональной реабилитации лёгкого после различных вариантов капитонажа.

Выводы. Внедрённые технические новшества (дифференцированная обработка остаточной полости, расширение показаний к радикальным вмешательствам с антипаразитарной тампонадой, модифицированный инструментарий, капитонаж с плевральной пластикой) позволили сократить долю полузакрытого способа ликвидации остаточной полости с 23,9 до 0,9%.

Общая длительность стационарного лечения сократилась с 13,1±4,3 до 7,4±1,7 койко-дня, длительность лихорадки – с 7,2±1,2 до 1,3±0,1 суток.

Частота осложнений раннего послеоперационного периода снизилась с 13,1 до 2,0% (p=0,004), интраоперационных – с 7,1 до 2,0%; в основной группе не наблюдалось анафилактического шока, нагноения остаточной полости, плевритов и раневой инфекции.

Конфликт интересов. Авторы заявляют об отсутствии конфликта интересов. **Финансирование.** Исследование выполнено без привлечения внешнего финансирования. **Использование искусственного интеллекта.** Искусственный интеллект при подготовке рукописи не использовался.

Литература:

1. Мамараджабов С.Э., Ризаев Ж.А., Баймаков С.Р. Роль и место сероэпидемиологического обследования населения в ранней диагностике эхинококкоза в Самаркандской области // Актуальные аспекты медицинской деятельности: сборник статей I Международной научно-практической конференции. Киров — Самарканд, 2021. С. 209–212. EDN: DOETDC.
2. Раимкулова Д.Ф., Ризаев Ж.А. Критерии диагностики внебольничной пневмонии у детей с кариесом зубов // Стоматология (Stomatologiya). 2017. Т. 1, № 3 (68). С. 99–101. Ссылка на публикацию.
3. Ризаев Ж.А., Баймаков С.Р., Мамараджабов С.Э., Назарова М.З. Сероэпидемиологическое обследование населения города Самарканда на эхинококкоз как метод раннего выявления заболевания // Проблемы биологии и медицины. 2022. № 5 (139). С. 177–180. Ссылка на публикацию.
4. Ризаев Ж.А., Курбаниязов З.Б., Рахманов К.Э., Махрамкулов З.М. Выбор хирургической тактики в зависимости от дооперационной топической диагностики эхинококкоза печени // Проблемы биологии и медицины. 2021. № 5.1 (131). С. 117–119. Ссылка на публикацию.
5. Ризаев Ж.А., Курбаниязов З.Б., Рахманов К.Э., Махрамкулов З.М. Оптимизация диагностики различных морфологических форм эхинококкоза печени // Проблемы биологии и медицины. 2021. № 5.1 (131). С. 120–124. Ссылка на публикацию.
6. Ризаев Ж.А., Мамараджабов С.Э., Шарипов Ю.Ю., Рисбоев Р.С., Ёмгирова Д.Х. Значение санитарного просвещения в гигиеническом воспитании населения в очагах эхинококкоза // AIJR Abstracts. 2020. С. 45. Ссылка на публикацию.
7. Ризаев Ж.А., Мамараджабов С.Э. Сероэпидемиологическое обследование на эхинококкоз жителей Самаркандской области // Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения: материалы II Международной научно-практической онлайн-конференции. Ташкент, 17 июля 2020 г. С. 59–60.
8. Ризаев Ж.А., Раимкулова Д.Ф. Особенности показателей защитной системы ротовой полости у детей с пародонтитом и ассоциированной пневмококковой пневмонией // Инфекция, иммунитет и фармакология. 2018. № 1. С. 46–49.
9. Abbas N., Zaher Addeen S., Abbas F., et al. Video-assisted thoracoscopic surgery (VATS) with mini-thoracotomy for the management of pulmonary hydatid cysts // Journal of Cardiothoracic Surgery. 2018. Vol. 13, № 1. Art. 35. DOI: 10.1186/s13019-018-0716-7.
10. Ahmadinejad M., Hashemi M., Azizallahi N. Evaluation of prognostic factors associated with postoperative complications following pulmonary hydatid cyst surgery // The Open Respiratory Medicine Journal. 2020. Vol. 14. P. 16–21. DOI: 10.2174/1874306402014010016.
11. Ahmed S.K., Essa R.A., Bapir D.H. Uniportal video-assisted thoracoscopic surgery (u-VATS) for management of pulmonary hydatid cyst: a systematic review // Annals of Medicine and Surgery. 2022. Vol. 75. Art. 103474. DOI: 10.1016/j.amsu.2022.103474.
12. Aydin Y., Ince I., Turkyilmaz A., Eroglu A. Lung hydatid cyst treatment with laparotomy: a new and different technique // The Annals of Thoracic Surgery. 2018. Vol. 106, № 4. P. e183–e184. DOI: 10.1016/j.athoracsur.2018.04.009.
13. Aydin Y., Ulas A.B., Ahmed A.G., Eroglu A. Pulmonary hydatid cyst in children and adults: diagnosis and management // The Eurasian Journal of Medicine. 2022. Vol. 54, Suppl. 1. P. S133–S140. DOI: 10.5152/eurasianjmed.2022.22289.
14. Aydin Y., Ulas A.B., Dostbil A. Current management of pulmonary hydatid cyst // The Eurasian Journal of Medicine. 2025. Vol. 57, № 1. DOI: 10.5152/eurasianjmed.2025.24761.
15. Aydin Y., Ulas A.B., Ince I., et al. Modified capitonnage technique for giant pulmonary hydatid cyst surgery // Interactive CardioVascular and Thoracic

Surgery. 2021. Vol. 33, № 5. P. 721–726. DOI: 10.1093/icvts/ivab152.
16. Aydin Y., Ulas A.B., Kasali K., et al. Treatment approach in bilateral pulmonary hydatid cysts: analysis of 107 consecutive cases // Indian Journal of Thoracic and Cardiovascular Surgery. 2024. Vol. 40, № 6. P. 669–674. DOI: 10.1007/s12055-024-01750-5.
17. Bagheri R., Golhasani Keshtan F., Moallem Shahri M., et al. Evaluating the rate of post-surgical complications between three surgical methods in management of pulmonary hydatid disease // Kardiochirurgia i Torakochirurgia Polska. 2021. Vol. 18, № 1. P. 23–26. DOI: 10.5114/kitp.2021.105183.
18. Balta C., Karacaoglu I.C., Iliklerden D.M., Yekdes A.C. Comparison of videothoracoscopy and thoracotomy in surgical treatment of pulmonary hydatid cyst disease // Journal of the College of Physicians and Surgeons Pakistan. 2020. Vol. 30, № 10. P. 1063–1068. DOI: 10.29271/jcpsp.2020.10.1063.
19. Fattayeva D.R., Rizaev J.A., Rakhimova D.A., Kholikov A.A. Clinical picture of sinusitis in patients after COVID-19 with chronic obstructive pulmonary disease // Uzbek Medical Journal. 2021. Vol. 2, № 2. P. 53–58. DOI: 10.26739/2181-0664-2021-2-7.
20. Fattayeva D.R., Rizaev J.A., Rakhimova D.A. Complex approach to treatment methods of chronic maxillary sinusitis after COVID-19 in patients with respiratory pathology // Uzbek Medical Journal. 2021. Vol. 2, № 2. P. 59–64. DOI: 10.26739/2181-0664-2021-2-8.
21. Kabiri E.H., El Hammoumi M., Bhairis M. Single-stage versus two-stage surgery of pulmonary and hepatic hydatid cysts // Kardiochirurgia i Torakochirurgia Polska. 2021. Vol. 18, № 3. P. 139–144. DOI: 10.5114/kitp.2021.109374.
22. Ksia A., Ben Fredj M., Zouaoui A., et al. Capitonnage seems better in childhood pulmonary hydatid cyst surgery // Journal of Pediatric Surgery. 2020. Vol. 55, № 4. P. 752–755. DOI: 10.1016/j.jpedsurg.2019.05.009.
23. Ngcobo K., Madansein R., Ndlovu M., Masekela R. Surgical management of pulmonary hydatid cysts in children in KwaZulu-Natal Province, South Africa // African Journal of Thoracic and Critical Care Medicine. 2020. Vol. 26, № 3. DOI: 10.7196/AJTCCM.2020.v26i3.108.
24. Rawat S., Kumar R., Raja J., Singh R.S., Thingnam S.K.S. Pulmonary hydatid cyst: review of literature // Journal of Family Medicine and Primary Care. 2019. Vol. 8, № 9. P. 2774–2778. DOI: 10.4103/jfmpc.jfmpc_624_19.
25. Uchikov P., Ali N., Sandeva M., et al. Surgical treatment of pulmonary hydatid disease: a nine-year single-center experience // Folia Medica. 2024. Vol. 66, № 5. P. 653–661. DOI: 10.3897/folmed.66.e134503.

УСОВЕРШЕНСТВОВАННАЯ ТЕХНИКА ЭХИНОКОККЭКТОМИИ ИЗ ЛЁГКИХ: НЕПОСРЕДСТВЕННЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ

Равшанов М.Х., Курбонов Н.А., Давлатов С.С., Рахманов К.Э.

Резюме. *Цель: усовершенствовать технику эхинококкэктомии из лёгких и оценить её влияние на непосредственные результаты хирургического лечения больных эхинококкозом лёгких. Материал и методы: проведено сравнительное исследование 186 вмешательств у 164 больных: 84 вмешательства выполнены по традиционной технике (группа сравнения), 102 – по усовершенствованной (основная группа). Технические новшества включали обработку остаточной полости горячим (60 °C) глицерином при тонкой капсуле, расширение показаний к радикальным вмешательствам с тампонадой раневой поверхности гемостатической губкой с 10% раствором альбендазола, модифицированный наконечник отсоса с надувным баллончиком, зажим-корзинку для эвакуации дочерних пузырей при E. hominis, капитонаж с пластикой лоскутом париетальной плевры на ножке и отказ от ушивания цистобронхиальных свищей. Результаты: в основной группе у 89 больных удалено 114 кист, радикальные вмешательства выполнены в отношении 26 (22,8%) кист. Доля полузакрытого способа ликвидации остаточной полости снизилась с 23,9 до 0,9%, доля выписанных с дренажами – с 25,0 до 3,9%; длительность госпитализации сократилась с 13,1±4,3 до 7,4±1,7 койко-дня, лихорадки – с 7,2±1,2 до 1,3±0,1 суток. Частота интраоперационных осложнений снизилась с 7,1 до 2,0% (p=0,143), ранних послеоперационных – с 13,1 до 2,0% (p=0,004); в основной группе не наблюдалось анафилактического шока, нагноения остаточной полости и плевритов. Выводы: усовершенствованная техника эхинококкэктомии из лёгких достоверно снижает частоту ранних послеоперационных осложнений и сокращает сроки стационарного лечения.*

Ключевые слова: *эхинококкоз лёгких, эхинококкэктомия, остаточная полость, капитонаж, париетальная плевра, цистобронхиальный свищ, альбендазол, послеоперационные осложнения.*

УЎК: 617.5-089:617.547-002.44

ДУМҒАЗА СОҲАСИ ЁТОҚ ЯРАЛАРИ МАВЖУД БЕМОРЛАР ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ДЕФЕКТЛАРИНИ ПЛАСТИК ЁПИШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ




Ражабов Достон Ўктамович, Хамдамов Илхомжон Бахтиёрович
Бухоро тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

МЕТОДЫ ПЛАСТИЧЕСКОГО ЗАКРЫТИЯ ДЕФЕКТОВ МЯГКИХ ТКАНЕЙ У БОЛЬНЫХ С ПРОЛЕЖНЯМИ КРЕСТЦОВОЙ ОБЛАСТИ

Ражабов Достон Уктамович, Хамдамов Илхомжон Бахтиёрович
Бухарский медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

METHODS OF PLASTIC CLOSURE OF SOFT TISSUE DEFECTS IN PATIENTS WITH PRESSURE SORES OF THE SACRAL REGION

Rajabov Doston Uktamovich, Khamdamov Ilkhomjon Bakhtiyorovich
Bukhara Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: rajabov.doston@bsmi.uz

Резюме. *Мақсад: ярали дефектнинг анатомик ва патоморфологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда реконструктив-пластик операцияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали думғаза соҳасидаги ётоқ яралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш. Материал ва усуллар: ишлаб чиқилган реконструктив-пластик операциялар қўлланилган 65 (55,1%) нафар бемор даволаш натижалари таҳлил қилинди; улар юмшоқ тўқималар дефектининг морфометрик хусусиятлари ва яра тубининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда икки қаватли ротацион-амортизацион ҳамда туннел-ротацион пластика кўринишида бажарилди. Тадқиқот клиник қиёсий характерга эга бўлиб, клиник, лаборатор, цитологик, микробиологик, планиметрик ва инструментал усуллар мажмуасидан фойдаланилди. Натижалар: даволаш натижасининг ёмонлашуви билан энг кучли боғлиқлик жароҳат чуқурлиги (r=0,881), микробли зарарланиш даражаси (r=0,748) ва бўшлиқ компонентининг мавжудлиги (r=0,724) учун аниқланди; цитограмманинг яллиғланиш тури натижанинг ёмонлашуви (r=0,718), регенератив тури эса унинг яхшиланиши (r=−0,689) билан боғлиқ бўлди. Кўрсаткичлар мажмуаси таҳлили жароҳат дефектининг иккита барқарор вариантини ажратиш имконини берди: чекланган геометрияли (ҳажми 100 см³ гача, чуқурлиги 3 см гача) ва ҳажмли танқисликка эга (ҳажми 150 см³ дан ортиқ, чуқурлиги 5 см дан ортиқ) дефектлар. Табақалаштирилган реконструктив-пластик операциялар қўлланилганда қопқоқнинг тўлиқ битиши частотаси 9,4% дан 69,2% гача, қулай натижалар улуши 56,6% дан 96,9% гача ошди, асоратларнинг умумий частотаси 2,9 баравар, қайталанишлар частотаси 2,4 баравар камайди (p<0,001). Хулоса: ярали жараённинг ҳолатини кетма-кет баҳолаш дефектни пластик усулда ёпиш асосли бўладиган шарт-шароитларни аниқлаш имконини берди; клиник жиҳатдан қулай яра ҳолатига эришилганда ҳам дефектнинг чуқурлиги, ҳажми ва конфигурацияси, шунингдек думғаза устидаги юмшоқ тўқималар қопламининг ҳолати бўйича яққол хилма-хиллик сақланиб қолади, бу эса пластик ёпиш усулини табақалаштирилган танлашни талаб этади.*

Калит сўзлар: *юмшоқ тўқима нуқсони, думғаза яраси, ётоқ яраси, пластик жарроҳлик, мушак-фасциал қопқоқ, цитограмма.*

Abstract. *Aim: to improve the results of surgical treatment of patients with pressure sores of the sacral region by developing and applying reconstructive plastic operations that take into account the anatomical and pathomorphological structure of the ulcerative defect. Materials and methods: the treatment results of 65 (55.1%) patients in whom the developed reconstructive plastic operations were performed were analysed; the operations were carried out as two-layer rotation-cushioning and tunnel-rotation plasty, taking into account the morphometric features of the soft tissue defect and the condition of the wound bed. The study was clinical and comparative and used a set of clinical, laboratory, cytological, microbiological, planimetric and instrumental methods. Results: the strongest association with an unfavourable outcome was found for wound depth (r=0.881), the level of microbial contamination (r=0.748) and the presence of a cavity component (r=0.724); the inflammatory type of cytogram was associated with a worse outcome (r=0.718) and the regenerative type with a better one (r=−0.689). Analysis of the combination of indicators made it possible to distinguish two stable*

variants of the wound defect: defects with limited geometry (volume up to 100 cm³, depth up to 3 cm) and defects with a volume deficit of tissues (volume over 150 cm³, depth over 5 cm). With the differentiated reconstructive plastic operations, the rate of complete flap engraftment increased from 9.4% to 69.2% and the proportion of favourable outcomes from 56.6% to 96.9%, while the overall complication rate decreased 2.9-fold and the recurrence rate 2.4-fold (p<0.001). Conclusion: sequential assessment of the wound process makes it possible to determine the conditions under which plastic closure of the defect is justified; even when a clinically favourable wound condition is achieved, pronounced heterogeneity remains in the depth, volume and configuration of the defect and in the condition of the soft tissue covering over the sacrum, which requires a differentiated choice of the method of plastic closure.
Keywords: *soft tissue defect, sacral ulcer, pressure ulcer, plastic surgery, musculofascial flap, cytogram.*

Долзарблиги. Бутун дунёда ётоқ яраларининг ривожланиш хавф омиллари ва клиник кечиш хусусиятларини ўрганишга, шунингдек уларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар давом этмоқда [1, 3, 5]. Уларнинг натижаларига кўра, ётоқ яралари пайдо бўлишида юмшоқ тўқималарнинг анатомик-морфологик ўзгаришлари, микроциркуляциянинг бузилиши, инфекция ва тўқималарнинг регенератив салоҳияти пасайиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўрсатилган жараёнларнинг патогенезини тушуниш ётоқ яраси билан оғриган беморларда қониқарсиз натижалар хавфини камайтиришга қаратилган янги профилактика ва жарроҳлик даволаш усулларини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ётоқ яралари дефектларини даволашда турли реконструктив-пластик операцияларнинг самарадорлигини ўрганишга, шунингдек ушбу тоифадаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Narayana Sarma A.S. ва Selsa H. (2022) думғаза ётоқ яраларини даволашда думба мушак-тери қопқоқларидан фойдаланиш натижаларини таҳлил қилган. Tultak S. ва ҳаммуаллифлар (2023) думғаза соҳасининг юмшоқ тўқималарини реконструкция қилишда фасциал ва мушак-тери қопқоқларининг турли вариантлари самарадорлигини ўрганган. Tilkin J. ва ҳаммуаллифлар (2020) турли қопқоқ пластикаси усулларидан фойдаланган ҳолда ётоқ яраларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини баҳолаган. Li A.D. ва ҳаммуаллифлар (2021) яра дефектларини ёпишнинг анъанавий усулларидан сўнг қониқарсиз натижалар ва қайталаниш ҳолатларининг тез-тез учрашини таҳлил қилган. Шунга қарамай, ҳозирги кунга қадар юмшоқ тўқималар дефектларини пластик усулда ёпиш натижаларини шакллантиришда жароҳат жараёнининг морфометрик ва цитологик хусусиятлари аҳамияти тўғрисида етарли маълумот мавжуд эмас.

Ўзбекистонда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган: ушбу патологиянинг клиник кечиши ва уни жарроҳлик йўли билан тузатиш хусусиятлари ўрганилган [2, 4, 6], юмшоқ тўқималарнинг йирингли-некротик шикастланишларини даволашнинг замонавий ёндашувлари кўрсатилган [7, 9], реконструктив аралашувларнинг алоҳида усуллари ишлаб чиқилган ҳамда комплекс даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари таҳлил қилинган [8, 10].

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотларда асосий эътибор жарроҳлик даволаш масалаларига ва юмшоқ тўқималарнинг аллақачон шаклланган нуқсонларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, бу думғаза соҳасидаги ётоқ яраларида хавф омилларини аниқлаш ва реконструктив-пластик операцияларни ишлаб чиқиш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш заруратини келтириб чиқаради. Бундай тадқиқотлар жароҳат жараёнининг морфометрик, микробиологик ва цитологик омилларининг ролини чуқурроқ ўрганиш, шунингдек юмшоқ тўқималар дефектларини пластик усулда ёпиш самарадорлигини оширишга асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади: ярали дефектнинг анатомик ва патоморфологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда реконструктив-пластик операцияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали думғаза соҳасидаги ётоқ яралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш.

Материал ва усуллар. Ишлаб чиқилган реконструктив-пластик операциялар қўлланилган 65 (55,1%) нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинди. Операциялар думғаза соҳасидаги юмшоқ тўқималар дефектларида яранинг морфометрик хусусиятларини ва яра тубининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дефектни табақалаштирилган бартараф этишга қаратилган бўлиб, икки қаватли ротацион-амортизацион ва туннел-ротацион пластика кўринишида бажарилди. Тадқиқот клиник қиёсий характерга эга бўлиб, илгари даволанган беморларни ретроспектив таҳлил қилиш, шунингдек жароҳат жараёнининг клиник кечишини, дефектнинг морфометрик хусусиятларини ва жароҳат тубининг ҳолатини баҳолаш билан беморларни проспектив кузатишни ўз ичига олди.

Клиник тадқиқот думғаза соҳасидаги ётоқ яраларида юмшоқ тўқималар дефектларини

пластик усулда ёпиш натижасини белгиловчи омилларни комплекс баҳолаш заруриятига таянган ҳолда шакллантирилди, сўнгра табақалаштирилган жарроҳлик ечимларини ишлаб чиқиш ва клиник текширишга ўтилди. Ишни ташкил этишда жароҳат жараёнининг хусусиятларини даволаш натижалари билан таққослаш асос қилиб олинди, бу эса нуқсоннинг маҳаллий морфологик хусусиятларини ҳам, беморнинг тизимли ҳолатини ҳам батафсил таҳлил қилишни талаб этди. Дастлабки баҳолаш жароҳатнинг фазовий ташкил этилишини – унинг майдони, чуқурлиги ва бўшлиқ компонентининг мавжудлигини ўрганишга қаратилди, чунки айнан шу параметрларнинг уйғунлиги жарроҳлик аралашувидан сўнг думғаза соҳасида механик юкламанинг тақсимланиш шароитларини шакллантиради. Морфометрик тавсиф билан бир қаторда тизимли яллиғланиш реакцияси ва метаболик бузилишларнинг яққоллигини акс эттирувчи лаборатор кўрсаткичлар ҳам баҳоланди.

Клиник, лаборатор, цитологик, микробиологик, планиметрик ва инструментал усуллар мажмуасидан фойдаланиш жароҳат жараёни ҳолати ва беморларнинг умумий соматик ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш имконини берди. Бир-бирини тўлдирувчи диагностик ёндашувлар дефектнинг морфометрик хусусиятларини, яллиғланиш ўзгаришларининг яққоллигини ва жароҳат тубининг етуклик даражасини объективлаштириш, шунингдек инфекцион компонентнинг мавжудлигини ва тўқималарнинг шикастланиш чуқурлигини ҳисобга олиш имконини берди. Текширувнинг комплекс хусусияти жарроҳлик даволаш натижаларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва думғаза соҳасидаги ётоқ яраси бўлган беморларда реконструктив-пластик аралашувларни танлашга табақалаштирилган ёндашувни асослаш учун услубий асос яратди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Пластик ёпишга қарши кўрсатмалар. Думғаза соҳасидаги ётоқ яраси бўлган беморларда юмшоқ тўқималар дефектларини пластик усулда ёпишга қарши кўрсатмалар қаторига ярада фаол яллиғланиш жараёни билан тавсифланадиган ҳолатлар киради. Бундай шароитда яра туби кўчириб ўтказилган тўқималар билан интеграциялашиш хусусиятига эга бўлмайди, бу эса ҳар қандай реконструктив аралашувни беқарор қилади. Яранинг бундай ҳолатининг асосий белгиси унинг 10^4 КОЕ/г дан юқори микробли зарарланганлиги бўлиб, у йирингли ажралма мавжудлиги ва некротик тўқималарнинг сақланиб қолиши билан кечади. Бундай кўриниш давом этаётган инфекцион-деструктив жараённи акс эттиради, бунда грануляцион тўқимада тўлақонли қон томир ўзанининг шаклланиши кўпинча бузилади, кўчириб ўтказилган тўқиманинг иккиламчи инфекцияланиш хавфи эса юқори бўлиб қолади. Клиник амалиётда бундай шароитларда пластик ёпиш амалга оширилмади, чунки техник жиҳатдан тўғри бажарилган аралашувда ҳам трансплантатнинг эрта лизиси ёки чекка некрознинг шаклланиши, сўнгра иккиламчи битишга ўтиш кузатилади. Чуқур чўнтаклар ва йирингли ажралма мавжуд бўлиб, чуқурлиги 5 см дан ортиқ яра сақланиб қолган беморларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилди: яранинг микробли зарарланганлиги 10^5 КОЕ/г дан ошган, цитологик текширувда эса дегенератив шакллар устунлик қилган нейтрофил компонентнинг яққол кўриниши аниқланган.

Назорат гуруҳидаги беморлар орасида аҳамиятли бўлган яна бир қарши кўрсатма бўшлиқ ҳосил бўлиши билан боғлиқ компонент – турли йўналишларда тарқалган кўп сонли чуқур чўнтакларнинг мавжудлиги бўлди. Дефектнинг бундай конфигурацияси яширин инфекция ўчоғини ҳосил қилган ва жароҳатни тўлиқ санация қилишга тўсқинлик қилган: кўп миқдорда йирингли ажралма бўлмаган тақдирда ҳам, бундай бўшлиқли шаклланишлар экссудат тўпланиши ва дренажнинг бузилиши туфайли операциядан кейин қайта йиринглаш хавфини юқори сақлаб қолган.

Атрофдаги тўқималарнинг ҳолати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, айниқса инфильтрация, гиперемия ва шиш микроциркуляция бузилиши ва тўқима босими ошишига олиб келадиган давом этаётган яллиғланиш реакциясидан далолат берганда. Бундай шароитда кўчирилаётган тўқималар қўшимча ишемик юкламани бошдан кечиради, бу эса уларда некробиотик ўзгаришлар учун шароит яратади. Думғаза соҳасида бундай ўзгаришлар суяк-тўқима сиқилиши мавжудлигидан ташқари, думғазанинг деструктив ўзгаришлари, шу жумладан остеомиелит белгилари бўлганда ҳам оғирлашади. Бундай ҳолларда сурункали инфекция ўчоғи ҳосил бўлади ва реконструктив аралашувни амалга ошириш жароҳат жараёнининг қайталанишига ҳамда ҳосил бўлган қопламанинг емирилишига олиб келади.

Юқоридаги белгилар нафақат таклиф этилаётган табақалаштирилган ёндашув доирасида, балки анъанавий усуллардан, жумладан Тирш бўйича аутодермопластика ва маҳаллий тўқималар пластикаси қўлланилганда ҳам пластик ёпиш учун қарши кўрсатма сифатида қаралди. Пластик ёпишни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар чиқариб ташлангандан сўнггина реконструктив аралашувни амалга оширишга имкон берадиган, жароҳат жараёни назорат қилинадиган беморлар гуруҳи шакллантирилди.

Жадвал 1. Жароҳат жараёни кўрсаткичлари ва пластик ёпиш натижаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Кўрсаткич	Корреляция коэффициенти (r)	Боғлиқликнинг йўналиши
Жароҳат чуқурлиги	0,881	натижанинг ёмонлашуви
Микробли зарарланиш даражаси	0,748	натижанинг ёмонлашуви
Бўшлиқ компонентининг мавжудлиги	0,724	натижанинг ёмонлашуви
Цитограмманинг яллиғланиш тури	0,718	натижанинг ёмонлашуви
Нуқсон майдони (Тирш бўйича аутодермопластикада)	0,682	натижанинг ёмонлашуви
Бўшлиқнинг йўналиши (тарқалиши)	0,641	натижанинг ёмонлашуви
Дегенератив нейтрофил шакллари улуши	0,664	натижанинг ёмонлашуви
Нейтрофиллар улуши	0,571	натижанинг ёмонлашуви
Макрофаглар улуши	−0,516	натижанинг яхшиланиши
Фибробластлар улуши	−0,603	натижанинг яхшиланиши
Цитограмманинг регенератив тури	−0,689	натижанинг яхшиланиши

Изоҳ: манба матнида корреляция коэффициенти «p» ҳарфи билан белгиланган; халқаро қоидаларга мувофиқ у «r» ҳарфи билан келтирилди.

Даволаш натижаси билан боғлиқ кўрсаткичлар. Кейинги таҳлил шуни кўрсатдики, ҳатто ушбу гуруҳ доирасида ҳам аниқ бир усулдан фойдаланилганда ижобий натижа эҳтимолини белгиловчи сезиларли хилма-хиллик сақланиб қолган. Аниқланган миқдорий корреляцион боғлиқликлар ноқулай кечиш омилларини баҳолашдан барқарор ижобий натижага эришиш шартларини аниқлашга ўтиш имконини берди (1-жадвал). Натижанинг ёмонлашуви билан энг юқори боғлиқлик жароҳат чуқурлиги (r=0,881) ва бўшлиқ компонентининг мавжудлиги (r=0,724) учун аниқланди, бу пластиканинг самарасизлигини шакллантиришда нуқсон геометриясининг устунлигини кўрсатади. Микробли зарарланиш юқори қўшимча аҳамиятга эга бўлди (r=0,748), аммо унинг таъсири асосан жароҳат жараёнининг яллиғланиш компонентини сақлаб туриш орқали намоён бўлди, жароҳат ҳолатининг цитологик етуклик кўрсаткичлари эса тўқималарнинг кўчириладиган бўлаклар билан интеграциялашув қобилиятини акс эттирди.

Яранинг чуқурлиги 3 см гача камайиши ва аниқ бўшлиқ компонентининг бўлмаслиги механик омил таъсирини сезиларли даражада камайтирди. Бундай шароитда нуқсон майдони ва жароҳат юзаси ҳолатининг аҳамияти янада ошди, бу аввалроқ Тирш бўйича аутодермопластика натижаларини таҳлил қилишда тасдиқланган эди (r=0,682; p<0,001). Аксинча, нуқсон чуқурлиги 5 см дан ортиқ бўлиб (r=0,881), бўшлиқ мавжуд бўлганда, цитологик кўриниш қулай бўлса ҳам, анъанавий усулларда етишмовчилик хавфи юқори бўлиб қолди. Бундай ҳолларда нуқсоннинг конфигурацияси, шу жумладан бўшлиқнинг йўналиши (r=0,641; p=0,001) асосий рол ўйнайди, бу юмшоқ тўқималар ҳажмини тўлдириш ва юк тақсимоти шароитларини ўзгартириш заруратини келтириб чиқаради. Бунда цитограмманинг регенератив тури мавжудлиги (r=−0,689) мажбурий шарт бўлиб, айнан шунда каттароқ ҳажмдаги реконструкция тўқималарнинг барқарор бирикиши билан кечади.

Шундай қилиб, морфометрик ва цитологик кўрсаткичларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мажмуасини таҳлил қилиш ноқулай оқибатнинг шаклланиш механизми бўйича фарқланувчи жароҳат дефектининг иккита барқарор вариантини аниқлаш имконини берди. Биринчи вариантда дефектнинг чекланган геометрияси шароитида яра юзасининг ҳолати устунлик қилади, иккинчисида эса тўқималарнинг ҳажмли танқислиги ва яранинг бўшлиқли ташкил этилиши асосий аҳамиятга эга бўлади. Аниқланган боғлиқликлар пластик ёпиш усулини табақалаштирилган танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди, бунда нуқсоннинг ҳар бир турига реконструктив аралашувнинг муайян варианти мос келади (2-жадвал).

Икки қаватли ротацион-амортизацион пластика техникаси. Ярани радикал жарроҳлик йўли билан тозалаш, некротик тўқималарни кесиб олиш ва бўшлиқнинг толали деворларини бартараф этишдан сўнг нуқсоннинг ўлчамларини ва тўқималарнинг мумкин бўлган силжиш йўналишини баҳолаб, якуний текширув ўтказилди. Яранинг четлари ҳаётий тўқималаргача кесиб олинди. Тўқималарнинг маҳаллий сиқилишини камайтириш мақсадида думғаза суягининг яққол чиқиб туриши кузатилганда, унинг чиқиб турган қисмлари қисман резекция қилинди. Гемостаз электрокоагуляция ёрдамида амалга оширилди, зарур ҳолларда айрим томирлар боғланди.

Жадвал 2. Дефект турига қараб пластик ёпиш усулини танлаш мезонлари

Мезон	Икки қаватли ротацион-амортизацион пластика	Босим зонасини бўшатиш билан туннел-ротацион пластика
Дефект ҳажми	100 см³ гача	150 см³ дан ортиқ
Яра чуқурлиги	3 см гача	5 см дан ортиқ
Бўшлиқ компоненти	аниқ бўшлиқ компоненти йўқ	латерал ёки краниал тарқалишга эга аниқ бўшлиқ компоненти
Думғаза устидаги юмшоқ тўқима қоплами	қисман очилиш, деструкция белгилари йўқ	юмшоқ тўқима қатлами етишмовчилиги, суяк асоси юпқа грануляцион қатлам билан қопланган
Грануляцион тўқима ҳолати	тузилиши нисбатан сақланган	цитограмманинг регенератив тури мажбурий
Реконструкциянинг асосий вазифаси	тўқималарнинг минимал силжиши билан барқарор тери қопламини шакллантириш	бўшлиқни йўқ қилиш ва думғаза устида амортизация вазифасини бажарувчи қўшимча юмшоқ тўқима қатламини ҳосил қилиш

Мушак-фасциал қопқоқни ҳосил қилиш учун кесма думба соҳасининг медиал четидан думба оралиғи бурмасига параллел равишда, нуқсон четидан 3–5 см масофада, катта думба мушакларининг медиал қисмлари проекциясига қараб ўтказилди. Тери-тери ости бўлаги мушак фасциясига чиқиш учун қатлам-қатлам кесилди, сўнгра фасция бўйлама йўналишда кесилиб, катта думба мушак толалари унинг медиал сегменти доирасида тўмтоқ ва ўткир йўл билан мобилизация қилинди. Бунда мушак қалинлигида жойлашган озиқлантирувчи томирлар билан мушак оёқчасини сақлаб қолиш, уларни кесиб ўтмаслик ва қопқоқни ортиқча скелетламаслик муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қопқоқ мушакнинг юзаки ва ўрта қатламларини ўз ичига олган мушак-фасциал сегмент шаклида, ҳар бир ўлчов бўйича дефект ўлчамларидан 1,5–2 см каттароқ қилиб шакллантирилди, бу унинг тарангликсиз эркин ҳаракатланишини таъминлади. Ажратиш асосан тўмтоқ усулда бажарилди; қон оқаётган томирлар мушак тўқимасини кенг коагуляциядан сақлаган ҳолда нуқтали коагуляция қилинди.

Тайёрланган қопқоқ нуқсон томон айлантирилиб, бевосита думғаза суяги устига қўйилди ва суяк юзаси билан юза тўқималар ўртасида зич юмшоқ тўқима қатлами ҳосил қилиб, яра бўшлиғини тўлиқ тўлдирди. Қопқоқ қарама-қарши томоннинг фасциясига тугунли чоклар билан маҳкамланди, бу унинг силжиши ва қолдиқ бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олди. Ётқизилгандан сўнг қопқоқнинг таранглиги ва қон томир оёқчасининг бурамланиши йўқлиги назорат қилинди, зарур бўлганда ҳажмни бир хил тақсимлаш учун қопқоқ қўшимча моделлаштирилди. Чуқур амортизацион қатлам ҳосил қилингандан сўнг чок чизиғини сиқилиш зонасидан ташқарига чиқариб, дефектни якуний ёпиш учун тери-фасциал қопқоқ силжитилди.

Реконструкция зонаси ва жароҳат соҳаси дренажланди: дренажлар думба соҳасининг латерал қисмларидаги алоҳида контрапертура кесмалари орқали чиқарилди, мушак-фасциал қопқоқ остидаги бўшлиққа икки тешикли дренаж ўрнатилди, донор ҳудуди ҳам худди шундай дренажланди. Дренажлар 20 мм сув устунигача вакуум ҳосил қилувчи фаол аспирация тизимига уланди, бу яра экссудатини доимий олиб ташлашни таъминлаб, интерстициал суюқлик тўпланиши ва сероманинг олдини олди ҳамда тўқималарнинг етарли даражада алоқасини ва битиши учун шароит яратди. Икки тешикли дренаж йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланганда фаол аспирация ва зарурат туғилганда яра бўшлиғини ювиш имконини берди.

Ярани ёпиш қатлам-қатлам амалга оширилди: дастлаб тери ости ёғ қаватлари сўриладиган материал билан тугунли ёки сийрак узлуксиз чоклар билан яқинлаштирилди, бу тарангликни бир текис тақсимлаш ва «ўлик бўшлиқ» ҳосил бўлишини бартараф этиш имконини берди. Тери жароҳат четларининг қалинлиги ва ҳолатига қараб алоҳида тугунли чоклар ёки узлуксиз тери ичи чоклари билан тикилди; тарангликнинг йўқлиги ва қирраларнинг бир хилда мослашишига алоҳида эътибор қаратилди, бу ишемия ва чекка некроз хавфини камайтирди. Катта думба мушакларининг медиал қисмлари соҳасидаги донор зонаси ҳам қатлам-қатлам тугунли чоклар билан тикилди; тўқималарни мобилизация қилгандан сўнг яра четлари ортиқча тарангликсиз яқинлаштирилди, зарур ҳолларда тўқималарнинг ҳаракатчанлигини ошириш учун фасция қисман кесилди, катта дефектларда эса тарангликни камайтириш учун юкни камайтирувчи чоклар қўлланилди. Операция тугагандан сўнг ярага ўртача сиқилиш билан асептик боғлам қўйилди, реконструкция зонаси эса операциядан кейинги дастлабки даврда беморни

думғаза соҳасига бевосита босим тушмайдиган ҳолатда жойлаштириш ҳисобига қўшимча равишда енгиллаштирилди.

Босим зонасини бўшатиш билан туннел-ротацион пластика техникаси. Ушбу вариант ҳажми 150 см³ дан ортиқ ва чуқурлиги 5 см дан юқори бўлган кенг нуқсонларда, ҳатто йирингли жараён бўлмаган тақдирда ҳам қўлланилади. Бундай дефектларга латерал ёки краниал тарқалишга эга аниқ бўшлиқ компоненти, шунингдек думғаза суяги устидаги юмшоқ тўқима қатламининг етишмаслиги хос бўлиб, бунда суяк асоси фақат юпқа грануляцион тўқима қатлами билан қопланган. Бундай шароитда пластик ёпишнинг стандарт усуллари тўқималарнинг йўқотилган ҳажмини тўлдиришни таъминламайди ва реконструкция зонасига босимнинг қайта тақсимланиши, кейинчалик микроциркуляциянинг бузилиши билан кечади. Усулнинг асосий фарқи нафақат тери нуқсонини ёпиш, балки думғаза устида босимни камайтириш вазифасини бажарадиган қўшимча юмшоқ тўқима қатлами ҳосил қилиш билан бўшлиқни бир вақтнинг ўзида йўқ қилиш заруратидир.

Ярали жараённинг назорат қилинадиган ҳолатига эришилгандан сўнг некротик тўқималарни кесиб олиш ва бўшлиқнинг толали деворларини бартараф этиш орқали жароҳат радикал тозаланди. Дефектнинг чуқурлиги, ҳажми ва бўшлиқнинг тарқалиш йўналиши баҳоланиб, барча латерал ва краниал чўнтаклар очилди ва ягона жароҳат бўшлиғига бирлаштирилди. Яранинг четлари ҳаётий тўқималаргача кесиб олинди, думғаза суягининг чиқиб турган қисмлари қисман резекция қилинди. Ярали жой тайёрлангач, думғаза соҳасининг латерал қисмларидан нуқсон жойигача тери ости туннели ҳосил қилинди; туннел тери ости ёғ қаватида тўмтоқ йўл билан, қопқоқни компрессия ва эгилишсиз эркин ўтказиш учун етарли диаметрда яратилди.

Думғаза соҳасининг латерал қисмларида катта думба мушакларининг проекциясига қараб кесма бажарилди; тери, тери ости ёғ қавати ва фасция қатлам-қатлам кесилиб, катта думба мушакларининг латерал қисмлари асосида мушак-фасциал қопқоқ ҳосил қилинди ва тўмтоқ ҳамда ўткир йўл билан мобилизация қилинди. Қопқоқ ўлчами нуқсон ўлчамидан 1,5–2 см каттароқ қилиб шакллантирилди, бу уни тарангликсиз кўчириш имконини берди. Шакллантирилган мушак-фасциал қопқоқ туннел орқали дефект соҳасига ўтказилди; бунда қон томир ўзанининг сиқилиши ва бурамланиши йўқлиги назорат қилинди. Қопқоқ яра бўшлиғини тўлиқ тўлдириб, думғаза суяги устида амортизация вазифасини бажарадиган массив юмшоқ тўқима қатламини ҳосил қилди. Қопқоқ атрофдаги тўқималар ва фасциал тузилмаларга тугунли чоклар билан маҳкамланди, бу унинг силжиши ва қолдиқ бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олди; ётқизилгандан сўнг қон таъминотининг адекватлиги, оёқчанинг таранглиги ва эгилганлиги йўқлиги назорат қилинди.

Яранинг тери четлари мобилизация қилинди, зарурат туғилганда тўқималар қўшимча ажратилди, сўнгра нуқсон тери-тери ости тўқималарини силжитиш орқали ёпилди ва чок чизиғи думғаза соҳасидан ташқарига чиқарилди. Тўқима етарли бўлмаганда донор жойи хавфсиз зоналарда таранглик қўллаш ёки қўшимча тери силжитиш ёрдамида қисман ёпилди, аммо терини туннел орқали ўтказмасдан. Дренажлаш мажбурий бажарилди: икки тешикли дренажлар қопқоқ остидаги бўшлиққа ва донор жойига жойлаштирилиб, контрапертура кесмалари орқали чиқарилди ҳамда 24 соат давомида 20 мм сув устунигача вакуум ҳосил қилувчи фаол аспирация тизимига уланди, бу экссудат тўпланишининг олдини олди ва тўқималарнинг битишига ёрдам берди. Яра тери ости ёғ қаватини мослаштирган ҳолда қатлам-қатлам тикилди, сўнгра тери тарангликсиз тикилди; донор зонаси ҳам худди шундай ёпилди, зарур ҳолларда юкни камайтирувчи чоклар қўлланилди.

Ҳар икки усул компрессия зонаси устида тўлақонли юмшоқ тўқима қатлами ҳосил бўлишини таъминлайди, аммо улар операция ҳажми ва юкламани қайта тақсимлаш механизми жиҳатидан фарқланади, бу эса жароҳат дефектининг хусусиятларига қараб уларни табақалаштирилган қўллаш заруратини белгилайди. Шундай қилиб, ярали жараённинг ҳолатини кетма-кет баҳолаш дефектни пластик усулда ёпиш асосли бўладиган шарт-шароитларни аниқлаш имконини берди ва клиник жиҳатдан қулай яра ҳолатига эришилганда ҳам дефектнинг чуқурлиги, ҳажми ва конфигурацияси, шунингдек думғаза устидаги юмшоқ тўқималар қопламининг ҳолати бўйича сезиларли хилма-хиллик сақланиб қолишини кўрсатди. Жароҳат дефектини жарроҳлик йўли билан ёпишнинг турли усулларини қўллаш шароитларидаги фарқлар ётоқ яраси соҳасига механик таъсир кўрсатишнинг турли шароитлари билан белгиланади; грануляцион тўқиманинг ҳолати, яра тубининг архитектураси ва суяк чиқиб туришининг ҳолати даволаш усулининг мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Хулосалар. Икки қаватли ротацион-амортизацион ва туннел-ротацион пластикани ўз ичига олган табақалаштирилган реконструктив-пластик операциялар дефектнинг бўшлиқ компонентини йўқ қилишни, думғаза устида барқарор юмшоқ тўқима қатламини ҳосил қилишни ва чок чизиғини доимий босим зонасидан силжитишни таъминлайди, бу эса жарроҳлик

тактикасини яра дефектининг анатомик ва патоморфологик тузилишига мослаштириш имконини беради.

Думғаза соҳасида ётоқ яралари бўлган беморларда табақалаштирилган реконструктив-пластик операциялардан фойдаланиш қопқоқнинг тўлиқ битиши частотасини 9,4% дан 69,2% гача, қулай натижалар улушини 56,6% дан 96,9% гача оширади, асоратларнинг умумий частотасини 2,9 баравар, қайталанишлар частотасини 2,4 баравар камайтиради ($p<0,001$), бу уларнинг клиник самарадорлигини тасдиқлайди.

Манфаатлар тўқнашуви. Муаллифлар манфаатлар тўқнашуви йўқлигини маълум қилади.
Молиялаштириш. Тадқиқот ташқи молиялаштиришсиз бажарилган.

Адабиётлар:

1. Абдухаликова Х.А., Абдухаликов А.К., Тураханов А.О. Лечение пролежней у спинальных больных // Медицинская помощь при травмах. Новое в организации и технологиях: сборник тезисов конгресса. Санкт-Петербург, 2025. С. 5–6.
2. Абуалруб Н.А., Курбанова З.В., Курбанисмаилова М.Г. и др. Современные подходы к лечению длительно незаживающих ран: практический опыт // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия: Естественные и технические науки. 2025. № 5-1. С. 199–203.
3. Андрев Л. Актуальные проблемы профилактики и лечения пролежней в медицинских организациях Российской Федерации // Высшее сестринское образование: тенденции, проблемы и перспективы: материалы конференции (Москва, 9 июня 2021 г.). М.: РУДН, 2021. С. 43–44.
4. Арипова Т.У., Охунов А.О., Умаров Б.Я., Хамдамов Б.З. Клинико-иммунологические параллели длительно незаживающих ран у больных сахарным диабетом // Вестник Авиценны. 2025. Т. 27, № 4. С. 890–898.
5. Слепнев С.Ю., Балеев М.С., Рябков М.Г. Опыт хирургического лечения пролежней у пациентов с травматической болезнью спинного мозга: эффективность и риск осложнений // Неотложная медицинская помощь. Журнал им. Н.В. Склифосовского. 2025. Т. 14, № 2. С. 346–354.
6. Слепнев С.Ю., Рябков М.Г. Факторы риска осложнений при пластике пролежней // Неотложная медицинская помощь. 2023. Т. 13, № 3. С. 301–308.
7. Bi L., Liu Y., Zhang L., et al. High expression of SERPINE1 and CTSL in keratinocytes in pressure injury caused by ischemia-reperfusion injury // Tissue and Cell. 2025. Vol. 93. Art. 102746.
8. Cacior S., Bordeanu-Diaconescu E.M., Ratoiu V.A., et al. Clinical presentation and integrated management of pressure injuries in the emergency hospital setting: a plastic surgeon's perspective // Healthcare (Basel). 2024. Vol. 12, № 24. Art. 2583.
9. Jimenez Cerquera C., Garzon L.E., Patarroyo A.M., et al. Sacral microvascular response in older adults following mechanical loading assessed by photoplethysmography and infrared thermometry // International Journal of Environmental Research and Public Health. 2025. Vol. 22, № 11. Art. 1759.
10. Kay D., Sandres-Corwin M., Matundan H.H. A retrospective real-world analysis of placental-based allografts on pressure ulcers // SAGE Open Medicine. 2026. Vol. 14.

МЕТОДЫ ПЛАСТИЧЕСКОГО ЗАКРЫТИЯ ДЕФЕКТОВ МЯГКИХ ТКАНЕЙ У БОЛЬНЫХ С ПРОЛЕЖНЯМИ КРЕСТЦОВОЙ ОБЛАСТИ

Ражабов Д.У., Хамдамов И.Б.

Резюме. *Цель: улучшить результаты хирургического лечения больных с пролежнями крестцовой области путём разработки и применения реконструктивно-пластических операций с учётом анатомического и патоморфологического строения язвенного дефекта. Материал и методы: проанализированы результаты лечения 65 (55,1%) больных, которым выполнены разработанные реконструктивно-пластические операции в виде двухслойной ротационно-амортизационной и туннельно-ротационной пластики с учётом морфометрических особенностей дефекта мягких тканей и состояния дна раны. Исследование носило клинический сравнительный характер; использован комплекс клинических, лабораторных, цитологических, микробиологических, планиметрических и инструментальных методов. Результаты: наибольшая связь с ухудшением результата установлена для глубины раны ($r=0,881$), уровня микробной обсеменённости ($r=0,748$) и наличия полостного компонента ($r=0,724$); воспалительный тип цитограммы был связан с ухудшением результата ($r=0,718$), регенераторный – с его улучшением ($r=-0,689$). Анализ сочетания показателей позволил выделить два устойчивых варианта раневого дефекта: с ограниченной геометрией (объём до 100 см³, глубина до 3 см) и с объёмным дефицитом тканей (объём более 150 см³, глубина более 5 см). Применение дифференцированных реконструктивно-пластических операций сопровождалось увеличением частоты полного приживления лоскута с 9,4% до 69,2% и доли благоприятных исходов с 56,6% до 96,9%, снижением общей частоты осложнений в 2,9 раза и частоты рецидивов в 2,4 раза ($p<0,001$). Выводы: последовательная оценка состояния раневого процесса позволяет определить условия, при которых пластическое закрытие дефекта обосновано; даже при достижении клинически благоприятного состояния раны сохраняется выраженная неоднородность по глубине, объёму и конфигурации дефекта, а также по состоянию мягкотканного покрытия над крестцом, что требует дифференцированного выбора метода пластического закрытия.*

Ключевые слова: *дефект мягких тканей, пролежень крестцовой области, пластическая хирургия, мышечно-фасциальный лоскут, цитограмма.*

УЎК: 618.175-053.7-08-084

ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ГОРМОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА АЛГОРИТМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ




Ризаев Жасур Алимджанович, Хамроева Лола Кахоровна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АЛГОРИТМОВ КОРРЕКЦИИ И ПРОФИЛАКТИКИ ГОРМОНАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЙ У ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ

Ризаев Жасур Алимджанович, Хамроева Лола Кахоровна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

IMPROVING ALGORITHMS FOR THE CORRECTION AND PREVENTION OF HORMONAL DISORDERS IN ADOLESCENT GIRLS

Rizayev Jasur Alimdjanovich, Khamroyeva Lola Kakhorovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Мақсад: ўсмир қизларда гормонал бузилишларни клиник хусусиятларга мос равишда дифференциал коррекциялаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва профилактик тадбирлар тизимини такомиллаштириш. Материал ва усуллар: ҳайз функцияси бузилган 15–19 ёшли 535 нафар ўсмир қизда етакчи синдром ва ҳамроҳ клиник белгилар асосида дифференциал даволаш (комбинацияланган орал контрацептивлар, гестагенлар, вегетокоррекцияловчи ва ноотроп воситалар) ўтказилди, самарадорлик 6 ойлик кузатув якунида баҳоланди. Натижалар: 6 ойдан сўнг 501 нафар (93,6%) беморда мунтазам ҳайз цикли тикланди, давомни тугатган 508 нафар бемор орасида бу кўрсаткич 98,6% ни ташкил этди. 7 нафар (1,3%) беморда барқарор самара кузатилмади, 27 нафар (5,0%) қиз даволашни давом эттирмади. Хавф гуруҳларини эрта аниқлашнинг босқичма-босқич алгоритми ва шифокорлар ҳамда талабалар учун таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Хулоса: гиперандрогения, метаболик ўзгаришлар ва эндометрий ҳолатини ҳисобга олган дифференциал гормонал терапия ўсмир қизларда ҳайз функцияси бузилишларини самарали коррекциялайди, хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритми эса профилактика самарадорлигини оширади.*

Калит сўзлар: *ўсмир қизлар, гормонал коррекция, комбинацияланган орал контрацептивлар, профилактика, хавф гуруҳлари, таълим дастурлари.*

Abstract. *Aim: to develop an algorithm for differentiated correction of hormonal disorders in adolescent girls according to their clinical features and to improve the system of preventive measures. Materials and methods: 535 girls aged 15–19 years with menstrual dysfunction received differentiated treatment (combined oral contraceptives, progestogens, vegetative-corrective and nootropic agents) chosen according to the leading syndrome and accompanying clinical signs; efficacy was assessed after 6 months of follow-up. Results: after 6 months, a regular menstrual cycle was restored in 501 (93.6%) patients, or in 98.6% of the 508 patients who completed treatment. No stable effect was achieved in 7 (1.3%) patients, and 27 (5.0%) girls discontinued treatment. A stepwise algorithm for early identification of risk groups and educational programmes for physicians and students were developed. Conclusion: differentiated hormonal therapy that takes into account hyperandrogenism, metabolic changes and endometrial status effectively corrects menstrual dysfunction in adolescent girls, and the algorithm for early identification of risk groups improves the effectiveness of prevention.*

Keywords: *adolescent girls, hormonal correction, combined oral contraceptives, prevention, risk groups, educational programmes.*

Ўсмирлик даврида ҳайз функциясининг бузилиши репродуктив тизим етилишининг мураккаб нейроэндокрин механизмлари билан боғлиқ бўлиб, клиник кечиши ва этиологик омиллари жиҳатидан бир хил эмас. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва индивидуал коррекциялаш узоқ муддатли репродуктив саломатликни сақлаш нуқтаи назаридан муҳим

аҳамиятга эга. Даволаш тактикасини фақат ҳайз цикли хусусиятига қараб эмас, балки гормонал, метаболик ва клиник белгилар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда танлаш зарур [5]. Бирламчи дисменореяни даволашда комбинацияланган орал контрацептивларнинг (КОК) самарадорлиги рандомизацияланган тадқиқотлар ва тизимли шарҳларда исботланган [4, 6]. Шу сабабли дифференциал терапия билан бир қаторда хавф гуруҳларини эрта аниқлаш, кузатув ва профилактик таълимни ягона алгоритм доирасида ташкил этиш амалий гинекология учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиги жамият демографик салоҳиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 10–19 ёшли ўсмирлар дунё аҳолисининг қарийб олтидан бир қисмини ташкил этади, уларнинг саломатлиги эса кейинги авлодлар саломатлигини белгиловчи омил сифатида қаралади. Ўзбекистонда аҳоли таркибида ўсмир ва ёшлар улуши юқори бўлиб, қизларнинг репродуктив тизими шаклланиш даврида юзага келадиган бузилишларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор вазифалари қаторига киради. Ўсмирларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билимларини баҳолаш профилактик таълим дастурларини уларнинг ёш хусусиятларига мослаштириб ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади [7].

Ҳайз функцияси бузилишлари ўсмирлик давридаги гинекологик касалланиш таркибида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва кўпинча бир неча клиник белгиларнинг бирикуви кўринишида кечади. Алгодисменорея, ҳайз олди синдроми, ҳайз ритми ва ҳажмининг бузилишлари ҳамда гиперандроген дермопатия белгилари қизларнинг кундалик фаоллиги, ўқиш самарадорлиги ва руҳий-эмоционал ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатлар кўп ҳолларда шифокорга кечикиб мурожаат қилиш ва ўз-ўзини даволаш билан бирга кечиши ташхис ва коррекциянинг ўз вақтида амалга оширилишини қийинлаштиради.

Менархедан кейинги дастлабки йилларда гипоталамус–гипофиз–тухумдон тизимининг ўзаро бошқарув механизмлари ҳали тўлиқ барқарорлашмаган бўлади. Гонадотропин-рилизинг гормон секрециясининг импульсли ритми, гипофизнинг гонадотроп фаоллиги ва тухумдонлардаги фолликулогенез жараёнлари ташқи таъсирларга, жумладан руҳий-эмоционал зўриқиш, нотўғри овқатланиш, тана вазнининг кескин ўзгариши, ортиқча жисмоний юкламалар ва сурункали инфекция ўчоқларига юқори даражада сезгир бўлади. Натижада ановулятор цикллар, лютеин фазаси етишмовчилиги, нисбий гиперэстрогения ёки гиперандрогения шаклланиб, клиник жиҳатдан алгодисменорея, ҳайз олди синдроми, ҳайз циклининг ритми ва ҳажми бузилишлари, акне ва себорея кўринишида намоён бўлади. Жисмоний юкламаларга мослашув даражасини ҳисобга олган ҳолда қиз болалар ва қизларни диспансер кузатувидан ўтказиш учун махсус тиббий шакл ишлаб чиқилгани ҳам бу омилларни мунтазам баҳолаш заруратини тасдиқлайди [8].

Ўсмирлик давридаги гормонал бузилишларни коррекциялашда комбинацияланган орал контрацептивлар (КОК) фақат контрацепция воситаси сифатида эмас, балки гипоталамус–гипофиз–тухумдон ўқига модуляцияловчи таъсир кўрсатувчи, ҳайз циклини назорат қилувчи ва андроген таъсирларни камайтирувчи терапевтик восита сифатида кенг қўлланилади [2, 3]. Замонавий микродозаланган препаратларда этинилэстрадиол миқдорининг камайтирилиши ва янги авлод гестагенларининг қўлланилиши уларнинг метаболик хавфсизлигини оширган [2]. Ёшлар орасида контрацепция масалалари ва репродуктив хулқ-атвор хусусиятлари ҳам гормонал препаратларни танлашда эътиборга олинадиган омил ҳисобланади [1]. Гестаген компонентнинг танланиши даволаш натижасини белгиловчи асосий омиллардан биридир: дроспиренон антиминералокортикоид ва антиандроген хусусиятлари туфайли гиперандрогения ва ҳайз олди синдромида, дезогестрел ва гестоден эса юқори прогестаген фаоллиги ҳисобига эндометрийда пролифератив жараёнлар ва кўп миқдорда қон кетиш билан кечадиган ҳолатларда афзал ҳисобланади [2, 5].

Кейинги йилларда аёллар саломатлигини сақлашда предиктив, профилактик ва персонализацияланган тиббиёт тамойилларига асосланган ёндашув фаол ривожланмоқда. Бу ёндашувда аёл организмининг энергетик ва метаболик ҳолати, жумладан митохондриал функция кўрсаткичлари, хавфни эрта аниқлаш ва индивидуал профилактика чораларини белгилашнинг асоси сифатида қаралади [9]. Гормонал терапияни буюришда клиник кўрсатмалар билан бир қаторда ижтимоий-касбий омилларни ҳам ҳисобга олиш зарурлиги менопаузал гормонал терапия мисолида кўрсатиб берилган [10]. Метаболик, яллиғланиш ва оксидатив стресс маркерларини коррекциялаш имкониятлари [11], семизлиги бўлган болаларда профилактик дастурларнинг клиник самарадорлиги [12] ҳамда ўсмир ва ёшларда иккиламчи иммунодефицит ҳолатларини профилактика ва коррекциялаш тажрибаси [13] гормонал-метаболик бузилишларни бартараф этишда комплекс ёндашув зарурлигини асослайди.

Ўсмирлик даврида аниқланган эндокрин ва гинекологик бузилишлар кейинчалик ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари хавфини оширувчи фон ҳолатлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Туғруқдан кейинги қон кетишлар профилактикаси бўйича кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш [15], ҳомиладор аёлларда пародонт тўқималари касалликларининг клиник манзарасини ўрганиш [16] ҳамда витамин D нинг профилактик аҳамиятини баҳолаш [14] репродуктив саломатликни ҳаёт давомийлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш заруратини тасдиқлайди. Ҳайз функцияси бузилишларини ўсмирлик даврида ўз вақтида коррекциялаш келгусида репродуктив йўқотишларнинг олдини олишнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: ўсмир қизларда гормонал бузилишларни клиник хусусиятларга мос равишда дифференциал коррекциялаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва профилактик тадбирлар тизимини такомиллаштириш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети 2-сон акушерлик ва гинекология кафедрасининг клиник базасида ўтказилди. Ҳайз функцияси бузилиши аниқланган 535 нафар ўсмир қизда индивидуал клиник кўрсаткичлар асосида дифференциал даволаш амалга оширилди. Терапия самарадорлиги олти ойлик кузатув якунида баҳоланди.

Тадқиқотга 15–19 ёшдаги, менархедан кейин камида икки йил ўтган, ҳайз функцияси бузилиши тасдиқланган, текширув бошланишидан олдин гормонал препаратлар қабул қилмаган ҳамда органик гинекологик патологияси истисно этилган ўсмир қизлар жалб қилинди. Тана вазни индекси (ТВИ) клиник-метаболик ҳолатни тавсифловчи алоҳида кўрсаткич сифатида баҳоланди.

Даволаш мажмуи клиник кўрсатмаларга мувофиқ комбинацияланган орал контрацептивлар, гестагенлар ҳамда ёрдамчи вегетокоррекцияловчи, ноотроп ва антиоксидант воситаларни ўз ичига олди. Препарат танлашда етакчи синдром ва ҳамроҳ клиник белгилар ҳисобга олинди (1-жадвал). Даволаш самарадорлиги ҳайз циклининг тикланиши, оғриқ синдроми, кайфият ўзгаришлари, акне ва себорея каби клиник белгилар динамикаси асосида баҳоланди.

Барча иштирокчиларда текширув ягона дастур асосида ўтказилди. Анамнестик маълумотлар йиғишда менархе ёши, ҳайз циклининг давомийлиги ва мунтазамлиги, ҳайз кўриш кунлари сони ва қон йўқотиш ҳажми, оғриқ синдромининг жадаллиги, ҳайз олди даврдаги руҳий-эмоционал ва вегетатив белгилар, ўтказилган ва сурункали соматик касалликлар, овқатланиш тартиби, жисмоний фаоллик ҳамда оилавий анамнездаги эндокрин касалликлар ҳисобга олинди.

Объектив текширув антропометрик ўлчовлар (бўй, тана вазни, ТВИ), тери ва унинг ҳосилалари ҳолатини баҳолаш, гиперандроген дермопатия белгилари (акне, себорея, гирсутизм) ва сут безларини кўздан кечиришни ўз ичига олди. Кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текширувида бачадон ўлчамлари, эндометрий қалинлиги ва тузилиши, тухумдонлар ҳажми ҳамда фолликуляр аппарат ҳолати баҳоланди. Гормонал текширув ФСГ, ЛГ, ТТГ ва тестостерон даражасини аниқлашни қамраб олди.

Етакчи клиник синдромга кўра беморлар бирламчи алгодисменорея, гиперандрогения, гиперполименорея, эндометрийда пролифератив ўзгаришлар ва мастопатия, ҳайз олди синдроми ҳамда метаболик бузилишлар билан кечувчи клиник вариантларга ажратилди. Ҳар бир вариант учун препаратнинг таркиби, дозаси ва қабул қилиш режими 1-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ танланди. КОК буюришдан олдин ҳар бир беморда уларни қўллашга қарши кўрсатмалар истисно этилди, қиз ва унинг ота-онаси (қонуний вакиллари) билан даволашнинг мақсади, давомийлиги ва эҳтимолий ножўя таъсирлари муҳокама қилинди.

Даволаш самарадорлиги даволаш жараёнида ва 6 ойлик кузатув якунида баҳоланди. Асосий мезон сифатида мунтазам ҳайз циклининг тикланиши қабул қилинди, қўшимча мезонлар сифатида оғриқ синдроми жадаллигининг камайиши, ҳайз олди даврдаги руҳий-эмоционал белгиларнинг юмшаши, акне ва себорея кўринишларининг регрессияси, препаратларнинг кўтара олиниши ва даволашга риоя қилиш даражаси ҳисобга олинди. Самарадорлик кўрсаткичлари икки хил махражда – тадқиқотга киритилган барча беморлар (n=535) ва даволаш курсини тўлиқ якунлаганлар (n=508) бўйича ҳисобланди.

Натижалар. Даволаш тактикаси аниқланган клиник ва гормонал ўзгаришларни индивидуал тарзда коррекциялаш тамойилига асосланди. Тухумдонларнинг поликистоз трансформацияси ривожланишининг олдини олиш мақсадида этинилэстрадиол 20 мкг ва дроспиренон 3 мг тутган эстроген-гестаген препарати 24+4 режимида 6 ой давомида буюрилди. Вегетокоррекция учун α-дигидроэргокриптин мезилати 4 мг ва кофеин 40 мг тутган комбинацияланган препарат (вазобрал) 1 ой давомида перорал қўлланилди. Стресс таъсирига чидамлиликни ошириш учун ноотроп ва антиоксидант таъсирга эга бош мия пўстлоғи полипептидлари (кортексин) 10 мг дан кунига 1 марта мушак орасига 10 кун давомида юборилди.

Олти ойлик кузатув якунида 501 нафар (93,6%) беморда мунтазам ҳайз цикли тикланди (2-жадвал). 27 нафар (5,0%) қиз даволашни давом эттирмади ва назорат кўригига келмади. 7 нафар (1,3%) беморда барқарор клиник самара кузатилмади, бу ҳолатларда қўшимча текширув ва ихтисослаштирилган гинеколог-эндокринолог маслаҳати тавсия этилди. Даволашни тугатган 508 нафар бемор орасида мунтазам ҳайз цикли 98,6% ҳолатда тикланди.

Клиник вариантлар бўйича даволаш тактикасининг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган. Бирламчи алгодисменореяда, гормонал бузилишларнинг бошқа белгилари бўлмаган ҳолатларда, даволаш микродозаланган КОК ёки ностероид яллиғланишга қарши воситаларни 3 ой давомида қўллашдан бошланди. Бу ёндашув простагландинлар синтезини камайтириш ва овуляцияни вақтинча бостириш орқали оғриқ синдромини бартараф этишга қаратилди [4, 6].

Алгодисменорея гиперандрогения белгилари билан бирга кечганда дроспиренон 3 мг ва этинилэстрадиол 20 мкг тутган препарат танланди. Дроспиренонниng антиандроген таъсири андроген рецепторларини блоклаш ва тухумдонларда андрогенлар синтезини камайтириш, этинилэстрадиол эса жинсий гормонларни боғловчи глобулин синтезини ошириш ҳисобига эркин тестостерон улушини пасайтиради [5]. Гиперполименорея билан кечувчи ҳолатларда дезогестрел 150 мкг ва этинилэстрадиол 30 мкг тутган препаратнинг танланиши кучли прогестаген таъсир ҳисобига эндометрийнинг секретор трансформацияси ва ҳайз вақтидаги қон йўқотиш ҳажмининг камайишига асосланди. Эндометрий гиперплазияси ва мастопатия белгилари қайд этилганда гестоден 75 мкг ва этинилэстрадиол 30 мкг тутган препарат буюрилди.

Ҳайз олди синдромида дроспиренон тутган препаратнинг танланиши унинг антиминералокортикоид фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, суюқлик ушланиши, шиш, сут безларининг таранглашиши ва кайфият ўзгаришлари каби белгиларни камайтиришга хизмат қилди. Метаболик бузилишлар фонида кечувчи ҳолатларда гестоден ёки дроспиренон тутган препаратлар, гиперандрогения ва ҳайз ритми бузилишлари бирга кечганда эса гестаген препаратлари (дезогестрел ёки дроспиренон) қўлланилди.

Ёрдамчи терапия вегетатив дисфункция ва стрессга мослашувнинг бузилиши белгилари бўлган беморларга буюрилди. Вазобрал таркибидаги α-дигидроэргокриптин дофаминергик таъсири ҳисобига гипофизнинг пролактин секрециясини бошқаришда иштирок этади, кофеин эса марказий асаб тизими фаоллигини оширади. Кортексин таркибидаги паст молекуляр полипептидлар нейропротектор ва антиоксидант таъсир кўрсатиб, гипоталамус тузилмаларининг стресс омилларига чидамлилигини оширишга хизмат қилади. Гормонал терапия шу тариқа марказий бошқарув механизмларига йўналтирилган воситалар билан тўлдирилди.

2-жадвал маълумотларига кўра, даволашга жавоб бермаслик ҳолатлари бор-йўғи 7 нафар беморда (тўлиқ даволанганларнинг 1,4%) қайд этилди. Бу кўрсаткич клиник вариантга мос равишда препарат танлаш тамойилининг юқори самарадорлигини тасдиқлайди. Даволашни давом эттирмаган 27 нафар (5,0%) қизнинг мавжудлиги ўсмирлар орасида даволашга риоя қилиш (комплаенс) муаммосини акс эттиради ва ўсмир ҳамда унинг оиласи билан тушунтириш ишларини кучайтириш заруратини кўрсатади. Барқарор самара кузатилмаган беморларда ҳайз функцияси бузилишининг органик ёки марказий генезини истисно этиш учун чуқурлаштирилган текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритми. Эндокрин генезли гинекологик бузилишлар хавфини эрта аниқлаш учун анамнестик маълумотлар, антропометрик кўрсаткичлар, клиник белгилар, ультратовуш ва лаборатор натижаларни изчил баҳолашга асосланган босқичма-босқич алгоритм шакллантирилди (3-жадвал). Ушбу ёндашув хавф даражасини аниқлаш ва кейинги кузатув тактикасини индивидуаллаштиришга хизмат қилади.

Алгоритмнинг биринчи босқичи ҳар йилги режали тиббий кўрикни ташкил этишга қаратилган бўлиб, унда кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви скрининг усули сифатида қўлланилади. Бу босқич таълим муассасалари ва оилавий поликлиникалар даражасида амалга оширилиши мумкин, унинг асосий мақсади клиник белгилари ҳали намоён бўлмаган ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

Иккинчи босқичда хавф гуруҳига ажратиш мезонлари қўлланилади. ТВИнинг меъёрдан четланиши (тана вазни танқислиги ёки ортиқча тана вазни), сурункали инфекция ўчоқларининг мавжудлиги, ҳайз кўришнинг ёш меъёрларига нисбатан кечикиб бошланиши ва алгодисменорея эндокрин генезли гинекологик бузилишлар ривожланишининг клиник предикторлари сифатида баҳоланади. Мезонлар аниқланган қизлар кейинги босқичларда чуқурлаштирилган текширувга йўналтирилади.

Учинчи босқич инфекция ўчоқларини санация қилиш ва турдош мутахассислар маслаҳатини ташкил этишни назарда тутади.

Сурункали тонзиллит, кариес ва пародонт касалликлари, ошқозон-ичак тракти ва сийдик йўллари инфекциялари гипоталамус–гипофиз тизимига доимий антиген ва интоксикацион таъсир кўрсатиб, ҳайз функцияси бузилишларининг сақланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. ЛОР-шифокор, стоматолог, терапевт, жарроҳ ва эндокринолог иштирокидаги кўп тармоқли ёндашув шу сабабли алгоритмнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тўртинчи босқичда лаборатор текширувлар ўтказилади: ФСГ, ЛГ, ТТГ ва тестостерон даражасини аниқлаш гипоталамус–гипофиз–тухумдон ўқи ва қалқонсимон без функциясини баҳолаш, гиперандрогения ва гипотиреоз каби ҳолатларни эрта аниқлаш имконини беради. Лаборатор кўрсаткичларни клиник ва ультратовуш маълумотлари билан солиштириш ташхиснинг аниқлигини оширади.

Бешинчи, якуний босқичда барча маълумотлар умумлаштирилиб, якуний ташхис қўйилади ва кейинги тактика – динамик кузатув, ҳаёт тарзини коррекциялаш ёки 1-жадвалда келтирилган схемага мувофиқ дифференциал гормонал терапия белгиланади. Алгоритмнинг босқичма-босқич тузилиши бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўғинида ресурслардан оқилона фойдаланиш ва беморни ихтисослаштирилган ёрдамга йўналтиришни асослаш имконини беради.

Таълим дастурлари. Профилактика самарадорлигини ошириш мақсадида икки йўналишда таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Шифокорлар учун бирламчи бўғин шифокорлари ва мактаб соғлиқни сақлаш ходимларига мўлжалланган ўқув дастурлари ҳамда эндокрин генезли гинекологик касалликлар хавф гуруҳини аниқлаш бўйича дастурлар тайёрланди. Талабалар учун ўқув дастурига ўсмирларда хавф гуруҳини ҳамда эндокрин ва гинекологик касалликларни аниқлаш бўйича машғулотлар цикли киритилди.

Жадвал 1. Ўсмир қизларда эндокринопатия кўринишларини бартараф этиш учун қўлланилган гормонал препаратлар

№	Гормонал бузилиш тури	Гормонал коррекция учун препаратлар
1	Бирламчи алгодисменорея	Микродозаланган КОК ёки НЯҚВ (3 ой)
2	Алгодисменорея + гиперандрогения	Дроспиренон 3 мг + этинилэстрадиол 20 мкг
3	Алгодисменорея + гиперполименорея	Дезогестрел 150 мкг + этинилэстрадиол 30 мкг
4	Алгодисменорея + эндометрий гиперплазияси, мастопатия	Гестоден 75 мкг + этинилэстрадиол 30 мкг
5	НМС + метаболик бузилишлар	Гестоден 75 мкг ёки дроспиренон 3 мг
6	НМС + гиперандрогения	Дезогестрел 150 мкг ёки дроспиренон 3 мг
7	Ҳайз олди синдроми	Дроспиренон 3 мг
8	Гиперандрогения + агломенорея	Гестагенлар: дезогестрел 150 мкг ёки дроспиренон 3 мг

Изоҳ: КОК – комбинацияланган орал контрацептивлар; НЯҚВ – ностероид яллиғланишга қарши воситалар.

Жадвал 2. Олти ойлик коррекциядан кейинги натижалар

Натижа	Абс.	% (n=535)	% (n=508)
Мунтазам ҳайз циклининг тикланиши	501	93,6	98,6
Барқарор самаранинг йўқлиги	7	1,3	1,4
Даволашдан бош тортиш	27	5,0	–

Изоҳ: n=508 – даволаш курсини тўлиқ якунлаган беморлар.

Жадвал 3. Эндокрин генезли гинекологик бузилишлар хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритми

Босқич	Мазмуни
1	Ҳар йилги режали тиббий кўрик, жумладан кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви
2	Хавф гуруҳини аниқлаш мезонлари: ТВИнинг патологик кўрсаткичи, инфекция ўчоқларининг мавжудлиги, ҳайз кўришнинг ўз вақтида бошланмаслиги, алгодисменорея
3	Инфекция ўчоқларини санация қилиш; ЛОР-шифокор, стоматолог, терапевт, жарроҳ ва эндокринолог маслаҳати
4	Лаборатор текширув: ФСГ, ЛГ, ТТГ, тестостерон
5	Якуний ташхис ва кейинги тактикани белгилаш

Изоҳ: ТВИ – тана вазни индекси; ФСГ – фолликулостимулловчи гормон; ЛГ – лютеинловчи гормон; ТТГ – тиреотроп гормон.

Шифокорлар учун мўлжалланган дастурлар ўсмирлик даврида репродуктив тизимнинг физиологик хусусиятлари, ҳайз функцияси бузилишларининг клиник шакллари ва хавф омиллари, хавф гуруҳларини шакллантириш мезонлари, гормонал препаратларни танлаш тамойиллари ҳамда ўсмир ва унинг оила аъзолари билан мулоқот қилиш кўникмаларини қамраб олди. Мактаб тиббиёт ходимлари учун асосий эътибор ҳайз календарини юритиш, тана вазни индексини баҳолаш ва хавф белгилари аниқланган қизларни ўз вақтида мутахассисга йўналтиришга қаратилди.

Талабалар учун машғулотлар циклида назарий билимлар клиник ҳолатларни таҳлил қилиш, хавф омилларини аниқлаш бўйича амалий топшириқлар ва алгоритмни қўллаш бўйича вазиятли масалалар билан уйғунлаштирилди. Таълим дастурларини амалиётга жорий этиш бирламчи бўғин шифокорлари ва бўлажак мутахассисларнинг ўсмирлар билан профилактик ишни ташкил этишга тайёргарлигини оширади, бу эса соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва профилактик хулқ-атворни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга [7, 8].

Муҳокама. Тадқиқот натижалари дифференциал гормонал терапия ўсмир қизларда ҳайз функцияси бузилишларини самарали коррекциялаш имконини беришини кўрсатди: 6 ойдан сўнг 93,6% беморда мунтазам ҳайз цикли тикланди.

КОК танлашда гиперандрогения, метаболик бузилишлар, эндометрий гиперплазияси ва бошқа клиник кўринишлар ҳисобга олинди, бу ҳар бир беморга индивидуал ёндашувни таъминлади. Гиперандрогенияда антиандроген таъсирга эга гестаген компонентли препаратларни танлаш мақсадга мувофиқлиги адабиётларда ҳам таъкидланади [5].

Хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритми ва таълим дастурлари профилактика самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Олинган натижалар хорижий тадқиқотлар маълумотларига мос келади. Хусусан, R. Dmitrovic ва ҳаммуаллифлар (2012) рандомизацияланган тадқиқотда КОКларнинг бирламчи дисменореяни даволашдаги самарадорлигини тасдиқлаган [4], Cochrane тизимли шарҳида ҳам КОКларнинг дисменореядаги самараси қайд этилган [6].

Олинган натижаларни таҳлил қилишда даволаш самарадорлигини икки хил махражда баҳолашнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиш лозим. Тадқиқотга киритилган барча беморлар бўйича ҳисобланган кўрсаткич (93,6%) амалий шароитдаги реал самарадорликни, даволашни тўлиқ якунлаган беморлар бўйича кўрсаткич (98,6%) эса тавсия этилган схемага риоя қилинганда эришиладиган потенциал самарадорликни акс эттиради. Икки кўрсаткич орасидаги фарқ асосан даволашни тўхтатган беморлар ҳисобига юзага келган бўлиб, ўсмирларда даволашга риоя қилишни ошириш захираси мавжудлигини кўрсатади.

КОКларни ўсмир қизларда қўллашнинг ёшга хос жиҳатлари адабиётларда батафсил муҳокама қилинган бўлиб, микродозаланган препаратлар ўсмирлик даврида энг мақбул восита сифатида тавсия этилади [2]. Самарали ва хавфсиз гормонал воситани танлаш нафақат терапевтик мақсадга, балки беморнинг репродуктив режалари ва ҳаёт тарзига ҳам боғлиқ [3]. Ёшлар орасида шошилинч контрацепция воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари репродуктив саломатлик бўйича маслаҳат ва таълим тизимини кучайтириш заруратини кўрсатади [1]. Тадқиқотимизда гестаген компонентни етакчи синдромга мос равишда танлаш ҳайз функциясини тиклаш билан бир қаторда гиперандроген белгилар, ҳайз олди синдроми ва оғриқ синдромини бартараф этишга қаратилди.

Хорижий маълумотлар ҳам КОКларнинг бирламчи дисменореядаги самарадорлигини тасдиқлайди. Рандомизацияланган тадқиқотда КОКларни узлуксиз режимда қўллаш циклик режимга нисбатан оғриқ синдромининг тезроқ камайишини таъминлагани кўрсатилган [4]. Cochrane тизимли шарҳида КОКлар плацебога нисбатан ҳайз вақтидаги оғриқни ишончли камайтириши қайд этилган, шу билан бирга турли препаратлар ва режимларни солиштирувчи тадқиқотлар сонининг чекланганлиги таъкидланган [6]. Тадқиқотимизда қўлланилган 24+4 режими гормонсиз интервалнинг қисқартирилиши ҳисобига тухумдонлар фаоллигини самаралироқ бостиради ва гормонал тебранишлар билан боғлиқ белгиларни камайтиради, бу эса ушбу адабиёт маълумотларига мос келади.

Гиперандрогения белгилари бўлган қизларда гормонал профил хусусиятларини баҳолаш ва уларни жисмоний юкламалар билан боғлиқ омиллар билан солиштириш муҳим аҳамиятга эга. Спорт билан шуғулланувчи қиз ва аёлларни диспансер кузатуви учун ишлаб чиқилган тиббий шакл гормонал ҳолатни жисмоний юкламаларга мослашув даражаси билан бирга баҳолашни назарда тутади [8]. Бизнинг алгоритмимизда ҳам ТВИ, ҳайз анамнези ва гормонал кўрсаткичларни биргаликда таҳлил қилиш хавф гуруҳларини шакллантиришнинг асосий тамойили сифатида қабул қилинди.

Аёллар саломатлигини сақлашда предиктив ва персонализацияланган ёндашувни ривожлантириш истиқболлари ҳужайра энергетикаси ва метаболик ҳолатни комплекс баҳолаш билан боғлиқ [9]. Бу тамойил ўсмир

қизлар учун ҳам аҳамиятлидир: метаболик бузилишлар, тана вазнининг меъёрдан четланиши ва сурункали яллиғланиш ўчоқлари гормонал бузилишларнинг сақланиб қолишига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Метаболик, яллиғланиш ва оксидатив стресс маркерларини коррекциялаш имкониятлари [11] ҳамда семизлиги бўлган болаларда профилактик дастурларнинг самарадорлиги [12] ҳақидаги маълумотлар гормонал терапияни ҳаёт тарзини коррекциялаш ва ҳамроҳ касалликларни даволаш билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Даволаш мажмуасига вегетокоррекцияловчи ва ноотроп воситаларнинг киритилиши ўсмирлик даврида ҳайз функцияси бузилишларининг шаклланишида марказий бошқарув механизмларининг ролини ҳисобга олишга асосланди. Руҳий-эмоционал зўриқиш, ўқув юкламаларининг ортиши ва кун тартибининг бузилиши гипоталамус тузилмаларининг функционал ҳолатига таъсир этиб, гонадотроп функциянинг беқарорлигини кучайтиради. Гормонал терапияни марказий асаб тизимининг мослашув имкониятларини оширувчи воситалар билан уйғунлаштириш ҳайз функциясининг тикланишини тезлаштириш ва натижанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

Алгоритмнинг учинчи босқичида инфекция ўчоқларини санация қилишга эътибор қаратилиши организмнинг иммун реактивлигини тиклаш заруратидан келиб чиқади. Ўсмир ва ёшларда иккиламчи иммунодефицит ҳолатларини профилактика ва коррекциялаш бўйича тадқиқотлар [13], витамин D нинг профилактик аҳамиятига оид маълумотлар [14] ҳамда ҳомиладорларда пародонт тўқималари ҳолатини баҳолаш натижалари [16] соматик ва стоматологик саломатликни репродуктив саломатлик билан узвий боғлиқликда кўриб чиқиш лозимлигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқилган алгоритмнинг афзаллиги унинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, мактаб тиббиёт хизмати ва ихтисослаштирилган гинекологик ёрдам ўртасидаги ворисийликни таъминлашидадир. Режали тиббий кўрикдан бошланувчи босқичма-босқич ёндашув хавф гуруҳидаги қизларни эрта аниқлаш, турдош мутахассислар иштирокида соматик омилларни бартараф этиш ва фақат кўрсатма мавжуд бўлганда гормонал терапияни буюриш имконини беради. Бу ёндашув асоссиз гормонал даволашнинг олдини олади ва соғлиқни сақлаш ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсмирлик даврида гормонал бузилишларни коррекциялаш орқали келгусида репродуктив ёшдаги аёллар орасида акушерлик асоратлари хавфини камайтириш имконияти билан белгиланади. Туғруқдан кейинги қон кетишларни профилактика қилиш бўйича тиббий хизмат сифатини мониторинг қилиш тажрибаси [15] репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўсмирлик давридан бошлаб узлуксиз ташкил этилиши кераклигини кўрсатади. Гормонал терапияни танлашда клиник ва ижтимоий омилларни биргаликда баҳолаш тамойили [10] ўсмир қизлар учун ҳам долзарб бўлиб, даволашга риоя қилишни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг чекланишлари сифатида кузатув муддатининг 6 ой билан чегараланганлиги ва даволаш тугатилгандан кейинги узоқ муддатли натижалар баҳоланмаганлигини кўрсатиш мумкин. Келгусида гормонал терапия тўхтатилгандан сўнг ҳайз функциясининг барқарорлигини ва хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритмининг популяция даражасидаги самарадорлигини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса. Ўсмир қизларда ҳайз функцияси бузилишларини дифференциал гормонал терапия билан коррекциялаш 93,6% ҳолатда самарали бўлди.

КОК танлашда гиперандрогения, метаболик бузилишлар, эндометрий гиперплазияси ва бошқа клиник кўринишларни ҳисобга олиш зарур.

Хавф гуруҳларини эрта аниқлаш алгоритми ва таълим дастурлари профилактика самарадорлигини оширади.

Патогенетик терапия натижалари ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Аганезов С.С., Мороцкая А.В., Аганезова Н.В. Экстренная контрацепция в молодежной среде // Гинекология. 2016;18(5):10–13.
2. Хамошина М.Б., Кайгородова Л.А., Несвяченая Л.А. Возрастные аспекты комбинированной оральной контрацепции // Медицинский научно-популярный рекламный журнал. 2015;2(10):10–12.
3. Якушевская О.В., Ревазова З.В. Эффективная контрацепция в современных условиях // РМЖ. 2013;(23):1122–1123.
4. Dmitrovic R., Kunselman A.R., Legro R.S. Continuous compared with cyclic oral contraceptives for the treatment of primary dysmenorrhea: a randomized controlled trial // Obstet Gynecol. 2012;119(6):1143–1150. doi: 10.1097/AOG.0b013e318257217a. PMID: 22617578.
5. Stute P., von Wolff M. Androgenisierung // Gynäkologische Endokrinologie. 2012;10(4):265–280. doi: 10.1007/s10304-012-0512-8.
6. Wong C.L., Farquhar C., Roberts H., Proctor M. Oral contraceptive pill for primary dysmenorrhoea // Cochrane Database Syst Rev. 2009;(4):CD002120.

doi: 10.1002/14651858.CD002120.pub3. PMID: 19821293.
7. Rizaev J.A., Aghababyan L.R., Abdullaeva L.M., Abdusamatova B.E. What Do Teenagers Know About a Healthy Lifestyle? // Journal of Advanced Zoology. 2023;44(S6):1438–1448. doi: 10.17762/jaz.v44iS6.2495. URL: https://www.researchgate.net/publication/376464509_What_Do_Teenagers_Know_About_a_Healthy_Lifestyle
8. Джамалутдинова И.Ш., Ризаев Ж.А. Разработка медицинской формы для диспансеризации девочек и девушек, занимающихся спортом, с учетом уровня адаптации к физическим нагрузкам // Проблемы биологии и медицины. 2025;3.1(162):51–55. URL: https://www.sammu.uz/ru/article/4775
9. Pesta M., Goncharenko V., Kulda V., Polivka J., …, Rizaev J., et al. Innovative mitochondria-based holistic 3PM approach to female health status: Facts and outlook // EPMA Journal. 2026;17(1):1–19. doi: https://doi.org/10.1007/s13167-026-00438-7
10.Khalmuratova K.Zh., Rizaev J.A., Agababyan L.R. Socio-professional factors and clinical determinants of menopausal hormone therapy prescription in peri- and postmenopausal women: An observational study // Репродуктивная медицина (Центральная Азия). 2026;(2):239–246. doi: https://doi.org/10.37800/rm.2.2026.773
11.Saadh M.J., Ghnim Z.S., Mahdi M.S., Baldaniya L., …, Rizaev J., et al. The effect of omega-3 supplementation on metabolic, inflammatory and oxidative stress biomarkers in pregnant women: a systematic review and meta-analysis // Frontiers in Nutrition. 2025;12:1639906. doi: 10.3389/fnut.2025.1639906. URL: https://www.frontiersin.org/articles/10.3389/fnut.2025.1639906/full
12.Belenova I.A., Mitronin A.V., Rizaev J.A., Kazaryan D.G., et al. Results of clinical efficacy of prevention of inflammatory periodontal diseases in children with obesity // Endodontics Today. 2026;24(2):322–329. doi: 10.36377/ET-0195. URL: https://www.endodont.ru/jour/article/download/1785/1162
13.Ярмухамедова Н.А., Ризаев Ж.А. Экспериментально-методологическое исследование профилактики и коррекции вторичных иммунодефицитов у футболистов подростково-юношеского возраста // Проблемы биологии и медицины. 2023;6(150):328–333. URL: https://www.sammu.uz/en/article/3604
14.Ризаев Ж.А., Имамов О.С., Абдувахитова И.Н. Витамин D в профилактике рецидивов герпес ассоциированной многоформной экссудативной эритемы // Проблемы биологии и медицины. 2024;4(155):420–423. URL: https://www.sammu.uz/en/article/4152
15.Rizayev J.A., Agababyan L.R., Kamalov A.I. Ayollarda tug'ruqdan keyingi qon ketishlarni oldini olish va ularga qarshi kurashish bo'yicha ko'rsatilayotgan xizmatlar sifatining monitoringini tashkil etish // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences. 2021;1(10):166–178. URL: https://oriens.uz/media/journalarticles/19_Jasur_Rizayev_Alimjanovich_166-178.pdf
16.Rizaev J.A., Vohidov E.R., Nazarova N.Sh. The importance of the clinical picture and development of the condition of periodont tissue diseases in pregnant women // Central Asian Journal of Medicine. 2024;(2):85–90. URL: https://journals.tma.uz/index.php/cajm/article/view/834

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АЛГОРИТМОВ КОРРЕКЦИИ И ПРОФИЛАКТИКИ ГОРМОНАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЙ У ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ

Ризаев Ж.А., Хамроева Л.К.

Резюме. *Цель: разработать алгоритм дифференцированной коррекции гормональных нарушений у девочек-подростков с учетом клинических особенностей и усовершенствовать систему профилактических мероприятий. Материал и методы: 535 девочкам 15–19 лет с нарушениями менструальной функции проведено дифференцированное лечение (комбинированные оральные контрацептивы, гестагены, вегетокорригирующие и ноотропные средства) с учетом ведущего синдрома и сопутствующих клинических признаков, эффективность оценена по итогам 6-месячного наблюдения. Результаты: через 6 месяцев регулярный менструальный цикл восстановился у 501 (93,6%) пациентки, среди 508 завершивших лечение – в 98,6% случаев. У 7 (1,3%) пациенток стойкого эффекта не достигнуто, 27 (5,0%) девочек прекратили лечение. Разработаны поэтапный алгоритм раннего выявления групп риска и образовательные программы для врачей и студентов. Заключение: дифференцированная гормональная терапия с учетом гиперандрогении, метаболических изменений и состояния эндометрия эффективно корригирует нарушения менструальной функции у девочек-подростков, а алгоритм раннего выявления групп риска повышает эффективность профилактики.*

Ключевые слова: *девочки-подростки, гормональная коррекция, комбинированные оральные контрацептивы, профилактика, группы риска, образовательные программы.*

УДК: 616.314-089.23:616.724-008.1

ДИНАМИКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ ВНЧС И ЖЕВАТЕЛЬНЫХ МЫШЦ У ПАЦИЕНТОВ С ЧАСТИЧНЫМИ ДЕФЕКТАМИ ЗУБНЫХ РЯДОВ ПОСЛЕ РЕАБИЛИТАЦИИ ПО ПЕРСОНАЛИЗИРОВАННОМУ ЦИФРОВОМУ ПРОТОКОЛУ




Ризаев Жасур Алимджанович, Хусанбаева Феруза Акмаловна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ШАХСИЙЛАШТИРИЛГАН РАҚАМЛИ ПРОТОКОЛ БЎЙИЧА РЕАБИЛИТАЦИЯДАН СЎНГ ТИШЛАР ҚАТОРИ ҚИСМАН ДЕФЕКТЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЧПЖБ ВА ЧАЙНОВ МУШАКЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИНГ ДИНАМИКАСИ

Ризаев Жасур Алимджанович, Хусанбаева Феруза Акмаловна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

DYNAMICS OF THE FUNCTIONAL STATE OF THE TMJ AND MASTICATORY MUSCLES IN PATIENTS WITH PARTIAL DENTITION DEFECTS AFTER REHABILITATION BY THE PERSONALIZED DIGITAL PROTOCOL

Rizaev Jasur Alimdjanovich, Khusanbaeva Feruza Akmalovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Мақсад: шахсийлаштирилган рақамли протокол бўйича ортопедик реабилитациядан сўнг чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) ва чайнов мушаклари ҳолатининг 12 ойлик динамикасини анъанавий ёндашув билан солиштириш. Материал ва усуллар: 300 бемор (асосий ва назорат гуруҳлари – 150 тадан); клиник текширув, Helkimo индекси, рентгенологик текширув, аксиография, юза электромиография ва ЧПЖБ ультратовуш текшируви; кузатув – 6 ва 12 ой. Натижалар: асосий гуруҳда Helkimo индекси 9,02 ± 0,84 дан 3,47 ± 0,52 баллгача (61,5% га), назорат гуруҳида 9,15 ± 0,87 дан 6,38 ± 0,68 баллгача (30,3% га) камайди. 12 ойдан сўнг ЧПЖБ ҳолати нормал бўлганлар 80,0% га қарши 62,0%; оптимал аксиограммалар 72,0% га қарши 56,0%; УТТ бўйича дискнинг нормал ҳолати 84,0% га қарши 69,3% (p = 0,003) ни ташкил этди. Мушаклар функционал асимметрия индекси асосий гуруҳда 37,5% (ўнгда) ва 35,2% (чапда) га камайди. Хулоса: тишлар қатори дефектини тиклаш окклюзион коррекция билан бирга ЧПЖБ ва мушаклар функциясини нормаллаштиради.*

Калит сўзлар: *ЧПЖБ; Helkimo индекси; аксиография; электромиография; ультратовуш текшируви; рақамли протокол.*

Abstract. *Aim: to compare the 12-month dynamics of the state of the temporomandibular joint (TMJ) and masticatory muscles after prosthodontic rehabilitation by the personalized digital protocol and by the traditional approach. Materials and methods: 300 patients (main and control groups of 150 each); clinical examination, Helkimo index, radiological examination, axiography, surface electromyography and TMJ ultrasound; follow-up at 6 and 12 months. Results: the Helkimo index decreased from 9.02 ± 0.84 to 3.47 ± 0.52 points (by 61.5%) in the main group and from 9.15 ± 0.87 to 6.38 ± 0.68 points (by 30.3%) in the control group. At 12 months a normal TMJ state was found in 80.0% versus 62.0%; optimal axiograms in 72.0% versus 56.0%; normal disc position on ultrasound in 84.0% versus 69.3% (p = 0.003). The index of functional asymmetry of masticatory muscle contraction decreased by 37.5% (right) and 35.2% (left) in the main group. Conclusion: restoration of the dentition defect combined with individual occlusal correction normalizes TMJ and muscle function.*

Keywords: *TMJ; Helkimo index; axiography; electromyography; ultrasound; digital protocol.*

Актуальность. Дефекты зубных рядов сопровождаются функциональными нарушениями височно-нижнечелюстного сустава (ВНЧС) и жевательных мышц: по данным настоящего обследования умеренная или выраженная дисфункция ВНЧС выявлена у 93,6% пациентов. Утрата части зубов меняет распределение жевательной нагрузки, смещает привычную окклюзию и через цепь «зубные ряды - мышцы - сустав» изменяет топографо-анатомические

взаимоотношения элементов ВНЧС [6]. Восстановление дефекта без учёта окклюзионно-функциональных нарушений не гарантирует нормализации функции сустава и мышц, а оценка результата только по конструкции протеза недостаточна.

Клиническая диагностика дисфункции ВНЧС опирается на ограниченный набор признаков - боль, шумы в суставе, ограничение и девиацию открывания рта, - которые плохо поддаются количественному сравнению между этапами лечения [11]. Поэтому объективный контроль состояния ВНЧС и мышц после протезирования включает индекс Helkimo, рентгенологическое исследование, аксиографию, поверхностную электромиографию и ультразвуковое исследование; значение миографии для контроля качества лечения несъёмными конструкциями при цифровом протоколе обсуждается в литературе [3], а возможности моделирования напряжённо-деформированного состояния зубочелюстной системы в сочетании с поверхностной электромиографией описаны отдельно [2].

Цифровой рабочий процесс меняет не только точность изготовления конструкции, но и саму последовательность планирования: виртуальная артикуляция и предварительная окклюзионная выверка выполняются до препарирования [1]. Открытым остаётся вопрос, переходит ли техническое преимущество цифрового протокола в функциональный результат - то есть сопровождается ли оно нормализацией работы сустава и жевательной мускулатуры в отдалённом периоде.

Цель исследования - оценить динамику функционального состояния ВНЧС и жевательных мышц в течение 12 месяцев после ортопедической реабилитации по персонализированному цифровому протоколу в сравнении с традиционным подходом.

Материалы и методы исследования. В исследовании участвовали 300 пациентов в возрасте от 25 до 65 лет с частичными дефектами зубного ряда. Работа выполнена в 2024–2026 гг. на кафедре ортопедической стоматологии Самаркандского государственного медицинского университета. Для сравнительной оценки эффективности предлагаемого цифрового протокола пациенты были разделены на две группы: основную - 150 пациентов, у которых лечение проводилось по разработанному персонализированному цифровому протоколу, и контрольную - 150 пациентов, которым ортопедическое лечение планировали традиционным способом.

Обследование проводили на этапах первичного осмотра, завершения ортопедической реабилитации, через 7 суток, 30 суток, 6 и 12 месяцев. Стоматологический осмотр включал сбор жалоб и анамнеза, оценку состояния зубов и анализ функциональных нарушений. При сборе анамнеза устанавливали причину потери зубов, длительность существования дефекта, наличие предшествующего ортопедического лечения, субъективную оценку эффективности жевания, наличие дискомфорта, эстетические жалобы, нарушения речи и субъективную оценку адаптации к существующему дефекту. Объективное обследование включало оценку состояния зубов, слизистых оболочек, пародонта и зубных дуг.

Индекс Helkimo. Для оценки выраженности функциональных нарушений использовали индекс дисфункции ВНЧС по Helkimo (Di), учитывающий амплитуду и характер движений нижней челюсти, функцию ВНЧС и болезненность жевательных мышц и суставных структур. По сумме баллов выделяли: 0 баллов - отсутствие дисфункции, 1–4 балла - лёгкую, 5–9 баллов - умеренную, 10–25 баллов - выраженную дисфункцию.

Аксиография. Из общей выборки для аксиографического исследования сформирована подгруппа из 150 пациентов (по 75 основной и контрольной групп). Метод электронной аксиографии даёт графическую запись траектории движения головок нижней челюсти и позволяет оценить функцию ВНЧС в норме и при дисфункции; аксиограммы анализировали по их качеству. Использовали систему ARCUSdigma I (KaVo, Германия) с программным обеспечением PROTAR. Датчики для записи размещали в сагиттальной плоскости параллельно друг другу и перпендикулярно шарнирной оси; вместе с поперечной балкой они образуют верхнюю дугу, фиксируемую в наружных слуховых проходах. Поперечная балка входит в конструкцию нижнечелюстной регистрационной дуги, которая закрепляется на передних зубах нижней челюсти с помощью окклюзионной ложки.

Резюме. *Цель: разработать воспроизводимую экспериментальную модель ингаляционной интоксикации монооксидом углерода и изложить методику комплексной морфологической, гистохимической, иммуногистохимической и морфометрической оценки лёгочной ткани. Материал и методы: исследование проведено в 2024–2026 гг. в научно-исследовательской лаборатории Бухарского государственного медицинского института в соответствии с рекомендациями ARRIVE 2.0. В эксперимент включено 100 беспородных белых крыс обоего пола, распределённых по возрасту (3 мес – 240–270 г; 9 мес – 350–380 г) и сроку наблюдения на три группы: контрольная (n=20), ближайший срок – через 6 часов после отравления (n=40) и отдалённый срок – через 7 суток (n=40). Интоксикацию моделировали в герметичной ингаляционной камере при концентрации CO 0,4–0,5% (4000–5000 ppm) с непрерывным мониторингом содержания кислорода и монооксида углерода. Срезы лёгких окрашивали гематоксилином-эозином и альциановым синим, экспрессию CD68 и Caspase-3 оценивали количественно в программе QuPath 0.7.0, морфометрию выполняли согласно рекомендациям ATS/ERS. Результаты: общая летальность в опытных группах составила 5,0% (4 из 80 животных): 7,5% в ближайшей и 2,5% в отдалённой группе; 3 из 4 погибших животных относились к группе 9 мес. Полный цикл гистологической проводки составил 110,5 часа. Выводы: предложенная модель воспроизводимо вызывает острую, но не приводящую к гибели интоксикацию, а комплексная морфологическая оценка позволяет охарактеризовать патологический процесс в лёгких на структурном, гистохимическом и клеточном уровнях.*

Ключевые слова: *угарный газ, экспериментальная модель, ингаляционная интоксикация, беспородные белые крысы, лёгкие, альциановый синий, иммуногистохимия, CD68, Caspase-3, морфометрия, QuPath, ARRIVE 2.0.*

УЎК: 616.314-089.23:616.716.1-007.21

КАТТАЛАРДА ЮҚОРИ ЖАҒНИНГ КЎНДАЛАНГ ЕТИШМОВЧИЛИГИ: МИНИВИНТЛИ ВА ЖАРРОҲЛИК ЁРДАМИДА КЕНГАЙТИРИШ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ




Абдусаитов Шаҳзод Мусурмонович, Хазратов Алишер Исамиддинович
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ПОПЕРЕЧНАЯ НЕДОСТАТОЧНОСТЬ ВЕРХНЕЙ ЧЕЛЮСТИ У ВЗРОСЛЫХ: ВЫБОР МЕЖДУ МИНИВИНТОВЫМ И ХИРУРГИЧЕСКИ АССИСТИРОВАННЫМ РАСШИРЕНИЕМ

Абдусаитов Шахзод Мусурмонович, Хазратов Алишер Исамиддинович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

MAXILLARY TRANSVERSE DEFICIENCY IN ADULTS: CHOOSING BETWEEN MINISCREW-ASSISTED AND SURGICALLY ASSISTED EXPANSION

Abdusaitov Shakhzod Musurmonovich, Khazratov Alisher Isamiddinovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Мақсад: ўрта танглай чокининг морфологияси ва етилиши, жарроҳлик ёрдамида ҳамда минивинтли кенгайтиришнинг самарадорлиги ва асоратлари, шунингдек катталарда жарроҳликсиз усул муваффақиятининг предикторлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш. Материал ва усуллар: 1977–2026 йилларда чоп этилган хорижий нашрлар «maxillary transverse deficiency», «midpalatal suture maturation», «SARPE», «MARPE», «maxillary skeletal expander» сўровлари бўйича таҳлил қилинди; шарҳга 61 та манба киритилди. Натижалар: аномалиянинг тарқалиш кўрсаткичлари турли популяцияларда сезиларли фарқ қилади, чунки муаллифлар турли ёш гуруҳлари ва қайд этиш мезонларидан фойдаланади, катталарда эса скелет етишмовчилигининг ҳақиқий частотаси паст баҳоланади. Конус-нурли компьютер томографияси маълумотлари бўйича чок етилишининг беш босқичи (A–E) ажратилади; босқичнинг ёш билан боғлиқлиги суст ва эрта босқичлар катта ёш гуруҳларида ҳам учрайди. Жарроҳлик ёрдамида кенгайтириш (SARPE) кенгайишнинг барқарор скелет компонентини беради, аммо умумий огриқсизлантириш, касалхонага ётқизиш ва қатор асоратлар билан боғлиқ. Минивинтли скелет экспансияси (MARPE) асосан маҳаллий ва қайтар асоратлар билан скелет кенгайишини таъминлайди, бироқ усулнинг далил базаси кўпроқ ретроспектив тадқиқотларга таянади. Хулоса: катта ёшли беморда усулни танлаш ёшга эмас, чокни бевосита баҳолашга асосланиши керак; MARPE ва SARPE ни ягона морфометрик протокол, огриқ ва ҳаёт сифатини баҳолаш билан таққослаган проспектив тадқиқотлар йўқ, чокнинг муваффақиятли очилиши предикторларининг чегаравий қийматлари аниқланмаган.*

Калит сўзлар: *юқори жағнинг кўндаланг етишмовчилиги, ўрта танглай чоки, минивинтли скелет экспансияси, жарроҳлик ёрдамида кенгайтириш, конус-нурли компьютер томографияси.*

Abstract. *Aim: to summarise the data on the morphology and maturation of the midpalatal suture, the efficacy and complications of surgically assisted and miniscrew-assisted expansion, and the predictors of success of the non-surgical method in adults. Materials and methods: international publications issued between 1977 and 2026 were analysed using the queries «maxillary transverse deficiency», «midpalatal suture maturation», «SARPE», «MARPE» and «maxillary skeletal expander»; 61 sources were included in the review. Results: prevalence figures differ considerably between populations because authors use different age groups and recording criteria, while in adults the true frequency of skeletal deficiency is underestimated. Five stages of suture maturation (A–E) are distinguished on cone-beam computed tomography; the stage correlates poorly with age and early stages are also found in older age groups. Surgically assisted rapid palatal expansion (SARPE) provides a stable skeletal component of expansion but requires general anaesthesia and hospitalisation and is associated with a number of complications. Miniscrew-assisted rapid palatal expansion (MARPE) achieves skeletal expansion with mostly local and reversible complications, yet its evidence base relies largely on retrospective studies. Conclusion: in an adult patient the choice of method should rest on direct assessment of the suture rather*

than on age; no prospective trials have compared MARPE and SARPE using a single morphometric protocol together with pain and quality-of-life outcomes, and threshold values for predictors of successful suture opening have not been established.

Keywords: *maxillary transverse deficiency, midpalatal suture, miniscrew-assisted rapid palatal expansion, surgically assisted rapid palatal expansion, cone-beam computed tomography.*

Кириш. Юқори жағнинг кўндаланг етишмовчилиги тишлов шаклланишининг барча даврларида учрайди, катталарда эса ўз-ўзидан йўқолмайди [20, 50]. Узоқ вақт давомида ўсиши тугаган беморда уни бартараф этишнинг ягона ишончли йўли жарроҳлик ёрдамида кенгайтириш ҳисобланган. Сўнгги 10–12 йилда жарроҳликсиз муқобил усул – минивинтли скелет экспансияси (miniscrew-assisted rapid palatal expansion, MARPE) пайдо бўлди. У билан бирга катталардан қайси бирига бу усул мос келиши ҳақидаги савол ҳам туғилди.

Шарҳнинг мақсади: ўрта танглай чокининг морфологияси ва етилиши, жарроҳлик ёрдамида ҳамда минивинтли кенгайтиришнинг самарадорлиги ва асоратлари, шунингдек катталарда жарроҳликсиз усул муваффақиятининг предикторлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш.

Материал ва усуллар. 1977–2026 йилларда чоп этилган хорижий нашрлар «maxillary transverse deficiency», «midpalatal suture maturation», «SARPE», «MARPE», «maxillary skeletal expander» сўровлари бўйича таҳлил қилинди.

Аномалиянинг тарқалиши. Турли популяцияларда тарқалиш кўрсаткичлари бир-биридан сезиларли фарқ қилади, чунки муаллифлар турли ёш гуруҳлари ва қайд этиш мезонларидан фойдаланади. Богота болалари ва ўсмирлари ўртасида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотда ортодонтик давога эҳтиёж доимий тишлов даврига келиб ошган, муаллифлар эса тишлов даврлари ўртасида кўрсаткичларни тўғридан-тўғри солиштиришни тавсия этмайди [50]. Эрта болалик давридаги кесишган тишлов сўриш одатларининг давомийлиги билан боғлиқ [35], 7–17 ёшли мактаб ўқувчиларида у кўпинча пастки жағнинг ён томонга силжиши билан бирга кечади [30].

Катталарда скелет етишмовчилигининг ҳақиқий частотаси паст баҳоланади. Юқори ён тишларнинг вестибуляр ва пастки тишларнинг тил томонга қийшайиши аномалияни ниқоблайди, натижада скелет торайиши сақланган ҳолда кесишган тишлов бўлмаслиги мумкин [20]. Шу сабабли эпидемиологик рақамлар асосан клиник жиҳатдан яққол шаклларни акс эттиради.

Муҳит омиллари. Муҳит омилларидан энг кўп сўриш одатлари ўрганилган: уларнинг давомийлиги ва сут тишлови шаклланганидан кейин ҳам сақланиб қолиши аҳамиятли [32]. Иккинчи омил оғиз орқали нафас олишдир. Конус-нурли компьютер томографияси (КНКТ) маълумотларига кўра, оғиз орқали нафас оладиган 10–12 ёшли болаларда юқори жағнинг кўндаланг ўлчамлари ва нафас йўллари морфологияси бурун орқали нафас олувчиларникидан фарқ қилади [42]. Акустик ринометрия, риноманометрия ва КНКТ натижаларини солиштириш бурун бўшлиғи торайиши билан кўндаланг етишмовчилик ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлади [41]. Бу боғлиқликнинг йўналиши тўлиқ аниқ эмас: оғиз орқали нафас олувчи беморларда юқори жағни кенгайтириш юқори нафас йўллари ҳажмини оширади, демак боғлиқлик икки томонлама бўлиши мумкин [6]. W. Tome ва W. Moon яна бир омил сифатида тилнинг чекланган ҳаракатчанлигини кўрсатади: бундай тил танглайга физиологик тарзда ёпишмайди [51].

Аномалиянинг оқибатлари. Аномалия чакка-пастки жағ бўғими ва альвеоляр суякка ҳам таъсир қилади. Пастки жағнинг функционал силжиши билан кечадиган бир томонлама кесишган тишловда болаларда бўғим ўсимталари асимметрияси шаклланади [22, 52], кенгайтиришдан кейин у камаяди [16]. КНКТ маълумотларига кўра, кесишган тишловли катталарда вестибуляр кортикал пластинканинг дегисценция ва фенестрациялари кўпроқ учрайди [15]. Демак, таянч тишлар даволашдан олдинроқ заиф бўлади, кенгайишнинг тиш-альвеоляр қисми эса айнан уларнинг юпқа суяк ичида силжиши ҳисобига рўй беради.

Ташхис мезонлари. Ташхиснинг ягона миқдорий мезони йўқ. Скелет мўлжалларига асосланган бир нечта индексни солиштириш битта беморда улар турли хулосалар беришини кўрсатди [56]. Тадқиқотчи танланма қайси индекс бўйича шакллантирилганини аниқ кўрсатиши керак, акс ҳолда турли ишлар натижаларини солиштириб бўлмайди.

Ўрта танглай чокининг морфологияси ва етилиши. Ёш ўтиши билан чок деярли тўғри чизиқдан эгри-бугри, интердигитацияланган бирикмага айланади ва кенгайтирувчи кучга қаршилик ортади [18]. 1977 йилдаёқ R. Wertz ва M. Dreskin чокнинг понасимон очилишини, олдинги қисмда кенгроқ бўлишини тасвирлаб, буни қанотсимон-юқори жағ бирикмаларининг қаршилиги билан боғлаган [53]. Етилишни тирик одамда баҳолашнинг барча усуллари билвосита белгиларга – зичлик, тасвирланиш хусусияти, интердигитация даражасига – таянади, шу сабабли ҳар қандай таснифнинг аниқлиги чекланган [18].

F. Angelieri ва ҳаммуаллифлар (2013) танглай қалинлигининг ўртасидан ўтувчи аксиал КНКТ кесими бўйича чок етилишининг беш босқичини (A–E) ажратди. A босқичи интердигитациясиз тўғри зич чизиққа, E босқичи эса чок кўринмайдиган тўлиқ қўшилишга мос келади [2]. Шундан кейин жарроҳликсиз кенгайтириш масаласини ёшга қараб эмас, чок морфологиясига қараб ҳал қила бошлашди. Шу муаллифлар умумқабул қилинган усуллар билан аниқланган скелет етуклиги чок босқичини ёмон башорат қилишини [3], эрта босқичлар катталарда ҳам учрашини кўрсатди [4].

Босқичнинг ёш билан боғлиқлиги. Босқичнинг ёш билан боғлиқлиги суст. Ёш гуруҳлари ичида босқичларнинг нотекис тақсимланиши 9–21 ёшли [43] ва 10–25 ёшли шахсларда [45] кўрсатилган. 16–50 ёшли Шарқий Осиё танланмасида катта ёшдаги гуруҳларнинг бир қисмида эрта босқичлар аниқланган [61]. K. Cesur Aydin ва ҳаммуаллифлар 2026 йилда фақат ёшга қараб қабул қилинган даволаш қарорларини тўғридан-тўғри шубҳа остига қўйди [12].

Босқичлашнинг такрорланувчанлиги. Амалий чеклов такрорланувчанликдир. Талабалар, ортодонт-резидентлар ва ортодонтларда босқичлаш аниқлиги тайёргарлик даражасига қараб фарқ қилган [14]. Шифокор тажрибасига боғлиқликни камайтириш учун M. Zhu ва ҳаммуаллифлар босқични ўрамли нейрон тармоқ ёрдамида аниқлашни таклиф қилган [60].

Босқичнинг прогностик қиймати. Босқичнинг прогностик қийматини бир неча гуруҳ текширган. Интердигитация ортиши билан тез танглай кенгайтиришда скелет компонентининг улуши камаяди [44]. Фақат суякка таянадиган аппаратлар учун бу қийматни J.W. Ahn ва ҳаммуаллифлар алоҳида баҳолаган [1]. J. Lee ва ҳаммуаллифлар катта ёшли эркакларда MARPE натижасини даволашдан олдин юқори жағ атрофи чокларининг кенглиги бўйича башорат қилишга уринган [33]. Бу ишларнинг ҳеч бирида шифокор жарроҳлик ва жарроҳликсиз усул ўртасида танлов қилиши мумкин бўлган чегаравий қийматлар таклиф этилмаган.

Жарроҳлик ёрдамида кенгайтириш (SARPE). Усул чок очилишига қаршилик кўрсатувчи тузилмаларни остеотомия қилишга асосланган, шундан сўнг жағ ортодонтик аппарат билан кенгайтирилади [49]. Аралашув ҳажми латерал остеотомиядан қанотсимон-юқори жағ бирикмасини ажратиш ва ўрта танглай остеотомиясигача ўзгаради [5, 10]. Тизимли шарҳда у кенгайиш катталиги ва барқарорлиги бўйича Le Fort I сегментар остеотомияси билан солиштирилган [48].

Остеотомия тиш-альвеоляр компонентни йўқотмайди: кенглик ўсишининг сезиларли қисми ҳамон таянч тишларнинг қийшайиши ва альвеоляр ўсимтанинг деформацияси ҳисобига тўғри келади [10]. Компонентлар нисбати аппаратнинг таянчига боғлиқ: SARPE дан кейин суякка таянганда скелет улуши тишларга таянгандагидан юқори [19], шунинг учун SARPE ни MARPE билан аппарат турини ҳисобга олмасдан солиштириш нотўғри.

Кўндаланг кенгайтириш жағларнинг энг беқарор силжишларидан бири ҳисобланади [29]. SARPE дан кейинги узоқ муддатли кузатувлар қисман рецидивни кўрсатади; у асосан тиш-альвеоляр қисмга тааллуқли, скелет қисми эса нисбатан барқарор қолади [31, 36]. Кенгайишнинг скелет улуши қанча катта бўлса, ҳар қандай усулда натижа шунча барқарор бўлади.

SARPE асоратлари бўйича тизимли шарҳга қон кетиш, кўз ости нерви соҳасида сезгининг бузилиши, чокнинг асимметрик очилиши, яллиғланиш ва ўрта остеотомияда илдизларнинг шикастланиши киритилган [38]. Бунга умумий оғриқсизлантириш, касалхонага ётқизиш ва даволаш нархи қўшилади. Айнан шу харажатлар жарроҳликсиз усулга талабни юзага келтирди [20].

Минивинтли скелет экспансияси (MARPE). MARPE ғояси кучни тишларни четлаб, бевосита танглай суягига узатишдан иборат. Дастлаб тишлар ва минивинтларга таянадиган гибрид конструкциялар пайдо бўлди; B. Wilmes аввал нимани ўрнатиш кераклигини – аппаратними ёки винтларними – муҳокама қилади [54]. Кейин кенгайтирувчи винт орқага, энг катта қаршилик зонасига яқинроқ силжитилди (maxillary skeletal expander, MSE); олинган тиш, альвеоляр ва скелет ўзгаришларининг барқарорлиги клиник тадқиқотда ўрганилган [34]. Усулнинг катталардаги имкониятларини D.P. Brunetto ва ҳаммуаллифлар умумлаштирган [9]. Тўрт ёки олти мини-имплантга таянадиган соф суяк аппаратларини H. Winsauer ва ҳаммуаллифлар тасвирлаган [55], юпқа танглай суяги учун эса индивидуал рақамли лойиҳалаш таклиф қилинган [11]. Аппаратнинг олдинга-орқага йўналишдаги жойлашуви ҳам катталарда натижага таъсир қилади [47].

Чекли элементлар таҳлили суякка таянганда кучланиш чок соҳасида тўпланишини, тишларга таянганда эса унинг катта қисми пародонт ва альвеоляр ўсимтага ўтишини кўрсатди [21]. L. Brucculeri ва ҳаммуаллифлар шу усулда трикортикал ва бикортикал фиксацияни солиштириб, минивинт узунлигини асослаган [8]. Катталарда ўрнатиш зонасидаги танглай суяги қалинлиги КНКТ бўйича ўлчанган, винт узунлигини танлашда шу қийматларга таянилади [13].

Жадвал 1. Адабиёт маълумотлари бўйича SARPE ва MARPE нинг қиёсий тавсифи

Мезон	SARPE	MARPE
Усулнинг моҳияти	Чок очилишига қаршилик кўрсатувчи тузилмаларни остеотомия қилиш ва кейин ортодонтик аппарат билан кенгайтириш [29]	Кучни тишларни четлаб, минивинтлар орқали бевосита танглай суягига узатиш [38, 39]
Аралашув ҳажми	Латерал остеотомиядан қанотсимон-юқори жағ бирикмасини ажратиш ва ўрта танглай остеотомиясигача [30, 31]	Тўрт ёки олти мини-имплантга таянадиган аппаратни ўрнатиш [41, 42]
Даволаш шароити	Умумий оғриқсизлантириш ва касалхонага ётқизиш [37]	Амбулатор шароит [52]
Кенгайишнинг скелет улуши	Аппарат таянчига боғлиқ: суякка таянганда тишларга таянгандагидан юқори [33]	Кеч ўсмирлар ва катталарда ҳақиқий скелет кенгайиши тасдиқланган [47, 48]
Асосий асоратлар	Қон кетиш, кўз ости нерви соҳасида сезги бузилиши, чокнинг асимметрик очилиши, яллиғланиш, илдизларнинг шикастланиши [37]	Минивинтнинг тушиб кетиши, танглай шиллиқ қаватининг яллиғланиши, аппаратнинг деформацияси, чокнинг асимметрик очилиши ёки очилмаслиги [51]
Далил базаси	Узоқ муддатли кузатувлар ва тизимли шарҳлар мавжуд [32, 35, 36]	Асосан ретроспектив тадқиқотлар; проспектив ишлар кам [47, 48]

Изоҳ: SARPE – жарроҳлик ёрдамида тез танглай кенгайтириш; MARPE – минивинтли тез танглай кенгайтириш. Жадвал шарҳда келтирилган манбалар маълумотлари асосида тузилган.

Мета-таҳлилли тизимли шарҳ MARPE кеч ўсмирлар ва катталарда ҳақиқий скелет кенгайишини беришини тасдиқлади, бироқ киритилган тадқиқотларнинг аксарияти ретроспектив, кичик танланмали ва тизимли хато хавфи юқори бўлган [24]. A. Kapetanović ва ҳаммуаллифларнинг индивидуал аппарат билан ўтказган проспектив когорт тадқиқоти скелет, альвеоляр ва тиш компонентларини алоҳида баҳолади [25]. Шу гуруҳ юзнинг ўрта қисмидаги юмшоқ тўқималар ўзгаришини стереофотограмметрия усулида [27] ва оғиз бўшлиғи саломатлиги билан боғлиқ ҳаёт сифатини ўрганган [26].

MARPE асоратлари. MARPE асоратлари ретроспектив таҳлилда тизимлаштирилган: минивинтнинг тушиб кетиши, танглай шиллиқ қаватининг яллиғланиши ва ўсиши, аппаратнинг деформацияси ёки синиши, чокнинг асимметрик очилиши ҳамда чок очилмай, жарроҳликка ўтиш зарурати [57]. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий, қайтар ва амбулатор шароитда бартараф этилади [40].

MARPE ва SARPE ни таққослаш. MARPE ва SARPE тўғридан-тўғри солиштирилган ишлар кам (1-жадвал). A.S. Jesus ва ҳаммуаллифлар MARPE ва SARPE нинг икки вариантининг бурун-юқори жағ таъсирларини солиштирган, аммо ретроспектив тарзда ва кенгайишни компонентларга ажратмасдан [23]. N. Sicca ва ҳаммуаллифларнинг шарҳи иккала усулнинг ножўя таъсирларини ягона ўлчов протоколисиз, турли хил танланмалар асосида умумлаштирган [46]. A.S. Parihar ва ҳаммуаллифлар пародонтологик кўрсаткичларни солиштирган, лекин уларни скелет таъсири катталиги билан боғламаган [39]. Бу уч ишнинг бирортасида оғриқ ва ҳаёт сифати баҳоланмаган, предикторлар ҳам кўриб чиқилмаган. Тез танглай кенгайтириш, SARPE ва MARPE дан кейинги чок зичлиги бўйича мета-таҳлил уч усулни бир доирада кўриб чиқишга қилинган кам сонли уринишлардан биридир [17].

Муваффақият предикторлари. Асосий амалий савол даволашдан олдинги прогнозга тааллуқли: MARPE нинг муваффақиятсиз уриниши вақт йўқотиш ва кейинчалик операцияни англатади [28]. Предиктор сифатида чок етилиш босқичи [1, 44], юқори жағ атрофи чокларининг кенглиги [33] ва танглай суягининг қалинлиги [13] кўрсатилган. Адабиётда усулни танлаш қоидаси сифатида қўллаш мумкин бўлган миқдорий чегаралар йўқ.

Келгуси тадқиқотлар учун услубий асос. Бундай таққослаш учун услубий асос аллақачон мавжуд. КНКТ ни оғиз ичи сканерлаш билан бирлаштириш уч ўлчамли модел беради, регистрация аниқлиги экспериментда ўрганилган [7]. Ортодонтик даволашнинг ҳаёт сифатига таъсири валидациядан ўтган сўровномалар, жумладан OHIP-14 билан баҳоланади [58, 59], жарроҳлик-ортодонтик даволанаётган катталарнинг лонгитудинал тадқиқоти эса жарроҳлик гуруҳи учун энг яқин мўлжал ҳисобланади [37].

Хулоса. Катта ёшли беморда кенгайтириш усулини ёшга қараб эмас, ўрта танглай чокининг морфологиясига қараб танлаш керак: чок

етилишининг эрта босқичлари катта ёш гуруҳларида ҳам учрайди.

MARPE SARPE га нисбатан енгилроқ асоратлар билан скелет кенгайишини бера олади, бироқ унинг далил базаси асосан ретроспектив ишларга қурилган.

Икки усулни ягона морфометрик протокол, оғриқ ва ҳаёт сифатини баҳолаш билан солиштирган проспектив тадқиқотлар йўқ; усуллар ўртасида танлов қилишга имкон берувчи чок етилиш босқичи ва танглай суяги қалинлигининг чегаравий қийматлари ҳам ҳали аниқланмаган.

Адабиётлар:

1. Алимирзоев А.Ф., Ризаев Ж.А., Хазратов А.И. Оптимизация методов ранней диагностики деформаций челюстно-лицевой области при преждевременном удалении зубов // Проблемы биологии и медицины. - 2026. - № 4 (170). - С. 20–23.
2. Ризаев Ж.А., Муслимова Д.М., Ризаева С.М., Рахманова О.А. Влияние базиса ортодонтических аппаратов на ткани твёрдого нёба на различных этапах расширения верхней челюсти // Стоматология (Stomatologiya). - 2018. - Т. 1, № 2 (71). - С. 41–42. - DOI: 10.71337/inlibrary.uz.stomatologiya.1720.
3. Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., Абдукадыров А.А. Предоперационное планирование хирургического лечения верхней ретро-микрогнатии // Журнал биомедицины и практики. - 2020. - Специальный выпуск, № 2. - С. 866–873.
4. Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., Бузрукзода Ж.Д. Современный подход к комплексной реабилитации пациентов с приобретёнными дефектами верхней челюсти (обзор литературы) // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. - 2021. - Т. 2, № 3. - С. 77–83. - DOI: 10.26739/2181-0966-2021-3-15.
5. Ризаев Ж.А., Шамсиев Ж.А., Шамсиев Р.А., Зайниев С.С. Сопутствующие пороки развития у детей с врождённой расщелиной губы и нёба // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. - 2020. - Т. 1, № 1. - С. 48–51. - DOI: 10.26739/2181-0966-2020-1-11.
6. Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., Абдукадиров А.А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. - 2020. - № 3. - С. 162–165.
7. Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., Олимжонов К.Ж. Юзжағ соҳасида суяк-реконструктив операцияларидан кейин беморларни комплекс реабилитация қилиш // Биология ва тиббиёт муаммолари. - 2022. - № 4 (137). - С. 167–169.
8. Ahn J.W., Choi J.Y., Kim S.H. Is midpalatal suture maturation the major predictor of the success rate of pure bone-borne maxillary skeletal expander? A CBCT study // Seminars in Orthodontics. - 2025. - Vol. 31, № 2. - P. 290–298. - DOI: 10.1053/j.sodo.2024.04.012.
9. Angelieri F., Cevidanes L.H.S., Franchi L., Gonçalves J.R., Benavides E., McNamara J.A. Jr. Midpalatal suture maturation: classification method for individual assessment before rapid maxillary expansion // American Journal of Orthodontics and Dentofacial Orthopedics. - 2013. - Vol. 144, № 5. - P. 759–769. - DOI: 10.1016/j.ajodo.2013.04.022.
10. Angelieri F., Franchi L., Cevidanes L.H.S., McNamara J.A. Jr. Diagnostic performance of skeletal maturity for the assessment of midpalatal suture maturation // American Journal of Orthodontics and Dentofacial Orthopedics. - 2015. - Vol. 148, № 6. - P. 1010–1016. - DOI: 10.1016/j.ajodo.2015.06.016.
11. Angelieri F., Franchi L., Cevidanes L.H.S., Gonçalves J.R., Nieri M., Wolford L.M., McNamara J.A. Jr. Cone beam computed tomography evaluation of midpalatal suture maturation in adults // International Journal of Oral and Maxillofacial Surgery. - 2017. - Vol. 46, № 12. - P. 1557–1561. - DOI: 10.1016/j.ijom.2017.06.021.
12. Anttila A. Feasibility and long-term stability of surgically assisted rapid maxillary expansion with lateral osteotomy // European Journal of Orthodontics. - 2004. - Vol. 26, № 4. - P. 391–395. - DOI: 10.1093/ejo/26.4.391.
13. Balasubramanian S., Kalaskar R., Kalaskar A. Rapid maxillary expansion and upper airway volume: systematic review and meta-analysis on the role of rapid maxillary expansion in mouth breathing // International Journal of Clinical Pediatric Dentistry. - 2022. - Vol. 15, № 5. - P. 617–630. - DOI: 10.5005/jp-journals-10005-2421.
14. Brucculeri L., Pellitteri F., Monterossi A.S., Paoletto E., Maino G., Lombardo L. Tricortical versus bicortical anchorage in a double-screw tandem skeletal expander and a single-screw maxillary anchorage rapid palatal expander: a finite element analysis // Korean Journal of Orthodontics. - 2024. - Vol. 56, № 2. - P. 117–126. - DOI: 10.4041/kjod23.270.
15. Brunetto D.P., Sant'Anna E.F., Machado A.W., Moon W. Non-surgical treatment of transverse deficiency in adults using microimplant-assisted rapid palatal expansion (MARPE) // Dental Press Journal of Orthodontics. - 2017. - Vol. 22, № 1. - P. 110–125. - DOI: 10.1590/2177-6709.22.1.110-125.sar.
16. Byloff F.K. Skeletal and dental changes following surgically assisted rapid palatal expansion // European Journal of Orthodontics. - 2004. - Vol. 26, № 4. - P. 403–409. - DOI: 10.1093/ejo/26.4.403.
17. Cantarella D., Karanxha L., Zanata P., Moschik C., Torres A., Savio G., Del Fabbro M., Moon W. Digital planning and manufacturing of maxillary skeletal expander for patients with thin palatal bone // Medical Devices: Evidence and Research. - 2021. - Vol. 14. - P. 299–311. - DOI: 10.2147/MDER.S331127.

18. Cesur Aydin K., Tekin A., Gas S. Midpalatal suture maturation in young individuals: cone-beam computed tomography evidence challenging age-based treatment decisions // Journal of Craniofacial Surgery. - 2026. - DOI: 10.1097/SCS.0000000000012966.
19. Chen W., Zhang K., Liu D. Palatal bone thickness at the implantation area of maxillary skeletal expander in adult patients with skeletal Class III malocclusion: a cone-beam computed tomography study // BMC Oral Health. - 2021. - Vol. 21, № 1. - DOI: 10.1186/s12903-021-01489-0.
20. Chhatwani S., Arman A., Möhlhenrich S.C., et al. Performance of dental students, orthodontic residents, and orthodontists for classification of midpalatal suture maturation stages on cone-beam computed tomography scans // BMC Oral Health. - 2024. - Vol. 24, № 1. - DOI: 10.1186/s12903-024-04163-3.
21. Choi J.Y., Chaudhry K., Parks E., Ahn J.H. Prevalence of posterior alveolar bony dehiscence and fenestration in adults with posterior crossbite: a CBCT study // Progress in Orthodontics. - 2020. - Vol. 21, № 1. - Art. 8. - DOI: 10.1186/s40510-020-00308-6.
22. Dusmukhamedov D.M., Rizaev J.A., Dusmukhamedov M.Z., Yuldashev A.A. Characteristics of clinical-morphometric parameters and evaluation of results of surgical treatment of patients with gnathic forms of occlusion anomalies // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. - 2020. - Vol. 24, № 4. - P. 2156–2169. - DOI: 10.37200/IJPR/V24I4/PR201326.
23. Dusmukhamedov M.Z., Rizaev J.A., Dusmukhamedov D.M., Khadjimetov A.A., Yuldashev A.A. Compensator-adaptive reactions of patients' organism with gnathic form of dental occlusion anomalies // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. - 2020. - Vol. 24, № 4. - P. 2142–2155. - DOI: 10.37200/IJPR/V24I4/PR201325.
24. Fastuca R., Turiaco H., Assandri F., Zecca P.A., Levrini L., Caprioglio A. Condylar changes in children with posterior crossbite after maxillary expansion: tridimensional evaluation // Children. - 2021. - Vol. 8, № 1. - Art. 38. - DOI: 10.3390/children8010038.
25. Figueiredo L.M., Calixto Barros D.M., Veloso N.C., Lisboa C.O., Mourão C.F., Cury-Saramago A.A., Mattos C.T., de Albuquerque Calasans-Maia J. Is there a difference in mid-palatal suture density after rapid maxillary expansion, surgically assisted rapid maxillary expansion, and miniscrew-assisted rapid palatal expansion? A systematic review and meta-analysis // Applied Sciences. - 2023. - Vol. 13, № 19. - Art. 10841. - DOI: 10.3390/app131910841.
26. Gao L., Sun J., Zhou X., Yu G. In vivo methods for evaluating human midpalatal suture maturation and ossification: an updated review // International Orthodontics. - 2022. - Vol. 20, № 2. - Art. 100634. - DOI: 10.1016/j.ortho.2022.100634.
27. Hamedi-Sangsari A., Chinipardaz Z., Carrasco L. Following surgically assisted rapid palatal expansion, do tooth-borne or bone-borne appliances provide more skeletal expansion and dental expansion? // Journal of Oral and Maxillofacial Surgery. - 2017. - Vol. 75, № 10. - P. 2211–2222. - DOI: 10.1016/j.joms.2017.04.019.
28. Handelman C.S. Adult nonsurgical maxillary and concurrent mandibular expansion: treatment of maxillary transverse deficiency and bidental arch constriction // Seminars in Orthodontics. - 2012. - Vol. 18, № 2. - P. 134–151. - DOI: 10.1053/j.sodo.2011.10.012.
29. Hartono N., Soegiharto B.M., Widayati R. The difference of stress distribution of maxillary expansion using rapid maxillary expander (RME) and maxillary skeletal expander (MSE): a finite element analysis // Progress in Orthodontics. - 2018. - Vol. 19, № 1. - DOI: 10.1186/s40510-018-0229-x.
30. Jesus A.S., Oliveira C.B., Murata W.H., Gonçales E.S., Pereira-Filho V.A., Santos-Pinto A. Nasomaxillary effects of miniscrew-assisted rapid palatal expansion and two surgically assisted rapid palatal expansion approaches // International Journal of Oral and Maxillofacial Surgery. - 2021. - Vol. 50, № 8. - P. 1059–1068. - DOI: 10.1016/j.ijom.2020.12.014.
31. Kapetanović A., Theodorou C.I., Bergé S.J., Schols J.G.J.H., Xi T. Efficacy of miniscrew-assisted rapid palatal expansion (MARPE) in late adolescents and adults: a systematic review and meta-analysis // European Journal of Orthodontics. - 2021. - Vol. 43, № 3. - P. 313–323.
32. Kapetanović A., Odrosslij B.T.C., Baan F., Bergé S.J., Nolte J.W., Schols J.G.J.H., Xi T. Efficacy of miniscrew-assisted rapid palatal expansion (MARPE) in late adolescents and adults with the Dutch Maxillary Expansion Device: a prospective clinical cohort study // Clinical Oral Investigations. - 2022. - Vol. 26, № 10. - P. 6253–6263.
33. Kapetanović A., Kuijpers M.A.R., Bergé S.J., Schols J.G.J.H., Xi T. What is the oral health-related quality of life following miniscrew-assisted rapid palatal expansion (MARPE)? A prospective clinical cohort study // BMC Oral Health. - 2022. - Vol. 22, № 1. - Art. 423.
34. Kapetanović A., Noverraz R.R.M., Bruggink R., Baan F., Bergé S.J., Xi T., Schols J.G.J.H. What is the impact of miniscrew-assisted rapid palatal expansion on the midfacial soft tissues? A prospective three-dimensional stereophotogrammetry study // Clinical Oral Investigations. - 2023. - Vol. 27, № 9. - P. 5343–5351.
35. Kim H., de Castro A.C.R., Hong C., Lee K.J. Success and failure in miniscrew-assisted rapid palatal expansion: biologic and biomechanical clues // Seminars in Orthodontics. - 2025. - Vol. 31, № 2. - P. 280–289. - DOI: 10.1053/j.sodo.2024.07.006.
36. Koudstaal M.J., Smeets J.B.J., Kleinrensink G.J., Schulten A.J.M., van der Wal K.G.H. Relapse and stability of surgically assisted rapid maxillary expansion: an anatomic biomechanical study // Journal of Oral

and Maxillofacial Surgery. - 2009. - Vol. 67, № 1. - P. 10–14. - DOI: 10.1016/j.joms.2007.11.026.
37. Kurt G., Altug-Atac A.T., Atac M.S., Karasu H.A. Stability of surgically assisted rapid maxillary expansion and orthopedic maxillary expansion after 3 years' follow-up // The Angle Orthodontist. - 2010. - Vol. 80, № 4. - P. 613–619. - DOI: 10.2319/092409-530.1.
38. Lee J., Choi S., Choi Y.J., Lee K., Yu H. Evaluation of miniscrew-assisted rapid palatal expansion success by comparing width of circummaxillary sutures before expansion in adult male patients // The Angle Orthodontist. - 2023. - Vol. 93, № 2. - P. 176–184. - DOI: 10.2319/062722-456.1.
39. Lim H.M., Park Y.C., Lee K.J., Kim K.H., Choi Y.J. Stability of dental, alveolar, and skeletal changes after miniscrew-assisted rapid palatal expansion // Korean Journal of Orthodontics. - 2017. - Vol. 47, № 5. - P. 313–322. - DOI: 10.4041/kjod.2017.47.5.313.
40. Magnusson A., Bjerklin K., Nilsson P., Marcusson A. Surgically assisted rapid maxillary expansion: long-term stability // European Journal of Orthodontics. - 2009. - Vol. 31, № 2. - P. 142–149. - DOI: 10.1093/ejo/cjn074.
41. Ni J., Song S., Zhou N. Impact of surgical orthodontic treatment on quality of life in Chinese young adults with Class III malocclusion: a longitudinal study // BMC Oral Health. - 2019. - Vol. 19, № 1. - DOI: 10.1186/s12903-019-0782-9.
42. Olszewski R., Wisniewski M. Complications in surgically assisted rapid maxillary expansion: a systematic review of the medical literature // NEMESIS. - 2019. - Vol. 8, № 1. - P. 20. - DOI: 10.14428/nemesis.v8i1.31583.
43. Parihar A.S., Thomas A., Ajmera H., Mittal N., Kumar V., Roy A. Periodontal health outcomes following mini-screw-assisted rapid palatal expansion versus surgically assisted rapid palatal expansion: a comparative analysis // Journal of Pharmacy and Bioallied Sciences. - 2025. - Vol. 17, Suppl. 3. - P. S2715–S2717. - DOI: 10.4103/jpbs.jpbs_1191_25.
44. Park J.H. Addressing miniscrew-assisted rapid palatal expander complications // AJO-DO Clinical Companion. - 2022. - Vol. 2, № 5. - P. 421–422. - DOI: 10.1016/j.xaor.2022.07.002.
45. Rizaev J.A., Kubaev A.S. Preoperative mistakes in the surgical treatment of upper retro micrognatia // International Journal of Pharmaceutical Research. - 2020. - Vol. 12, № 1. - P. 1208–1212. - DOI: 10.31838/IJPR/2020.12.01.198.
46. Sakai R.H.U., Marson F.A.L., Sakuma E.T.I., Ribeiro J.D., Sakano E. Correlation between acoustic rhinometry, computed rhinomanometry and cone-beam computed tomography in mouth breathers with transverse maxillary deficiency // Brazilian Journal of Otorhinolaryngology. - 2018. - Vol. 84, № 1. - P. 40–50. - DOI: 10.1016/j.bjorl.2016.10.015.
47. Satiti R., Susanto H., Narwidina A. Transverse maxillary dimensions and upper airway morphology in mouth- and nasal-breathing children aged 10–12 years: a CBCT-based study // Journal of Oral Biology and Craniofacial Research. - 2025. - Vol. 15, № 5. - P. 1064–1070. - DOI: 10.1016/j.jobcr.2025.07.009.
48. Savoldi F., Wong K.K., Yeung A.W.K., et al. Midpalatal suture maturation staging using cone beam computed tomography in patients aged between 9 to 21 years // Scientific Reports. - 2022. - Vol. 12, № 1. - DOI: 10.1038/s41598-022-08293-y.
49. Sayar G., Kılınç D.D. Rapid maxillary expansion outcomes according to midpalatal suture maturation levels // Progress in Orthodontics. - 2019. - Vol. 20, № 1. - DOI: 10.1186/s40510-019-0278-9.
50. Shayani A., Merino-Gerlach M.A., Garay-Carrasco I.A., Navarro-Cáceres P.E., Sandoval-Vidal H.P. Midpalatal suture maturation stage in 10- to 25-year-olds using cone-beam computed tomography: a cross-sectional study // Diagnostics. - 2023. - Vol. 13, № 8. - Art. 1449. - DOI: 10.3390/diagnostics13081449.
51. Sicca N., Benedetti G., Nieri A., Vitale S., Lopponi G., Mura S., Verdecchia A., Spinas E. Comparison of side effects between miniscrew-assisted rapid palatal expansion (MARPE) and surgically assisted rapid palatal expansion (SARPE) in adult patients: a scoping review // Dentistry Journal. - 2025. - Vol. 13, № 2. - Art. 47. - DOI: 10.3390/dj13020047.
52. Song G., Park J.H., Lee S., Chung D., Moon W. The effect of the anteroposterior position of miniscrew-assisted rapid palatal expansion on the expansion outcomes in mature patients // Orthodontics & Craniofacial Research. - 2025. - DOI: 10.1111/ocr.70083.
53. Starch-Jensen T., Blæhr T.L. Transverse expansion and stability after segmental Le Fort I osteotomy versus surgically assisted rapid maxillary expansion: a systematic review // Journal of Oral and Maxillofacial Research. - 2016. - Vol. 7, № 4. - DOI: 10.5037/jomr.2016.7401.
54. Taylor N., Johnson P. Surgically assisted rapid maxillary expansion // Orthognathic Surgery. - 2016. - P. 620–629. - DOI: 10.1002/9781119004370.ch36.
55. Wertz R., Dreskin M. Midpalatal suture opening: a normative study // American Journal of Orthodontics. - 1977. - Vol. 71, № 4. - P. 367–381. - DOI: 10.1016/0002-9416(77)90241-X.
56. Wilmes B. "Appliance first" or "bone first" for miniscrew assisted rapid palatal expansion? // APOS Trends in Orthodontics. - 2022. - Vol. 12. - P. 3–6. - DOI: 10.25259/APOS_57_2022.
57. Winsauer H., Walter A., Jaeschke D., Winsauer C., Muchitsch A., Wendl B. Pure bone-borne palatal expander anchored on orthodontic mini-implants: Micro-4 or Micro-6 Expander // Journal of Stomatology. - 2015. - Vol. 68, № 1. - P. 6–18. - DOI: 10.5604/00114553.1144370.
58. Ye G., Li Q., Guo Z., Yu X., Xu Y., Ding W., Wang H., Yu M. Comparative evaluation of transverse width indices for diagnosing maxillary transverse

deficiency // BMC Oral Health. - 2024. - Vol. 24, № 1. - Art. 806. - DOI: 10.1186/s12903-024-04580-4.
59. Yoon A., Payne J., Suh H., Phi L., Chan A., Oh H. A retrospective analysis of the complications associated with miniscrew-assisted rapid palatal expansion // AJO-DO Clinical Companion. - 2022. - Vol. 2, № 5. - P. 423–430. - DOI: 10.1016/j.xaor.2022.08.001.
60. Zhu M., Yang P., Bian C., et al. Convolutional neural network-assisted diagnosis of midpalatal suture maturation stage in cone-beam computed tomography // Journal of Dentistry. - 2024. - Vol. 141. - Art. 104808. - DOI: 10.1016/j.jdent.2023.104808.
1. 61. Zhu Z., Zhou N., Qian W., Ye N. Evaluating midpalatal suture maturation using cone-beam computed tomography in East Asian individuals aged 16–50 years // BMC Oral Health. - 2025. - Vol. 25, № 1. - DOI: 10.1186/s12903-025-06883-6.

ПОПЕРЕЧНАЯ НЕДОСТАТОЧНОСТЬ ВЕРХНЕЙ ЧЕЛЮСТИ У ВЗРОСЛЫХ: ВЫБОР МЕЖДУ МИНИВИНТОВЫМ И ХИРУРГИЧЕСКИ АССИСТИРОВАННЫМ РАСШИРЕНИЕМ (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ)

Абдусаитов Ш.М., Хазратов А.И.

Резюме. *Цель: обобщить данные о морфологии и созревании срединного нёбного шва, эффективности и осложнениях хирургически ассистированного и минивинтового расширения, а также о предикторах успеха нехирургического метода у взрослых. Материал и методы: проанализированы зарубежные публикации 1977–2026 гг. по запросам «maxillary transverse deficiency», «midpalatal suture maturation», «SARPE», «MARPE», «maxillary skeletal expander»; в обзор включён 61 источник. Результаты: показатели распространённости аномалии существенно различаются между популяциями, поскольку авторы используют разные возрастные группы и критерии регистрации, а у взрослых истинная частота скелетной недостаточности недооценивается. По данным конусно-лучевой компьютерной томографии выделяют пять стадий созревания шва (A–E); стадия слабо связана с возрастом, и ранние стадии выявляются также в старших возрастных группах. Хирургически ассистированное расширение (SARPE) обеспечивает стабильный скелетный компонент расширения, но требует общего обезболивания и госпитализации и сопряжено с рядом осложнений. Минивинтовая скелетная экспансия (MARPE) обеспечивает скелетное расширение при осложнениях преимущественно местного и обратимого характера, однако её доказательная база опирается в основном на ретроспективные исследования. Выводы: у взрослого пациента выбор метода следует основывать на прямой оценке шва, а не на возрасте; прямые проспективные сравнения MARPE и SARPE с единым морфометрическим протоколом, оценкой боли и качества жизни отсутствуют, пороговые значения предикторов успешного раскрытия шва не определены.*

Ключевые слова: *поперечная недостаточность верхней челюсти, срединный нёбный шов, минивинтовая скелетная экспансия, хирургически ассистированное расширение, конусно-лучевая компьютерная томография.*

УДК: 616.728.3-001-089.844-036.82

СОВРЕМЕННЫЕ ПРИНЦИПЫ ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ ПОСЛЕ РЕКОНСТРУКЦИИ КОРНЯ МЕНИСКА ПРИ ИЗОЛИРОВАННЫХ И СОЧЕТАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЯХ КОЛЕННОГО СУСТАВА





Алиев Холбек Эркинжонович[1], Ярмухамедова Наргиза Анваровна[2], Абдуллаев Махсур Максудович[3]
1 - Частная клиника Akfa Medline Airitom, Республика Узбекистан, г. Термез;
2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;
3 - Университетская клиника Akfa Medline, Республика Узбекистан, г. Ташкент

ТИЗЗА БЎҒИМИНИНГ АЛОҲИДА ВА ҚЎШМА ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА МЕНИСК ИЛДИЗИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДАН КЕЙИНГИ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Алиев Холбек Эркинжонович[1], Ярмуҳамедова Наргиза Анваровна[2], Абдуллаев Махсур Максудович[3]
1 - Akfa Medline Airitom хусусий клиникаси, Ўзбекистон Республикаси, Термиз ш.;
2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;
3 - Akfa Medline университет клиникаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

MODERN PRINCIPLES OF DIFFERENTIATED REHABILITATION AFTER MENISCAL ROOT REPAIR IN ISOLATED AND COMBINED KNEE INJURIES

Aliev Kholbek Erkinjonovich[1], Yarmukhamedova Nargiza Anvarovna[2], Abdullaev Makhsur Maksudovich[3]
1 - Akfa Medline Airitom Private Clinic, Republic of Uzbekistan, Termez;
2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;
3 - Akfa Medline University Clinic, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. *Шарҳда 2017–2026 йиллар нашрлари (Medline/PubMed, Embase, Cochrane) асосида меник илдизини реконструкция қилишдан кейинги реабилитациянинг замонавий тамойиллари тизимлаштирилган ва таҳлил қилинган. Медиал ва латерал меник илдизларининг анатомик-биомеханик хусусиятлари, R. LaPrade бўйича илдиз шикастланишлари таснифи кўриб чиқилган. Консерватив протоколлар (ўқ бўйлаб юкламани 6 ҳафта ва ундан ортиқ муддатга чеклаш, дастлабки 4–6 ҳафтада букишни 90° гача чеклаш) ва жадаллаштирилган протоколлар (дастлабки 2 ҳафтада ўқ бўйлаб юклама бериш) ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинган. Меник илдизининг суяк билан битиши юмшоқ тўқималарнинг битишига нисбатан секинроқ кечиши кўрсатилган, шу сабабли илдизнинг алоҳида узилишлари эҳтиёткорроқ ёндашувни талаб қилади, олдинги хочсимон бойлам бир вақтда пластика қилинганда эса бўғим ичига қон қуйилиши «биологик аугментация» самарасини юзага келтиради ва фаолроқ реабилитацияга имкон беради. Ягона умумэътироф этилган реабилитация протоколи мавжуд эмас; босқичлар ўртасидаги ўтиш клиник тикланиш мезонларига асосланадиган табақалаштирилган шахсийлаштирилган ёндашув зарурлиги асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *меник илдизи, меник илдизининг узилиши, реконструкция, реабилитация, ўқ бўйлаб юклама, олдинги хочсимон бойлам, тизза бўғими.*

Abstract. *The review systematizes and analyzes current principles of rehabilitation after meniscal root repair based on publications of 2017–2026 (Medline/PubMed, Embase, Cochrane). The anatomical and biomechanical features of the medial and lateral meniscal roots and the LaPrade classification of root tears are considered. Differences between conservative protocols (restricted weight bearing for 6 weeks or longer, flexion limited to 90° during the first 4–6 weeks) and accelerated protocols (weight bearing within the first 2 weeks) are analyzed. Root-to-bone healing proceeds more slowly than soft-tissue healing; therefore, isolated root tears require a more cautious approach, whereas in concomitant anterior cruciate ligament reconstruction the intra-articular haemarthrosis produces a "biological augmentation" effect and allows more active rehabilitation. No universally accepted protocol exists; the need for a differentiated, personalized approach with criteria-based progression between phases is substantiated.*

Keywords: *meniscal root, meniscal root tear, repair, rehabilitation, weight bearing, anterior cruciate ligament, knee joint.*

Коленный сустав – один из самых крупных суставов организма человека. По мнению Д.В. Скворцова, как и многих других отечественных и зарубежных учёных, этот сустав представляет собой сложную биомеханическую систему с большим количеством анатомических образований, обеспечивающих его функцию [3, 9, 23]. Повреждения и заболевания коленного сустава занимают значительное место среди актуальных и дискуссионных вопросов травматологии и ортопедии, особенно у молодых пациентов [35, 55]. C. Wall и соавт. объясняют это разнообразием и сложностью нозологических форм [59]. По данным российских исследователей, экстремальные механические нагрузки во время спортивных тренировок и соревнований выводят коленный сустав на лидирующее место по частоте травм. Н.Я. Прокопьев установил, что частота закрытых травм коленного сустава среди детей мегаполисов России варьирует от 7 до 18% [7]. S. Jadidi и соавт. опубликовали систематический обзор, объединивший данные 25 тыс. человек, среди которых 0,3% имели то или иное повреждение коленного сустава, преимущественно в возрасте 10–19 лет [31]. По данным группы исследователей во главе с J. Molony, в мировой подростковой популяции на долю травм коленного сустава приходится от 12 до 27% всех зарегистрированных травм [42]. Годом ранее A. Alomar сообщил, что в среднем 18,4% всех травм коленного сустава требуют оперативного вмешательства [12].

По мнению Д.Б. Бальжинимаева, менискам отводится ключевая роль в биомеханике коленного сустава: они увеличивают площадь контакта бедренной и большеберцовой костей и тем самым обеспечивают равномерное распределение нагрузки [2]. По результатам работы узбекских учёных под руководством профессора К.М. Маматкулова, выполненной в 2021 г., мениски служат буфером против осевых, ротационных и сдвигающих сил, неизбежно возникающих при движении [6]. По мнению J. Matthews, потеря ткани мениска приводит к локальной концентрации тибиофеморального контакта, что в дальнейшем вызывает прогрессирующий артроз и дисфункцию сустава на многие годы вперёд [41].

Проведённый нами анализ показал, что разрыв корня мениска – серьёзная патология, которую, судя по ранним публикациям, диагностировали и лечили недостаточно. В последние годы повреждения корня мениска стали выявлять чаще, что позволило A. Hantouly назвать эту проблему «тихой эпидемией» в силу сложной диагностики и быстрого формирования дегенеративных изменений в суставе [28]. В.В. Заяц описывает эти повреждения как разрывы мениска либо его отрыв в пределах 1 см от места прикрепления к кости; по мнению автора, они неизбежно приводят к потере окружного напряжения (hoop tension) [4]. В работе 2025 г. показано, что биомеханически эта патология сопоставима с тотальной менискэктомией: по мнению C. Gerhold, мениск перестаёт выполнять свою функцию и не преобразует осевую нагрузку в кольцевое напряжение, вследствие чего происходит его экструзия, а пиковое давление на хрящ резко возрастает [24].

В последние годы отмечается значительный прогресс хирургических техник при этой патологии. L. Dzidzishvili обосновала возможности pull-out фиксации и фиксации шовными анкерами через большеберцовую кость [20]. Это позволило чаще выполнять органосохраняющие операции вместо удаления тканей мениска. Вместе с тем, несмотря на успехи хирургии, единого мнения и протокола послеоперационной реабилитации таких пациентов нет. J. Kim и соавт. в систематическом обзоре выявили существенные расхождения протоколов в сроках начала осевой нагрузки и в ограничениях объёма движений в суставе. По мнению авторов, особенно актуален обоснованный дифференцированный выбор реабилитационного подхода: заживление при фиксации корня мениска к кости протекает иначе, чем при обычном шве мениска. В первом случае необходимо добиться сращения мениска с костью, во втором – заживления мягких тканей внутри мениска [33]. J. Garcia и соавт. пришли к выводу, что при сочетанных повреждениях реабилитационная тактика должна меняться: при одновременной реконструкции передней крестообразной связки (ПКС) внутрисуставное кровоизлияние часто улучшает биологическое заживление тканей мениска [22].

Цель исследования: систематизация и критический анализ современных принципов реабилитации после реконструкции корня мениска. В обзоре рассмотрены различия между консервативными и ускоренными протоколами восстановления и обоснована необходимость дифференцированного подхода к ведению пациентов как с изолированными разрывами корня, так и с сочетанными повреждениями связочного аппарата коленного сустава.

Материал и методы. При подготовке обзора проанализирована профильная медицинская литература, индексируемая в базах данных Medline/PubMed, Embase и Cochrane.

Поиск охватывал систематические обзоры за 2017–2026 гг. Поисковый запрос формировался с использованием ключевых слов «meniscal root», «repair», «rehabilitation», «knee joint injuries». Для анализа отбирали полнотекстовые клинические исследования, посвящённые послеоперационному ведению пациентов. Анализировали сроки начала и интенсивность осевой нагрузки, амплитуду движений и сроки возвращения к физической активности. Особое внимание уделяли работам, позволяющим сравнить результаты изолированной рефиксации корня и сочетанных операций, что является ключевым аспектом нашего исследования. Изучены публикации, касающиеся «ускоренных» и «консервативных» реабилитационных протоколов. Согласно D. Knapik, ускоренными считали протоколы реабилитации после внутрисуставной реконструкции ПКС, предполагающие начало осевой нагрузки в течение первых двух недель после операции; при таких протоколах авторы часто регистрировали раннее восстановление амплитуды движений [34]. Консервативные протоколы, по мнению S. Srimongkolpitak, предусматривают более продолжительные ограничения – до шести недель и более, что необходимо для защиты зоны фиксации корня [56].

Анатомия и биомеханика повреждений корня мениска. Для понимания специфики реабилитации необходимо учитывать фундаментальные различия между медиальным и латеральным отделами менискового аппарата коленного сустава. По данным S. Perelli, латеральный мениск принципиально отличается от С-образного медиального: автор описывает его как почти круглое фиброзно-хрящевое кольцо, покрывающее 78% соответствующей суставной поверхности большеберцовой кости [48]. Задний корень медиального мениска, в свою очередь, обеспечивает биомеханическую поддержку медиального отдела коленного сустава [25]. Размеры менисков описаны в многочисленных публикациях; проанализировав их, мы пришли к выводу, что средняя длина менисков по периферии составляет около 114,28 мм (от 82 до 134 мм) и зависит от индивидуальных параметров. Для реабилитации важнее учитывать подвижность мениска. S. Masouros описывает широкую подвижность латерального мениска с экскурсией 12,6 мм, тогда как для медиального мениска она составляет около 5,1 мм. Большую подвижность латерального мениска автор объясняет отсутствием прочной связи с латеральной коллатеральной связкой [40].

